


75

КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ



КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ

ҮҚУВ ҚҰЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ – 2000
«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази**

Ушбу ўкув қўлланма Криминалистика фанининг умумий бўлимларидан "Тергов тактикаси" кисмининг асосий мазмунини ташкил қиласди. Жиноятни тўла ва тез очишда тергов амалиётининг илгор тажрибасини умумлаштириб олинган хуласалар асосида ишланган тактик тавсиялар ва тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси асосида тегишили тизимда ёритилган.

Тергов ҳаракатларини ташкил қилиш ва ўтказишда тезкор-қидирув чоралари билан боғлиқ равиша замон талабига жавоб берадиган илмий-услубий тизим асосида тайёрланган.

Қўлланма ҳуқуқшунос олийгоҳлари талабалари ва тергов амалиёти ходимларига ҳам уларнинг жиноятчиликка қарши олиб бораётган машақатли ишларида ёрдам беради деган умиддамиз.

Тошкент Давлат Юридик Институтининг Криминалистика кафедраси жамоаси мазкур ўкув қўлланмаси хусусида сизларнинг фикр ва мулоҳазалар билдиришига умид қиласди ва уларни келгусида дарслик тайёрлашда инобатга олади.

Муаллифлар:

I боб — Т.Мирзаев; II боб — Р.Алимова; III боб — К.Суяров; IV боб — Д.Ахмедов; V боб — Б.Ҳидоятов; VI боб — Р.Алимова; VII боб — Р.Алимова; VIII боб — Р.Алимова; IX боб — А.Норбоев; X боб — Р.Алимова.

Масъул муҳаррир:

ҲАЛИМБОЙ БОБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
хуқуқшунослик фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

С.А.ОТАХЎЖАЕВ,
Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази директори

Р.ҲАҚБЕРДИЕВА,
ТошДУ Жиноят жараёни кафедраси мудири.
Т.А.САМАТОВ,
Республика илмий-тадқиқот криминалистика маркази
бошлигинин илмий ишлар бўйича ўринбосари

Муҳаррир:
Шоҳруҳ АКБАРОВ

Ушбу қўлланма Тошкент Давлат юридик институти ўқув-услубий Кенгашининг 1999 йил 25 июндаги 8-сонли қарорига биноан чоп этилди.

ISBN N 5-633-01186-4

I БОБ. КРИМИНАЛИСТИК (ТЕРГОВ) ТАКТИКАСИ

1-§ Тергов тактикаси түшүнчеси ва соҳаси

Содир бўлган жиноятни тўла ва қонуний қилиб очиш, жиноят содир қилган шахснинг айбини одилона исботлаб бериш учун жиноят-процессуал қонуни асосида иш олиб бориш лозим;

Тергов ва суриширув фаолиятини такомиллаштириш, тергов ишини сифатини ҳозирги кун талабига жавоб берадиган даражага кўтариш учун қонунда белгиланган тартибни қўллаш кўп ҳолларда етарли бўлмайди.

Қонунда белгиланган тартиб қоидани қўллаш билан бир қаторда, ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказишда криминалистика фани ишлаб чиққан тактик услубларни қўллаш ҳам лозимдир.

Криминалистик (тергов) тактикаси деганда тергов жараёнида тезкор-қидириув ва процессуал тергов ҳаракатларини ўтказишда қўлланадиган тактик услубларнинг йиғиндинисин тушунмоқ лозим.

Қонунда белгиланган ҳар бир тергов ҳаракатининг ташкил қилиниши ва ўтказилиш тартиби сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш, жиноий ишга алоқаси, ишга оид маълумотларни эркин сўзлаб бериши, сўнгра савол-жавоб ўтказиш масалаларидан иборатdir. Тактик услублар эса процессуал тартибга зид бўлмаган ҳолда сўроқни қандай ташкил қилиб, кимни биринчи навбатда чақириш, сўроққа тайёргарлик кўришда қандай ҳолатларга эътибор беришни, савол-жавобни жиноий ишнинг алоҳида ҳолатларига қаратилган қилиб тузиш каби тавсиялардан иборатdir.

Тактик услубларнинг қайси бири қай ҳолатга нисбатан қўлланишлиги тергов томонидан ҳал этилади.

Айрим тактик услублар тергов амалиётида ўз аҳамияти ва ўрнини топганлиги сабабли жиноят-процессуал қонунига киритилган бўлиб, уларни бажариш шартдир, акс ҳолда қонун белгилаган тартиб бузилиди ва олинган далил ўз хусусиятини йўқотади.

Тактик услублар бир тергов ҳаракатига нисбатан бир неча бўлиши мумкин. Терговчи жиноий ишнинг алоҳида ҳолатига, текширилаётган шахснинг жиноий ҳаракатига, унинг вақти, жойи, шароити кабиларга қараб у ёки бу тактик услубни қўллаши мумкин.

Криминалистика фанининг ўтган йиллардаги ўқув қўлланмаларида мазкур бўлим “тергов тактика”си деб номланган эди. Бунинг сабаби

тактик услуглар асосан тергов амалиётига тегишли бўлганлиги учундир. Ҳозирги кунда тактик усулларнинг айримлари суд жараёнида ҳам, суриштирувда ҳам қўлланилмоқда, шунинг учун “тергов тактика”си тушунчасига бир мунча кенгроқ маъно бериш мақсадида уни “криминалистика тактика”си десак мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамид.

Юқорида келтирилган фикр асосида “криминалистика тактика”нинг соҳасига фақат тергов процессуал ҳаракатларигина кириб қолмай, унга суд жараёнида ўтказиладиган ҳаракатлар услуби суриштирув яъни тезкор қидирав чораларининг тергов билан боғлиқ бўлган ҳолатлари ҳам киради.

Шу ўринда қуйидаги масалага ҳам тўхтаб ўтишлик жоиздир:

Тезкор қидирав фаолияти асосан суриштирув фаолияти соҳасига кирадиган мустақил курс (фан) бўлиб, Ички ишлар вазирлиги Академияси ва ўрта маҳсус билим мактаблари талабаларига ўқитилади. Унинг ўзига хос маҳсус услубиётлар тизими бўлиб асосий қисми ёпиқ маҳфий тафсилотга эгадир. Шу билан бирга тезкор-қидирав чора-тадбирлар тергов билан боғлиқ бўлганлиги ва тергов ҳаракати билан бир қаторда ёки олдинма-кетин ўтказилиши, жумладан ҳодиса жойини кўздан кечириш, тинтуб ва бошқа ҳаракатларни ўтказишда мувваффақиятли натижа олиш учун тайёргарлик кўриш, зарур бўлган маълумотларни йиғиш, жиноятда шубҳаланилган шахсни қидириб топиш каби чораларни ўтказишда тактик услугларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун ҳам тезкор чоралар, тергов ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган қисмлари тактика соҳасига киради.

Криминалистика тактикаси жиноят процессуал ҳуқуқининг “дастлабки” тергов қисми билан узвий боғлиқ бўлиб жиноятни тергаш жараёнида қўлланадиган процессуал қоида ва тартибларни тактик услуглар билан тўлдиради.

Умумий тарзда ифода қиладиган бўлсақ, процессуал қонун тергов жараёнида “нима қилмоқ зарур” деган саволга жавоб берадиган бўлса, криминалистик тактикаси эса шу тергов ҳаракатини “қандай қилиб ўтказиш лозим” деган саволга жавоб беради.

Айрим тактик усуллар Жиноят-процессуал кодексининг “Далиллар ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар” бўлимида умумий кўрсатма шаклида баён қилинган. Лекин умумий процессуал тартибининг ўзи жиноятни очишга етарли бўлмайди. Жиноят ишининг тафсилоти ҳолати, айбланувчининг шахсини ва бошқа ҳолларни инобатга олган ҳолда, терговчи кўзлаган мақсадга эришиши учун Криминалистика ва Юридик психология фанлари тавсия қилган тактик усулларни қўллаши

зарур бўлади. Шундагина содир бўлган жиноятнинг барча ҳолатларини исботлашгага эришилади.

2-§. Криминалистика тактикасининг умумий ҳолатлари

Криминалистика тактикаси тергов жараёнида қўлланадиган тавсиялар тизими бўлганлиги учун улар, жиноятнинг туридан қатъи назар умумий тафсилотга эгадир. Конкрет жиноятни тергов қилишда эса тактик услублар жиноятнинг содир қилиш усули, мақсади, оқибати каби ҳолларга нисбатан мос равишда қўлланилади. Тергов жараёнида турли зиддиятли вазиятлар ҳосил бўлади, тўғланган далилларнинг бир-бирига зид бўлиши, дастлабки тергов ҳаракатларидан олинган маълумотлар асосида ҳосил бўлган гумон-тахминларнинг қарама-қаршилиги кабилар. Бу вазиятларни бартараф қилиш учун терговчи кейинги навбатда ўтказиладиган тергов ва тезкорлик ҳаракатларини режалаштириш лозим. Тузилган тахминларни қайсиларини биринчи навбатда, қайсиларини комплекс равишида текшириш лозимлигини ҳал қиласди.

Тайёргарлик ва ташкилий ишларни ўтказишда терговчи заруратга қараб керакли мутахассисларни таклиф этади ва улардан тегишли маълумотларни, тергов ҳаракатини ўтказишга зарур бўлган маҳсус билимлар ҳақида маслаҳатларни олади.

Жиноятни ўз вақтида ва объектив очиш, исботлаш учун амалиётда “тактик операция” номи билан юритиладиган усул ҳам мавжуд. Мазкур усулнинг асосий мақсади тергов ҳаракати олдида турган барча масалаларни тез, одилона ҳал қилишдан иборатdir. Бу усул тергов ва тезкор-қидирув ҳаракати билан ҳамкорликда ўтказиладиган тактик услублардир.

Тергов тактикасининг соҳаси бир-бири билан узвий боғланган иккисимдан иборат: бири умумий масалалар бўлгани тергов версиялари ва терговни режалаштириш, иккинчиси тергов ҳаракатларини тезкор қидирув тадбирлари билан ҳамкорликда бажариш усулларини ўз ичига олади.

Терговчининг фаолиятига тергов тактикасининг тизими билан бир қаторда, умумлаштирилган амалиёт тажрибасидан олинган хуносалар хизмат қиласди. Жиноят процессуал қонуни тергов ҳаракатларининг умумий тушунчаси, ўтказиш тартиби ва расмийлаштириш масалаларини кўрсатиб беради. Криминалистика процессуал қонунга асослан-

ған ҳолда илгөр тергов тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларини жиноятнинг тафсилотига қараб уни очишга, исботлашга ва олдини олишга қаратилган конкрет тактик тавсияларни ишлаб чиқади.

Криминалистика тактикаси фаннинг илмий техник воситалари билан шугулланадиган қисми билан узвий боғлиқдир.

Техника воситалари тергов жараёнида далилларни (изларни) қидириб топишда, уларни кўчириб олишда, мустаҳкамлашда ва тадқиқ этишда қўлланади. Бу ҳаракат, тадбирлар тергов тактикаси фаолиятида ўз ифодасини топади, яъни Криминалистиканинг техника ва тактикаси узвий боғлиқ бўлиб, жиноятни тергов қилиш услубиётида амалий қўлланилиши ифода қилинади.

Криминалистика (тергов) тактикаси юридик психология фанининг назарияси билан ҳам bogлиqdir. Тергов ҳаракатларини ташкил қилиш ва ўтказишда тактик услублар билан бир қаторда психологияк ҳолларига ҳам асосланиш лозим бўлади. Жумладан, ҳодиса жойида жиноятчнинг қасдан изларни, жиноят қуролларини йўқотишга қаратилган ҳаракатларидан дарак берувчи аломатлар — “тилсиз гувоҳлар”ни таҳлил қилиб версия — тахминларни тўғри тузиш ва ҳақиқатни аниқлашда тактик услубларни юридик психология тавсиялари билан биргаликда қўлланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тергов қилиш жараёнида терговчи белгиланган ва ўтказмоқчи бўлган процессуал ҳаракатни қаерда, қандай шароитда, кимлар иштирокида ўтказиш ҳақидаги масалаларни олдиндан ҳал қилиб, тайёргарлик кўриши лозим. Бу борада тезкор ҳодимларнинг ёрдами аҳамиятлидир, улар зур бўлган маълумотларни тезкор-қидирув чоралари натижасида таъминлаб берадилар. Терговчи эса тўпланган маълумотларни мазкур ҳолатда татбиқ этиш учун уларни психология ва мантиқ билимларига асосланган ҳолда таҳлил қиласди.

Сўроқ ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш, ундан тўла ва ҳақиқатга мос ахборотни олиш учун тактик услубларни белгилаш, ёлгон кўрсатма берадиган бўлса иш материалидаги тўпланган далиллар билан фош этиши каби тадбирларни аввалдан белгилаб олиш, ўтказиладиган тергов ҳаракатининг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Жиноий ишда гумонланувчи, сўнгра уни айбланувчи сифатида сўроқ қилиш ва иш юзасидан тўла ва тўғри кўрсатма олиш учун унинг шахсини аниқлаш, умумтактик услубларни қайси бирини қандай ҳолатда қўллашликни белгилайди.

Сўроқ қилинувчининг шахси ҳақидаги маълумотлар у билан мулоқотда бўлиш жараёнида қўлланадиган тактик ва психологик услублар-

ни унинг ёши, касби, ҳаёт кечириш тарзи, жиноятни содир этишда ва унинг изларни йўқотишга қаратилган услубларига қараб танлаш имконини беради.

Тактик услубларни янада самарали бўлиши учун жиноий иш юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни гумон-тахминларни юритиш билан ҳам текшириш лозим. Бу борада тергов ҳаракатларини тез-кор-қидириув чоралари билан ҳамкорликда ўтказиш ва қўлланадиган тактик услубларни терговнинг айнан шу босқичдаги ҳолатига мос равиша танлаш катта аҳамиятга эгадир.

Жиноят ишини текширишнинг бошланғич босқичида воқеа жойини кўздан кечиришда, гумонланувчини сўроқ қилишда турли қарама-қарши вазиятлар мавжуд бўлади. Булардан қўпроқ учрайдиган ҳолларидан бири, жиноятнинг изларини йўқотишга қаратилган ҳаракатлардир. Булар натижасида жиноятнинг оқибатига тегишли бўлган изларни йўқлиги, ҳосил бўладиган версияларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлиши, бир жиноятни иккинчи бошқа енгилроқ жиноят кўринишига мосламоқ, масалан, қасдан содир қилинган қотилликни эҳтиётсизлик ёки баҳтсиз ҳодиса, дейиши гумонланувчи айбини юмшатиш ёки мутлоқ тан олмаслик мақсадида зарурий мудофаа чорасини қўллаганини айтиши ва шунга кўра тегишли изларга, вазиятларга асосланиши. Мана шундай вазиятларни ҳақиқий ёки сунъий ҳосил бўлганлигини аниқлаш учун терговчи версия юритиши ва уларни текширишда тактик услубларни ва мутахассислик маҳоратини ишлата олиши лозим.

II БОБ. ТЕРГОВ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ВЕРСИЯ ЮРИТИШ

Ҳар қандай фаолият, ишни бошлашда уни тұғри ташкил қилишни ва режалаштиришни талаб этади. Содир бұлған жиной ишни ҳам үз вақтида тұла ва объектив очиши, исботлаш учун тергов ишини тұғри ташкил қылмоқ ва режалаштироқ лозимдир. Акс ҳолда тергов ишини тұла ва тегишли муддатда очиб исботлаб бұлмайды, терговни туттаган ҳолда ҳам унинг натижаси сифатсиз, юзаки бўлиб, айрим ҳолларда иш қайта терговга юборилади, ёки тұхтатилиб қўйилади.

Терговни режалаштириш, дастлабки тұпланған маълумотлар асосида версия (тажминларни) юритиши, уларни үз вақтида текшириш, жиноятни тезда очиши, далилларни тұплаш, процессыал тергов ва тезкор-харакатларни тұғри ташкил қилишнинг кафолатидир.

Шунингдек, режалаштириш терговни бошланиш босқичида кам вақт ва куч сарфлаб жиноятнинг асосий ҳолатларини аниқлашта беради.

Терговиңи режалаштириш тушунчаси умумий режадан фарқ қиласы. Тергов режаси «аввалдан бирор чорани белгилаб, уни албатта бажариш шарт» деган маънода бўлмай, балки тергов ишини тұғри ташкил қилиш, дастлабки аниқланған маълумотлар асосида ҳосил бўлған версия-гумонларни тезкор ва процессыал ҳаракатларни ташкил қилиб ўтказиш оғқали текшириш, терговни тұғри йұналтириши деган тушунчани беради. Тергов ишини режалаштиришнинг үзига хос бўлған хусусиятларидан бири унинг алоҳидалиги. Ҳар бир содир бўлған жиноят үзига хос бўлған алоҳида хусусиятга эгадир: вақти, жойи, содир этиш усули, жиноят оқибати ва бошқа ҳолатлари билан бир-биридан фарқ қиласы. Шу асосда тергов режаси ҳам алоҳида бўлиши лозим, битта турга ёки гуруҳга тегишли бўлған жиной ҳаракатлар бир-бирига ўзаро ўхшаш бўлса ҳам режалари алоҳида бўлмоғи, ўтказиладиган чора тадбирларі аниқланиши лозим бўлған ҳолатларига қараб белгиланмоги даркор.

Режанинг яна бир хусусияти унинг узлуксиз ҳаракатда бўлишидир. Терговнинг дастлабки босқичида белгиланған ишлар аниқланаётган ва тұпланған далилларга асосан янги-янги чора-тадбирларни құллашни талаб этади, аниқланған жиноят ҳолатлари эса навбатдаги тергов ҳаракатларининг қайси бирини, аввал қайсиларини кейинги навбатда ва қаерда, қандай ўтказышларни белгилайди. Шунинг учун режа күн сайин тұлдириб ёки үзгартырилиб бориши мумкин. Айрим ҳолларда текши-

рилаётган жиноий ҳолатнинг натижаси кутилмаган ҳолда мўлжалга қарама-қарши бўлиб чиқади. Бундай ҳолларда белгиланган ишни ўзгартиришга, бошқа тергов ҳаракатларини белгилашга тўғри келади.

Тергов режаси тергов иши бошланишдан то тугатилишига қадар ўзгартирилиб, унга қўшимча чора ва тадбирлар киритилиб бориши мумкин.

Терговни режалаштиришнинг асосий мақсади, тергалаётган ишнинг исботлаш соҳаси, яъни иш юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар йифиндисидир. Исботланиши лозим бўлган ҳолатларни қўйидаги саволлар тариқасида белгилаш мумкин: ким ёки кимлар содир қилган, қачон ва қандай содир этган, нима мақсадда (қасдан бўлган ҳолларда), заарнинг тури ва миқдори, жиноий ҳаракат оқибати ва шу каби бошқа саволлар.

Аниқланиши лозим бўлган ҳар бир ҳолатни текшириб унга жавоб топиш учун шу ҳолатга нисбатан версия-гумонни белгилаб, сўнг уни текшириш учун тергов ҳаракатини ўтказмоқ лозим.

Тергов версияси — содир бўлган жиноятнинг ҳолатлари юзасидан ҳосил бўладиган гумон, тахминлардир. Улар тезкорлик ёки дастлабки тергов ҳаракатлари натижасида олинган маълумотлар асосида ҳосил бўлади.

Жиноятнинг оқибати асосида у қасдан содир қилинганми ёки эҳтиётсизлик натижасида юз берганми деган саволлар жиноий ҳаракатининг аломатларига, ишлатилган қурол ёки содир қилиш усулига қараб ҳосил бўлади. Ана шу аломат — белгилар тергов версиясига асос бўлиб хизмат қилади. Версия гумон, тахмин бўлганлиги учун у факат текширилгандан сўнг тасдиқлансанагина ҳақиқат яъни далил бўла олади.

Версияга асос бўладиган маълумотлар: белгилар, излар, қолдиқ моддалар, жиноятчининг ҳаракатидан дарак берувчи аломатлар мазмунан ва мантиқан бир-бирлари билан боғлиқ бўлишлари лозим, акс ҳолда мазкур версия асосли бўлмай, унга қарама-қарши бўлган бошқа версия асослироқ бўлиб текширишга мойилроқ бўлади.

Жиноятнинг айрим битта ҳолатига нисбатан бир неча бир-бирига қарама-қарши версиялар ҳосил бўлиши мумкин, текширишда ҳам улар параллел-баробарига текширилса биттаси тасдиқланади, қолганлари тушиб қолади. Агар кўзга ташланиб турган бирор аломатга асосланниб эҳтимолга яқинроқ версиянинг ўзини текшириш билан кифояланиб қолинса, натижа салбий бўлиб, қолган версияларга яна қайтишга тўғри келади. Терговчи вақтни ва кучни бой бериб қўяди, излар йўқолади, ҳолатлар ўзгаради. Оқибатда текширилаётган ҳолат исботланмай қолади.

Версиялар тергов режасининг асосий элементи бўлиб, исботлаш предмети соҳасининг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Версиялар умумий ва хусусий бўлиши мумкин. Умумий версиялар жиноятнинг алоҳида элементлари, алоҳида ҳолатлари юзасидан юритилиши мумкин. Жиноятнинг содир қилиниши усули ва қўлланилган қурол асосида жиноятчининг шахси ҳақида — унинг ҳаракати юзасидан тузиладиган версия умумий бўлади.

Жиноий ҳолатнинг айрим хусусий томонига нисбатан ҳосил бўладиган гумон хусусий версия бўлиб ҳисобланади. Хусусий версиялар ишнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатларини текширишда тўгри йўл кўрсатувчи восита бўлиб хизмат қиласди.

Ҳар қандай версия тахминий даражаси юқори ёки кам, ҳақиқатга яқинроқ бўлишига қарамай, улар барибир версия-гумон бўлиб қолаверади, фақатгина тергов ҳаракатлари билан текширилгандагина улар ҳақиқат бўлади ва иш юзасидан далил бўлиб хизмат қиласди.

Қотиллик жиноятини текширганда, мурдани кўздан кечириш жарёнида жабрланувчининг танасидаги жароҳатлар ва мурда аломатлари асосида унинг ўлимига сабаб бўлган жароҳатлар жиноят содир бўлган ва ўлимнинг вақти, жароҳатларнинг ўлимдан олдин ва кейин етказилганиклари ҳақида бир неча версиялар ҳосил бўлади, суд тиббиёт экспертизаси тайинлангандан сўнг эксперт-мутахассис баъзи версияларни тасдиқлаб хulosса беради, бошқалари эса тасдиқланмай ўз-ўзидан тушиб қолади. Тасдиқланган версиягина ҳақиқат бўлиб иш юзасидан далил бўлади, бошқа далиллар билан мантиқан боғлиқ бўлиб бир-бирларини тўлдирадилар.

Тергов жараёнида айрим ҳолатлар юзасидан зиддиятли вазиятлар ҳам ҳосил бўлади.

Булар тергов режасида версия каби белгиланиб уларни текшириш ва бартараф қилиш чоралари кўрсатилади. Текшириш чораларига процесуал-тергов ҳаракатлари билан бир қаторда тезкор-қидирав чоралари ҳам киради. Тезкор ҳаракатлар тергов ҳаракатидан аввал, параллел ёки ундан кейин алоҳида ҳам ўтказилиши мумкин. Бу ҳаракатлар терговчининг бошчилигида ёки унинг топшириги асосида, ишнинг тергалаётган, текширилаётган ҳолатига қараб белгиланади ва тезкор ходимлар томонидан ўтказилади.

Тергов режасининг шакли турлича бўлиб, қатъий ва ўзгармас бир чизмага киритиш шарт эмас. Бу ҳужжат процесуал ҳужжатлар каби иш материалига ҳам қўшилмайди. Режа тергов жараёнида текшириш-исботлаш чораларини ўз вақтида ва тегишли олдинма-кетинликда ташкил қилиш, терговнинг тўгри йўналишини танлаш учун восита бўлганилиги учун, унинг тузилиши турлича бўлиб мазмуни эса иш юзасидан текшириладиган барча ҳолатларни ўз ичига олмоғи зарур.

Криминалистика тактикаси қисмидаги масалалар қаторида режалаштиришнинг қуйидаги шакли тавсия этилади:

Содир бўлган жиноятнинг фақат оқибат ҳолати маълум бўлиб бошқалари терговнинг дастлабки босқичида савол тариқасида, версия шаклида бўлганлиги учун, режанинг асосий мазмуни ўша версияларни текширишга қаратилган бўлмоғи лозим.

Режа чизмасининг биринчи бўлимида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар кўрстилади. Ундан сўнг шу ҳолатлар юзасидан ҳосил бўлган версиялар акс эттирилади, кейинги бўлимда эса версияларни текшириш чоралари — тергов ва тезкорлик ҳаракатлари белгиланиб уларни ўтказиш жойи, вақти ва қатнашчилари мўлжалланади, охирги қисмida эса терговчи ўзига тегишли бўлган баъзи маълумотларни эслатма шаклида белгилаб олиши мумкин. Дастлабки тергов ва тезкор ҳаракатлар натижасида тўпланган далиллар асосида режага янги, қўшимча масалалар киритилиши, баъзи белгиланган ишлар ўзgartирилиши ҳам мумкин.

Янги версиялар ҳосил бўлиши ва уларни текшириш, далилларни қайта текшириш, баҳолаш каби масалалар билан режа узлуксиз ҳаракатда бўлади.

Тергов фаолиятининг режаси фақат алоҳида жиной ишнинг исботланишига қаратилган бўлмай, криминалистика фанининг жиноятни олдини олиш масаласига ҳам қаратилгандир. Аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, яъни исботлаш доирасига кирадиган масалалар билан бир қаторда, жиной ҳаракат натижасида етказилган зарар (моддий, маънавий) миқдори, жиноятни содир қилишга қандай шароитлар енгиллаштирувчи восита бўлди каби саволлар ҳам ҳал қилинмоғи лозим. Бу муаммоларнинг барчаси тергов фаолияти вазифасига киради ва режанинг элементларини ташкил қиласди.

Терговчининг иш соҳаси бўйича қўлида кўп ҳолларда битта эмас, бир неча жиной ишлар бўлганлиги учун ҳар бир тергалаётган иш юзасидан алоҳида эркин режасини тузиши маъқулроқдир. Мисол тариқасида, тергов олиб борилаётган иш юзасидан қуйидаги умумий режа намунаси тавсия этилиши мумкин:

- жиной иш юзасидан белгиланган тергов режаси
- жиной ишнинг қўзғатилган санаси
- тергов бошланиши санаси
- тумонланувчи айбини эълон қилиниши
- иш юзасидан қўлга (қамоқقا) олинганлар
- терговни тугатиш вақти

ТЕРГОВ РЕЖАСИННИГ УМУМИЙ НАМУНАСИ

№	Жиноят иши юзасидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар	Ҳолатлар бўйича ҳосил бўладиган версия (тахминлар)	Версияларни текшириш чоралари(тергов-тезкор ҳаракатлар)	Бажарилиш вақти, жойи	Изоҳ
1.	Жиноят субъекти (кимлар):	а) жабрланувчи ни яқиндан биладиган шахслар б) бегона шахслар	кўздан кесчириш гумонланувчини қидириш ва гувоҳларни аниқлаш, экспертиза.	Жиноят содир бўлган жой, излар топилган жой	тергов ҳаракатини тезкор чоралар билан ҳамкорликда ўтказиш
2.	Жиноят мотиви тавсифи:	Қасддан содир этилган, эҳтиётсизлик натижасида	Экспертиза тайинлаш, суроқ ўтказиш	олдинма кетинлиги иш ҳолатига қараб белгиланади	

Тергов ишини режалаштириш тергов қилаётган ходимнинг ихтиёри ва ўзига қулайроқ бўлган бошқа шаклларини ҳам қўллаши мумкин. Асосий масала терговчининг бошланиш босқичини ва кейинги навбатда ўтказиладиган тергов ва тезкорлик ҳаракатларини тўғри ташкил қилиш ва белгилашидир.

Режанинг турларидан бири алоҳида тергов ҳаракатини ташкил қилиш ва ўтказишга қаратилган бўлиб, унда жиноий иш ҳолатини, айрим тергов вазиятларини бартараф қилиш учун белгилангандир. Ўтказиладиган жойи, вақти, қатнашувчилари ва бошқа тактик масалалари режада белгиланиб уларни терговчи ўзи мустақил ҳал этади. Режалаштириш шакли эса турлича бўлиб, терговчи ўзига маъқул бўлган услубни қўллайди.

III БОБ. ҲОДИСА ЖОЙИНИ КҮЗДАН КЕЧИРИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Күздан кечиришнинг умумий ҳолатлари

Күздан кечириш — ҳодиса юз берган жой терговчи томонидан текширилиб, жиноятга тегишли бўлган моддий нарсалар: излар, жиноят қуроли, жиноятни содир қилишда гумонланган шахсга тегишли маълумотларни олишдан иборатdir.

Күздан кечириш мустақил тергов ҳаракати бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 135-140- моддалари билан тартибга солингандир. Мазкур тергов ҳаракати кўп турдаги жиноятларни тергов қилишда дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган, жиноятни очища - исботлашда муҳим бўлган далилларни топишни таъминлайдиган ҳаракатdir.

Ҳодиса жойи деганда-жиноят содир бўлган жойни, жиноятга тегишли бўлган нарсаларни (излар, қурол сифатида ишлатилган предметлар, ашёвий далилларни топилган жойлар, жиноятда гумонланувчи шахсни ушлаган жой ва бошқа маълумотлар олинган жойларни тушунмоқ лозим.

Күздан кечиришнинг мақсад-вазифаси ЖПКнинг 135-моддасида акс эттирилган бўлиб, содир бўлган ҳодиса жойи билан танишиб чиқиб, қандай ҳодиса юз берганлигини, ҳодисанинг ҳолатлари юзасидан далилларни, жиноий ҳодисанинг оқибатини, ким ёки кимлар содир қилганликларини аниқлашдан иборатdir.

Шунингдек, тезкорлик чораларини амалга ошириш билан гувоҳ, жабрланувчи ва жиноятни содир қилишда гумонланувчини топиш, шахсини аниқлаш лозимdir.

Жиноий ҳодиса содир бўлған жойига нисбатан күздан кечиришнинг қуидаги турлари мавжудdir:

Одамлар яшайдиган бино-хоналар, хўжалик ишларига мўлжалланган ва ёрдамчи хоналар, давлат ёки жамоа ташкилотининг хизмат хоналари (офислар) ва очиқ жойларни күздан кечиришdir. ЖПКнинг алоҳида моддасида ҳодиса юз берган жойида топилган мурдани күздан кечириш тартиби берилган².

Жиноят ишига оид бўлган ашёвий далиллар (жиноят қуроли, ҳужжатлар ва шу каби нарсаларни күздан кечириш) терговчининг хизмат хонасида ҳам ўтказилиши мумкин. Кодекснинг 140-моддасида ҳужжатларни ва предметларни күздан кечириш қоидаси қайд қилинган.

Күздан кечиришнинг алоҳида турларидан бири тирик шахсларнинг баландидаги кийимларини кўздан кечириш, гувоҳлантиришдир. Бу тергов ҳаракати экспертиза текшируви талаб қилинмаган ҳолларда ўтказилади (ЖПКнинг 142-моддаси).

Ходиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос бўлган умумий тактик қоидалари мавжуддир:

-ходиса ҳақида хабар келиши билан терговчи ёки суриштирувчи ходимлар текширувни тезда, кечиктириб бўлмайдиган тарзда ўтказишлари лозим, акс ҳолда излар, ашёвий далиллар йўқотилади, атроф ҳолатлар ўзгаради, субъектив (манфаатдор шахслар томонидан) ва объектив (об-ҳаво, муҳит таъсири) омиллар туфайли жой ўзгаради, аввалги ҳоли бирмунча бузилади, гоҳида эса мутлоқ ўзгариб кетиши мумкин.

-кўздан кечиришни бошқа тергов ҳаракати билан алмаштириш мумкин эмас. Тергов жараёнида баъзи ҳолларда сўроқ ёки эксперимент ўтказишнинг иложи бўлмайди, чунки процессуал шахсларнинг ҳаёти, саломатлигига хавф туғилади ёки бошқа қандайдир сабабларга кўра шу тергов ҳаракатининг ўтказиш мумкин бўлмайди, бу ҳолларда уларнинг ўрнига бошқа тергов ҳаракати ўтказилади, яъни бошқа чора ва тадбирлар билан алмаштирилади. Лекин кўздан кечириш ҳаракати натижасида олинадиган маълумотларни (излар, ашёвий далиллар ва ҳ.к.) бошқа тергов ҳаракати тўлдира олмайди. Шу сабабли кўздан кечириш кўп жиноят ишлари юзасидан дастлабки, кечиктириб бўлмайдиган ва бошқа тергов ҳаракати билан алмаштириб бўлмайдиган процессуал ҳаракатдир.

-кўздан кечириш тўла ва ҳар томонлама, объектив ўтказилиши лозим. Бу дегани ҳодиса жойини текширишда «майда, аҳамияти йўқ» дейиладиган тушунчага ўрин йўқ. Ҳар бир «майда» бўлган ашё (ярим чекилган сигарет қолдиги, узилган тугмача, қолдик моддалар) ишга муҳим бўлган маълумотларни очиб бериш мумкин.

Кўздан кечириш жараёнида ҳосил бўладиган версия (таҳминлар)-ни асосли ва мантиққа риоя қилган тарзда тузиш лозим.

-кўздан кечиришни процессуал қонун нормаларига амал қилган ҳолда, тезкорлик ва бошқа тактик қоидалар асосида ўтказиш лозим. Тезкорлик деганда шошма-шошарлик эмас, балки барча имкониятларни сафарбар қилиб, ортиқча вақтни ўтказмасдан ўз вақтида ва талабга жавоб берадиган ҳолда ўтказиш лозимдир.

Тергов амалиётида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мақсади шу ҳодисадан жиноят аломатлари, излари, жиноят таркиби мавжудми, деган масалани ҳал қилиш учун ҳам ўтказилади. Шу сабаб-

ли процессуал қонун мазкур тергов ҳаракатини жиноят иши қўзғатилмасдан олдин ҳам ўтказиш имконини берган. Шу жумладан кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳам жиноят иши қўзғатилмасдан аввал ўтказилмоғи мумкин (ЖПКнинг 137-моддаси).

Баъзи ҳолларда кўздан кечириш юзаки, эътиборсизлик, шошма-шошарлик билан ўтказилади ва натижа кўнгилдагидек бўлмай, қайта ташкил қилишга тўғри келади. Шунингдек, тергов жараёнда янги ҳолатлар очилиб қолиши қайта кўздан кечириш ўтказиш заруратини тудиради.

Жиноятнинг айрим ҳолатларини аниқлаш ва исботлашда зарур бўлса уй ҳайвонлари, чорва молларини, уларнинг мурда ва қолдиқларини ҳам кўздан кечириш ўтказилади.

Жиноят-процессуал қонунининг 136-моддасига биноан кўздан кечириш ҳолислар иштирокида, суд муҳокамаси босқичида бўлса томонлар иштирокида, маҳсус билим ёки илмий-техник воситаларни кўллаш зарурати бўлса тегишли мутахассиснинг иштирокида ўтказилади.

Тезкорлик қидирув чораларини амалга ошириш мақсадида тезкор ходимлар, участка инспектори ва маҳаллий жамоа ташкилоти вакиллари ҳам қатнашмоғи мумкин.

2-§. Кўздан кечиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш

Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижалари ижобий бўлиши учун унга яхши тайёргарлик кўриш лозим. Жиноят ишининг ўз вақтида очилиши ҳам ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга пухта тайёргарлик кўришликка боғлиқ. Ҳодиса тўғрисида хабар олингандан кейин ҳодиса содир этилган жойнинг манзилини аниқлаш, кўздан кечириш иштирокчиларини (ҳолислар, мутахассис, тезкор ходимлар) таъминлаш каби ташкилий ишларни амалга ошириш, ҳодиса жойини ўзгартирмасдан, бегона шахсларни у ерга кириб-чиқишиларини ман этишни таъминлаш учун тегишли ходимларга кўрсатмалар бериш, тергов ҳаракатининг натижаларини қайд этиш учун зарур бўлган криминалистик техника-вий воситаларни ҳозирлаш каби ҳаракатлар бажарилади.

Терговчи ҳодиса жойига чиқишидан олдин содир этилган жиноят ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда тегишли мутахассисларни жалб этиши масаласини ҳал этиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 138-моддасида кўрсатилишича “Суриштирувчи ёки терговчи мурда-

нинг ташқи кўринишини у топилган жойда ҳолислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис иштирокида кўздан кечиради”-дейилган. Ҳодиса жойини кўздан кечиришга чиқишидан олдин криминалистика экспертизаси бўлими (ЭКО) ходимини мутахассис сифатида таклиф этиш зарур ҳисобланади, чунки у терговчига далилларни қидириб топиш, қайд этиш ва олишда катта ёрдам кўрсатади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришга келгандан кейин терговчи қуйидаги ҳаракатларни бажаради: агар жабрланувчига тез тиббий ёрдам кўрсатилмаган бўлса, унинг чорасини кўриш, ҳодиса жойида тўпланган шахсларни ҳодиса жойидан четлатиш ва унинг чегарасини белгилаб олиш (агар ҳодиса жойи очиқ жойда бўлса), ҳолислар таклиф этилмаган бўлса, уларни таклиф этиш, жиноятчини, жабрланувчини ва гувоҳларни сўроқ қилиб содир этилган ҳодиса тўғрисида маълумот тўплаш. Ҳолисларга ва мутахассисларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 60-70-73-74-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш, эҳтиёт чорасини кўриш, иш бўйича қўшимча далилларни қидириб топиш тадбири чораларини кўриш лозим бўлади.

Агар ҳодиса жойи очиқ ҳудудларда бўлса, ҳодиса жойига тергов ҳаракати иштирокчиларини бирга олиб бориш чорасини кўриши, тергов ҳаракатини ўтказишида фойдаланиши лозим бўлган техникавий воситалар жумладан, тергов чемоданида барча техникавий воситаларнинг тўлиқлиги, далилий ашёларни қидириб топиш учун мўлжалланган асбобларни ҳозирлаш зарур бўлгандан из қидирувчи ит билан унинг бошқарувчиси ўз вақтида таклиф этилиши чоралари кўрилиши лозим бўлади.

Ҳодиса жойига боргандан кейин терговчи кўздан кечиришни бошлашдан олдин ҳодиса жойи ва ашёвий далилларни қўриқлаш тўғрисида берган кўрсатмаларининг бажарилганлигини текшириб кўриши, агар бу топшириқлар бажарилмаган бўлса, терговчи бу масалаларни зудлик билан ҳал этиши лозим.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш иштирокчилари икки табақага, яъни ҳодиса жойини кўздан кечиришда иштирок этишда мажбурий бўлган шахслар ва иштирок этиши мажбурий бўлмаган, лекин фақат терговчи лозим деб ҳисоблаган шахслар бўлиши мумкин. Процессуал шахс бўлган иштирокчилар суриштирувчи, прокурор, тергов бўлими-нинг бошлиғи, мутахассис, ҳолислар, тезкор-қидириув органлари ходимлари, кинолог ва шу қаби бошқалардир. Кўздан кечириш корхона, муассаса, ёки давлат ташкилоти биноларида ўтказилаётган бўлса уларнинг вакиллари ва жамоа ташкилоти аъзолари қатнашуви мумкин. Улар

ҳодиса жойини кўздан кечиришда терговчи лозим деб ҳисоблаган ҳолларда иштирок этадилар.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда асосий раҳбарликни терговчи (суриштирувчи) амалга оширади ва унинг рухсатисиз иштирокчилар далилларни текшириш, кўчириб олиш каби ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин эмас, фақат терговчининг рухсати ёки топшириги бўлганидагина бажаришлари мумкин.

3-§ Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси

Кўздан кечириш ҳаракатини ўтказиш қоидаси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 136-140 моддаларида тартибга солинган бўлиб, умум тақтиқ услубларини криминалистиканинг тақтика қисми ишлаб чиқади.

Терговчи (суриштирувчи) кўздан кечириш иштирокчилари билан жойга келгандан сўнг ҳодиса юз берган жойни умумий кузатув (обзор) билан кўздан кечириш чегарасини белгилаб олиши ва текширишни қаердан — марказдан чеккага ёки аксинча ҳолатда бошлаш маъқулроқми деган масалани ҳал қилмоғи лозим.

Кўздан кечириш фуқароларнинг яшаш жойларида, муассаса, ташкилот, идораларнинг хизмат хоналари бўлса, кўздан кечириш ҳақида ги қарор уй эгаси ёки шу муассаса, ташкилот вакилига эълон қилинади ва кўздан кечириш мақсад-вазифаси тушунтирилади.

Кўздан кечиришни шартли равища қуйидаги босқичларда амалга ошириш мумкин: умумий кузатув, деталли — айрим жойнинг қисмлари ёки ашёвий нарсаларни текшириш ва кўздан кечиришнинг якунловчи босқичлари.

Умумий кузатувда терговчи ҳодиса жойидаги умумий ҳолат-вазият, ҳодисанинг оқибати ўрганилиб қандай ҳодиса (жиноий, қасдан, эҳтиётсизликдан каби) юз берган, қандай зарар, моддий ва маънавий зарар етказилганлиги каби масалалар тахминий равища аниқланади.

Умумий кўздан кечириш жараёнида содир этилган жиноий ҳодиса билан бевосита боғлиқ бўлган обьектлар аниқланади, кўздан кечирилиши лозим бўлган жойнинг чегараси белгиланади, ҳодиса содир этилган жойнинг умумий ҳолати ўрганилади ва шу асосда версиялар юритилади.

Умумий кўздан кечиришда терговчи вазиятга, конкрет ҳолатга эъти-

бор беріб, ҳодиса содир этилган жойдаги барча ҳолатларни ўрганиши лозим. Умумий күздан кечириш натижасыда жиной ҳодиса жойи, жиной ҳодиса билан боғлиқ бўлган обьектлар қўздан кечирилади, ашёвий далиллар олинади ва қайд этилади. Умумий күздан кечириш жараёнида терговчи конкрет вазиятни ўрганиб чиқиб ашёвий далилларни қидириб топиш ва уларни кўчириб олиши лозим.

Кўздан кечириш фронтал ва олдинма-кетинлик тариқасида ўтказилади. Фронтал, яъни кўздан кечиришда ҳодиса жойи бир нуқтадан бошланиб то охирги нуқтагача, яъни ҳодиса жойи тўлиқ кўздан кечирилиши лозим бўлади. Бу методда кўздан кечириш жиноятни самарали равишда очиш ва унинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Бу усулда кўздан кечиришда криминалистик техникавий воситаларни қўллаш асосида зарур бўлган ашёвий далиллар топилади ва олинади.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда транспорт воситаларидан қолган изларни диққат билан кўздан кечириш лозим, ҳатто жуда майда шаклдаги, кўринишдаги ашёвий далилларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Ҳодиса жойида транспорт воситасидан турли ашёвий далиллар қолиши мумкин. Қайд этилган техникавий воситалар ёрдамида ушбу ашёвий далиллар кўчириб олинади.

Ҳодиса жойини ёппасига кўздан кечирилиши лозим бўлган барча участка ва ҳудудларни тўлиқ кўздан кечириш тушунилади. Бу усулда кўздан кечиришда ҳодиса жойи доира ёки айлана шаклда марказдан четга ёки четдан марказга томон ҳаракат қилиш асосида ўтказилади. Агар ҳодиса жойининг маркази аниқ бўлмаса четдан марказ томон ҳаракат қилиб кўздан кечиришни ўтказиш маъқул ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган тавсиялар шуни кўрсатадики, воқеа жойидан изларни қидириб топиш ва олиш учун ҳозирги вақтда етарли даражада илмий техникавий восита ва методлар мавжуд бўлиб улардан самарали фойдаланилмоқда. Табиийки, криминалистика техникасининг тез ривожланиб бориши келажакда ҳодиса жойини кўздан кечиришда фойдаланишнинг кенг имкониятларини яратади. Шу билан биргаликда, шуни қайд этиш мумкинки, ҳодиса жойини кўздан кечиришда қўлланилаётган илмий-техникавий воситалардан фақат экспертиза текширувани ўтказища фойдаланилади. Бу техникавий воситалардан ҳодиса жойида кўздан кечиришни ўтказиш жараёнида тезкор мақсадларда текширишни ўтказиш имкониятини бермайди. Шу боисдан ҳам илмий-техникавий воситалардан ҳодиса жойини кўздан кечиришни ўтказиша фойдаланишни терговчилар томонидан ўтказиладиган оддий

Текширишлар, ўлчашлар билан биргалиқда амалға оширилишини инобатта олинишини тақозо этилади.

Изларни қайд этишда фойдаланиладиган техниқавий воситалар ҳодиса жойини күздан кечиришда терговчи томонидан бажариладиган вазифаларни амалға оширишга тұсқынлик қылмаслығы керак.

Ходиса жойидан топилған оёқ излари мұхим ҳолатларни аниклашыға ёрдам бериши мүмкін. Ҳодиса жойида бундай излар тұпроқ ва қорларда қолиши мүмкін. Бундай излар ҳодиса жойида ұажмали, ботиқ из шаклида ҳосил бўлади, уларни жиноятчининг ҳодиса жойига келиш-кетиш жойларидан қидириш зарур. Кўпинча бундай излар жиноят содир этилган жой (эшик, дераза ва ҳ.к.) ларда қолиши мүмкін. Биноларнинг ичкариларида жиноятчиларнинг оёқларидан кўпинча юзаки излар ҳосил бўлади. Бундай излар ифлосланган пойафзаллардан қолади.

Ҳодиса жойидаги изларнинг тури ва сонига қараб жиноят иштирокчиларининг сони тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Терговчи ҳодиса жойини күздан кечиришда жойнинг ҳар бир бўллакларини ҳам дикқатлик билан күздан кечириши лозим. Баъзи вақтларда жиноятчилар оёқ ва қўй изларини турли жойларда, турли предметлар устида қолдириши мүмкін. Шуни эътиборга олиб терговчи жиноятчининг воқеа жойидаги ҳаракат йўналишини аниқлаб олишга ҳаракат қилиб унинг пойафзалидан қолдирилган изларни қидириб топиши лозим.

Ҳодиса жойидаги топилған оёқ (пойафзал) излардан гипслик нусха олинса пойафзалнинг размери, уни кийган шахснинг оёқ размери ва уларнинг ёрдамида шу размердаги пойафзал эгасини қидириб тошиш имконияти ҳосил бўлади.

Ҳодиса жойидан топилған оёқ изини ўлчаш асосида пойафзалнинг размерини, из қолдирилган шахснинг жинсини, бўйини ва ҳаракат йўналишини таҳминан бўлса ҳам аниклаш мүмкін.

Ҳодиса жойидан топилған оёқ излари ва излар йўналиши суратга олинниши ва баённомада унинг барча хусусиятлари қайд этилиши лозим. Излар йўлакчасини суратта олиш билан бирга уларнинг ўлчовини миллиметрлик қофозга чизмасини чизиб, илова этилгани маъқул.

Ҳодиса жойидан топилған изларни иложи бўлса изни ўзида акс этувчи предмет билан бирга олиниб тегишли текширувдан ўтгандан сўнг жиноят ишига қўшиб қўйилгани маъқул. Масалан, ойна ёки қофозда қолган, кўзга аниқ қўриниб турган бармоқ изларини ўша объект билан бирга олиниб, ёки бузиш қуролидан қолган из мавжуд бўлган, арралаб кесиб олинган таҳта бўлакчасида, автомобиль гилдирағи прокторидан кийимда қолган из ўша кийим билан бирга олиниб тегиши-

ли экспертиза текширувидан ўтказилади. Бироқ ҳамма вақт объектни из билан бирга олишнинг имконияти бўлмайди. Масалан, темир шкафда, кўмда, деворларда қолган изларни из қабул қиласган объект билан бирга олиб бўлмайди. Бундай вақтларда терговчи юқорида айтиб ўтилган усулларни қўллаш асосида улардан нусхалар кўчириб олинади.

Ходиса жойини кўздан кечиришнинг муҳим вазифаларидан бири негатив ҳолатларни аниқлаш ва қайд этиш ҳисобланади. Ходиса жойидаги негатив ҳолат деганда, икки турдаги факт тушунилади. Биринчидан, ҳодиса жойда бўлиши лозим бўлган, лекин уларнинг йўқлигидан далолат берувчи факт. Масалан, ҳодиса жойидан осиб ўлдирилганлик белгилари мавжуд бўлган мурда топилди, лекин мурда ёнида ип, ёки ўлдириш учун хизмат қилиши мумкин бўлган бирорта ҳам предмет йўқлиги, ўғирлик содир этилган магазин эшиги ёнида кулф ётибди. Кулфнинг халқаси арра билан кесилган, лекин эшик олдида ҳеч қандай металл қириндиси йўқ, ёки ҳодиса жойидан кесиш қуролларидан ҳосил бўлган жароҳат мавжуд, аммо ҳодиса жойида ҳеч қандай қон излари йўқ ва ҳ. к. Бундай негатив ҳолатларни аниқлаш иш юзасидан муҳим маълумотларни олишга имкон беради. Биринчи ҳолатда қотиллик жинёти бошқа ерда содир этилиб, мурдани у топилган жойга келтирилганлиги ёки осиб ўлдириш учун фойдаланилган восита жиноятчи томонидан олиб кетилган деган версия юритилиши мумкин, иккинчи ҳолатда эса ўғирлик жиноятининг содир этилиши инсценировка (ниқоблаш маъносида) қилинган деган фикрга келиш мумкин.

Негатив ҳолатларнинг иккинчи турдаги фактига бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги факти киради.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда барча негатив ҳолатлар аниқлашини ва баённомада қайд этилиши лозим, улар кейинчалик жиноятни очишда ва жиноятни инсценировка қилинганлигини аниқлашда муҳим далилий материал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳодиса жойида мурданинг топилиши ва кўздан кечирилиши айрим хусусиятларга эгадир. Ҳодиса жойидан мурданинг топилишида кўздан кечириш объектлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

1. Мурда, унинг ҳолати, эгнидаги кийими;
2. Мурданинг ётган жойи, атроф муҳит ва танадаги жароҳатлар;
3. Мурда билан боғлиқ бўлган из ва ашёвий далиллар;
4. Ҳодиса жойи ҳолати;

Мурдани ташқи кўздан кечириш мутахассис томонидан у топилиши биланоқ амалга оширилиши лозим. Мурдани кўздан кечиришни кечиктириш мумкин эмас, чунки мурданинг ўзида ҳам, воқеа жойида, изларда ҳам ўзгариш содир бўлиши мумкин.

Ҳодиса жойини қўриқлаш чораси қўрилиши лозим, акс ҳолда ишдан манфаатдор бўлган айрим шахслар терговчи ҳодиса жойига етиб келгунча мурдани бошқа жойга ўтказиб қўйиши мумкин.

Мурдани ҳодиса жойида кўздан кечиришнинг тўлиқ ва ҳар тарафлама бўлишлигини тъминлаш мақсадида амалиётда ишлаб чиқилган кўздан кечириш босқичларининг кетма-кетлик принципига риоя этилиши керак.

1. Кўздан кечиришни мурданинг қаерда ётган жойини аниқлашдан бошлаш лозим. Мурданинг ётган жойи унинг атрофида мавжуд бўлган предметларга нисбатан қайд этилади. Агар у хонада ётган бўлса, унинг ётган жойини девордан, дераза ва эшикдан қанча масофада ётганлигини ўлчаш йўли билан аниқланади ва қайд этилади. Агар мурда очиқ жойда ётган бўлса, унинг ётган жойи унга яқинроқ бўлган объектларга (кўприк, дарахт, девор ва ҳ. к.) нисбатан ўлчаш йўли билан аниқланади.

2. Мурдани кўздан кечиришнинг кейинги босқичи мурданинг ҳолатини ўрганиш ҳисобланади. Мурданинг ётган ҳолати жиноятни тергашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Мурданинг ҳолати деганда, унинг ётганлиги, осиёлиқ турганлиги, ўтирганлиги ҳамда унинг айрим қисмларининг ҳолати яъни оёқ, қўллари, калласи ва танасининг қандай ҳолатда ётганлиги тушунилади.

3. Мурдани кўздан кечиришнинг муҳим босқичларидан бири, унинг кийимини кўздан кечириш ва қайд этиш ҳисобланади. Мурдани ташқи кўздан кечириш ўтказилгандан кейин у суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун юборилади. Экспертиза ўтказилгандан кейин кийимлар терговчига қайтарилади. Лекин мурданинг кийимлари ҳодиса жойининг ўзидаёқ батафсил кўздан кечирилиши ҳам мумкин. Кийимлар кўздан кечирилаётганда, кийимнинг барча предметлари (тугма, чўнтаклар ва ҳ. к.), айниқса, ички кийимлари ҳам диққат билан кўздан кечирилиши лозим. Кийимлар кўздан кечирилаётганда жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ бўлган барча ўзгаришлар (қон, сперма излари, турли додлар) баённомада тўлиқ қайд этилиши шарт. Агар мурда кийимининг айрим қисмлари юлиниб олинган бўлса, жумладан пиджагнинг бир енги йўқ бўлса, тумаларидан айримлари бўлмаса бу ҳолат баённомада қайд этилиши керак, чунки улар кейинчалик гумонланувчидан топилиб қолиши мумкин.

4. Мурдани ташқи кўздан кечириш унинг умумий белгиларидан (жинси, ёши, бўйи, гавда тузилиши) ташқари жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган маҳсус белгиларни (баданида қўкарган, кесилган, синган белгилари ва ҳ.к.) ҳам ўз ичига олади.

Юқорида қайд этилганидек, мурда унинг ҳолати ва кийими кўздан

кечирилгандап кейин мурда ётган жой кўздан кечирилади. Мурда ётган жойнинг умумий ҳолати, ҳодиса жойининг тўлиқ тавсифи баённомада акс эттирилади. Бу ҳолатларнинг тўлиқ ифода этилиши жиноятни ўз вақтида очилишига катта ёрдам беради.

Баъзи вақтларда мурданинг ётган жойи иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга ёрдам бериши ҳам мумкин. Масалан, мурдани темир йўл рельси ёнидан топилиши мурдани ўтиб кетаётган поезддан ташлаб юборилган ёки одам вагондан йиқилиб тушиб ўлган, ёки қотиллик бошқа ерда содир этилиб, жиноятни инсценировка қилиш мақсадида темир йўл рельсига ташлаб кетган деган версияларни юритишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам терговчи мурда топилган жойда қотиллик жинояти содир этилганлигини кўрсатувчи барча ҳолатларга ва жиноят мурда топилган жойда эмас, бошқа жойда содир этилиб, бу ерга олиб келиб ташланганигини кўрсатувчи ҳолатларга-(яни қоннинг йўқлиги ва ҳ.к) алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг умумий масалаларидан яна бири, қандай из ва ашёвий далилларни жиноятчи ҳодиса жойида қолдиради ва қандай из, предметлар, микрозаррачаларни ўзи билан олиб кетиши мумкин каби масалалар жиноятнинг содир этилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мурдани кўздан кечиришда ҳал этилиши мумкин. Агар жабрланувчи совуқ курол билан етказилган жароҳат на-тижасида ўлган бўлса, жиноятчининг кийимида, пойафзалида қон излари қолиши мумкин. Агар қотиллик жиноятни содир этиш учун жиноятчи деворнинг сувогини бузуб ёки эшик ва деразани бузуб кирган бўлса жиноятчининг кийимида тупроқ ёки ойна синиқлари қолиши мумкин.

Ҳодиса жойида бўлиши мумкин бўлган кўпчилик излар ва ашёвий далилларни жиноятчи ўзи билан олиб кетиши мумкин, лекин у ҳодиса жойида ҳам етарлича из ва ашёвий далилларни қолдириб кетиши мумкин. Масалан, оёқ, қўл излари, жиноятни содир этишда фойдаланилган қуролларни, шахсий буюмларни (папирос қолдиги, тароқ, гугурт синиқлари ва бошқа предметлар) қолдириб кетиши мумкин.

Мурдани кўздан кечиришда ҳодиса жойи ҳолатини диққат билан ўрганиш лозим бўлади. Ҳодиса жойини ҳолати деганда мурдада аниқланган барча ҳолатлар йиғиндиси тушунилади. Ана шу ҳолатлар йиғиндиси терговчини иш бўйича муҳим ҳолатларни аниқлашга олиб келиши, тўғри ва асослантирилган тергов версияларини юритишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Барча фактларни умумлаштирган ҳолда қўриб чиқиши терговчига иш бўйича янги фактларни аниқлашга ёрдам бериши мумкин. Бу вазият ва ҳолатлар терговчининг профессионал маҳоратини намойиш этишда намоён бўлади.

Үқ отиш қуролларини құллаш туфайли қотиллик жинояты содир этилгандык белгилари аниқланған ҳолларда терговчи ҳодиса жойидан үқ ёки гильзани топиш чораларини күриши лозим, зақарланиб үлгандык белгилари мавжуд бүлған ҳолаттарда эса ҳодиса жойидан зақарлы моддаларнинг қолдиклари, зақарлы модда олиб келингандык идиш (флакон), турли упаковка воситалари ва ҳ.к. топиш чораларини күриши лозим.

Мурдани кўздан кечиришнинг тўлиқ ва синчилаб ўтказилиши, жиноятни мувафақиятли очиш ва исботлашни таъминлайди. Терговчининг асосий вазифаларидан ҳодиса жойини кўздан кечиришни тўлиқ ўтказиш ва унинг натижаларидан самарали равишда фойдаланиш ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳодиса жойини кўздан кечиришда топилган далиллар жиноятни очишда муҳим рол ўйнайди.

Терговчи ҳодиса жойидан топилған барча излар ва ашёвий далилдарни қидириб топиш ва уларни қайд этиш, улардан жиноятни ўз вақтида очиш ва унинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал этиши лозим.

Ходиса жойини кўздан кечиришда терговчи томонидан тузиладиган версиялар алоҳида эътиборга моликдир, чунки жиноятни самарали равишда очиш ва тергашда улар жиноятни фош этиш ва терговни олиб борицда муҳим аҳамиятга эгадир. Терговчи ҳодиса жойида қатор версияларни юритиши мумкин, лекин бу версияларнинг қайси бири объектив ҳақиқатни аниқлашда қандай аҳамиятга эга эканлигини уларни текшириб кўргандан кейин маълум бўлади. Версияларни уларнинг аҳамиятига боғлиқ ҳолда текшириб кўрилади, яъни тузилган версияларнинг қайси бирини кейин текширишни терговчи конкрет вазиятга қараб ўзи белгилайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам қайси бир версияни дастлаб текширишни терговчининг ўзи ҳал этади.

Терговчи қандай версия юритилған бұлса барчасини навбати билан текшириб күриши лозим ва биронта ҳам версия текширилмасдан қол-маслиги керак. Версияларни текшириш бу ҳодиса жойини күздан ке-чиришда, терговчининг ушбу ҳодиса жойида ҳақиқатан ҳам жиноят содир этилғанлығи ёки этилмаганлыгини аниқлашидан иборат. Версия-ларни текширишда терговчи турли қарама-қаршиликтерге дуч келиши мүмкін, чунки версия, терговчининг тахмини бүйича исботланиши лозим, ёки аксинча, тузилған версия текшириш жараёнида исботлан-май қолиши ҳам мүмкін. Қандай ҳолатда күздан кечириш амалга оши-рилған бұлса, қандай фактік ҳолаттар аниқланған бұлса, улар түлиғи-ча қайд этилиши лозим.

5-§ Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижаларини қайд этиш тартиби

Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижаларини терговчи томонидан ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида тўплланган маълумотлар асосида аниқланади. Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижаларини процессуал расмийлаштириш процессуал қонун талаблари асосида амалга оширилиши лозим. Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси тергалаётган жиноят иши бўйича далил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 90-92-141-моддаларида ҳодиса жойидан топилган далилларни баённомада қайд этиш тартиби кўрсатилган бўлиб, ушбу моддалар талаби асосида ёзилган баённомалар жиноят иши бўйича далил манбаси сифатида фойдаланишлиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 90-моддасида бу тўғрисида шундай дейилган: «Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин. Баённомаларга тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар бу шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги, тергов ва суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий излар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари, тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар, уларнинг юз берётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари ва ҳ.к. маълумотлар қайд этилиши лозим».

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ҳодиса жойини кўздан кечиришни ўтказиб бўлгандан кейин конкрет вазиятни эътиборга олиб у ҳодиса жойининг ўзида терговчининг хонасида тузилиши мумкин. Қоидага биноан ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ҳодиса жойини кўздан кечириш тугалланиши билан тузилиши мумкин. Баъзи вақтларда ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини тузища терговчи айрим ҳолатларда ҳам хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Жумладан терговчи ҳодиса жойини кўздан кечириш барча кузатилган ҳолатларни ўзининг ён дафтарчасига хомаки вариант сифатида тўлиқ ёзиб олсада баённомани тузища эса муҳим аҳамиятга эга бўлган қисқа фактлар қисқа мазмунда ёзилиши мумкин. Бундай ҳолатда тузилган баённомалар формал характерга эга бўлиб ҳеч қандай далилий кучга эга бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90-моддасида қайд этилганидек, ҳодиса жойидан топилган барча ашёвий далиллар тергов

ҳаракати баённомасида тұлиқ қайд этилсагина у далилий күчга эга бўлади.

Ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси уч қисмдан иборат бўлиб, кириш, баёнот ва хулосавий қисмларга бўлинади.

Кириш қисмида воқеа жойини кўздан кечириш жойи ва вақти, уни ўтказиш бошланган ва тамом бўлган вақт, кўздан кечиришда иштирок этган шахсларнинг исми-шарифи, фамилияси, ҳолислар ва уларнинг уй манзиллари, кўздан кечириш қандай ёруғликда ўтказилганилиги (табиий, сунъий) об-ҳаво ва ҳ.к. кўрсатилади.

Баёнот қисмида воқеа жойини кўздан кечириш натижалари қайд этилади. Баённомада ҳодиса жойи қандай тартибда ўтказилган бўлса, шундай тартибда баённомада қайд этилиши лозим. Энг аввало, кўздан кечириш ўтказилаётган жойга тўлиқ тавсифнома берилиши керак бўлади. Агар ҳодиса жойи тураг-жой ёки бино бўлса уларнинг аниқ номи (дам олиш хонаси, балкон, ётоқхона, омбор ва ҳ.к.) размери, жойлашган жойи(чердақ, этаж, ертўла) эшик ва деразаларнинг сони ва уларнинг қайси томонда жойлашганлиги, уларнинг умумий ҳолати кўрсатилиб ўтилади. Агар кўздан кечириш очиқ жой ва ҳудудларда ўтказилган бўлса уларнинг ҳам характеристери, номи(ўрмон, автотраспорт йўли ва ҳ. к.) Ҳодиса жойининг ориентирлик хусусиятига эга бўлган объектга нисбатан жойлашган масофаси қайд этилади.

Ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасида топилган барча объект ларнинг қандай ҳолатда турганлиги, масалан, тураг-жойларнинг умумий ҳолати, яъни улардаги мебел, стол, стулларнинг умумий ҳолати, ишлаб чиқариш корхоналарида асбоб-усқуна ва техникавий воситаларнинг, йўлларнинг умумий ҳолати (тош йўл, асфальт, тупроқ йўл) батафсил ёзилиши мумкин. Ҳодиса жойидан топилган мурда, қон излари, шифт ва деворлардаги тешиклар, ўқ отиш қуроли, совуқ қуролларнинг калибри, тури, пичоқ ёки бошқа турдаги совуқ қуролнинг узунлиги ўлчаниб баённомада аниқ қилиб ёзилиши шарт.

Баённоманинг хулосавий қисмида кўздан кечириш вақтида топилган ва иш бўйича далил сифатида олинган барча объектлар кўрсатилиши лозим, шунингдек, кўздан кечиришда фойдаланилган техникавий воситалар, турли чизмалар, системалар, суратга олиш усувлари ҳам батафсил қайд этилади, баённомага илова этилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 91-моддасида далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усувлари қайд этилган бўлиб, унда шундай дейилган: ”Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бирга овоз ёзиш, видео ёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, чизма, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс

Эттиришининг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўлланилган, фойдаланилган асбоблар, ускуналар материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Баённома кўздан кечиришнинг барча иштирокчилари томонидан имзоланади.

Ходиса жойини кўздан кечиришдан олинган барча ашёвий далиллар баённомада аниқ ва тўгри қайд этилганидагина улар жиноятни ўз вақтида очиш, тергац ва судда кўриб ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлади ва ундан далилларнинг бир манбаси сифатида фойдаланилади.

IV БОБ. ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Тергов экспериментининг тушунчаси ва вазифалари

Тергов эксперименти — янги далиллар топиш, мавжуд далилларни текшириш мақсадида маҳсус синовлар ўтказиш, шунингдек, иш учун аҳамиятга эга бўлган фактларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги, тергов версияларини текшириш ҳамда уларни баҳолашга қаратилган тергов ҳаракати ҳисобланади. Тергов эксперименти мустақил тергов ҳаракати бўлиб, иш бўйича мавжуд далилларни текшириш, янги далиллар топиш мақсадида воқеа вазиятини тиклаш, тергов жараёнида вужудга келган версияларни текшириш ва уларни баҳолашни ўз ичига олади.

Терговчининг иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериши, у томонидан тергов қилинаётган воқеа ҳолати тўғрисида ҳосил бўлган гумонларнинг текширилиши тергов жараёнида маълум бўлган ҳолатларни бевосита кузатишни талаб қиласди, бундай ҳолатда терговчи тергов қилинаётган жиноий воқеанинг айрим деталларини сунъий тиклаш яъни тергов эксперименти ўтказиш йўли билан ёки бевосита кузатиш орқали воқеанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганади.

Тергов эксперименти ва кўздан кечириш ўз кўринишлари билан бир-бирларига яқин ва бир-бирларига ўхшаб кетсада, бироқ улар ҳар бирининг ўз вазифаси бор.

Кўздан кечириш вақтида предметлар ва воқеа вазияти ҳолати қандай бўлса, шу ҳоллигича кузатилади. Эксперимент ўтказилаётганда эса

воқеа вазият ҳолати сунъий равишида қайта тикланган ҳолда синов ўтказилади. Кўздан кечириш ва тергов экспериментининг криминалистик таҳлили шуни кўрсатадики, буларнинг ўртасида деярли фарқ бўлмасада, тергов ҳаракатининг мустақил ҳарактерга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 153-моддасида эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш ва аниқлаш мақсадида суриштирувчи, тергов ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ва синовлар ўтказиш йўли билан тергов экспериментини олиб бориши мумкинлиги қайд этилган. Бунда терговчи зарур бўлган ҳолларда мутахассисларни жалб қиласди, фотопарат билан суратини олади ва видео тасвирга олиши мумкин, жиноят жойининг режасини тузади.

Айбланувчиларнинг ҳаракатларини қайта тиклаш, агар бу жабрланувчининг қадр-қимматига путур етказмайдиган, ўлган кишини таҳқирламайдиган, шунингдек, мана шу эксперимент қатнашчиларининг саломатлигига ҳамда, давлат ва фуқароларнинг манфаатларига зарар келтирмайдиган ҳоллардагина ўтказилади.

Ҳодиса вазиятини ва ҳолатини тиклаш вақтида ҳолислар ҳозир бўлиши лозим. Зарур бўлиб қолган ҳолларда айбланувчи жабрланувчи, гувоҳлар ҳам чақирилади.

Ҳодиса вазиятини ва ҳолатини тиклаш тўғрисидаги баённома ЖПКнинг 90-92-моддаларидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда тузилади.

Тергов эксперименти янги далиллар топиш мавжуд далилий фактларни ҳамда тергов версияларини текшириш ва баҳолаш учун ўтказилади.

Тергов эксперименти ишда тўпланган далилларни текшириш воситаси сифатида дастлабки тергов, суриштирув ва суд органлари томонидан кенг қўлланилади.

Маълумки, далилларни тўплаш (топиш, мустаҳкамлаш ва олиш) текшириш ва уларни баҳолаш терговчининг бурчидир. Далилларни текшириш, материyllарни таққослаш, янги далиллар топиш, айбланувчи ва гувоҳларнинг шахсларини аниқлаш ва бошқа йўллар билан (масалан, тергов эксперименти ўтказиш йўли билан) ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тергов юргизиш жараёнида вужудга келган тергов версиялари чу-
кур текширишини тараб қилади. Версиялар бутун жиноятга ёки ишнинг
африк ҳолатларига таалуқли бўлиши мумкин. Тергов эксперименти
тергов версияларини текшириш ва уларни баҳолаш воситаларидан бири
бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда якка далиллар, ми-
сол учун гувоҳнинг кўрсатувигина текширилмасдан, балки у ишда
тўйланган барча далиллар билан биргаликда текширилиши лозим (Ўзбе-
кистон Республикаси ЖПКнинг 94-моддаси). Тергов эксперименти на-
тижасида янги факт, янги ҳолат аниқланиши мумкин.

Тергов версияларини текшириш ва баҳолаш мақсадида ўтказилади-
ган экспериментларнинг натижалари ҳамма вақт иш бўйича янги да-
лил ҳисобланади, чунки натижада терговчининг тегишли далилига
асосланмаган гумон ва мулоҳазасини, шубҳасиз, далилга айлантиради.

Тергов экспериментининг турлари

Тергов амалиётида бир қатор тергов экспериментини қўллашга тўғри
келади. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

а) бирор ҳодисани амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш мақса-
дида ўтказиладиган тергов экспериментлари (масалан, мазкур шахс
муайян вақт ичida тегишли масофани босиб ёки чопиб ўта олишини
ёки бирор детални ишлаб бера олишини билиб олиш учун) қўллани-
лади.

б) муайян фактни кўриш ёки эшитиш мумкинлигини аниқлаш
мақсадида ўтказиладиган тергов экспериментлари (масалан, гувоҳлар,
айланувчи, жабрланувчиларнинг ўз қулоқлари билан милтиқ, авто-
транспорт, кишиларнинг гаплашган овозини эшитганликлари ёки
терговчини қизиқтираётган воқеани кўрганликлари тўғрисида айтган-
ларининг ҳақиқатга тўғри келишини тасдиқлаб олиш учун) ўтказила-
ди.

Омборхонани бош қоровул Олимов ҳамда қоровуллардан Акаев ва
Бегматовлар қўриқлаганлар. Олимов сўроқда кечаси қоровуллар хона-
сидан хуррак товуши эшитганини айтган. Акаев ухлаб ётган вақтда
қоровуллар хонаси орқали ўғрилар посилкаларни олиб чиқсан деган
фикр туғилади.

Терговчи Акаевнинг хуррак тортишини эшитиш мумкинлигига
шубҳаланади. Шунинг учун у бу ҳолатни эксперимент йўли билан
синаб кўради. Натижада Акаевнинг хуррак тортишини эшитиш мум-
кин эмаслиги факти тасдиқланади.

Бошқа бир иш бўйича гувоҳлардан бири кечаси соат 12 ларда ки-
нодан келаётган Жумабоевни бир уйнинг деразасидан қўлга тугун
ушлаган ҳолда сакраб тушганини кўрсатади. Терговчи гувоҳ кўрсатган

шароитда Жумабоевни кўриш, у қандай кийимда эканини аниқлаш мақсадида тергов экспериментини ўтказади. Эксперимент натижасида гуваҳнинг кўрсатуви тамоман нотўғри эканлиги тасдиқланган.

в) бирор ҳаракатни содир қилиш мумкинлигини аниқлаш учун тергов эксперименти (масалан, бирор тешик орқали бинога кириш ва ундан предметни олиб чиқиш, маълум вазиятда бирор ҳаракатни содир қилиш мумкинлигини аниқлаш учун) ўтказилади.

Айбланувчи Б. 10 жуфт аёллар пальтосини ўғирлаб олиб кетганини кўрсатди. Кўрсатувнинг тўғрилигини аниқлаш учун эксперимент қилиб кўрилди. Экспериментнинг бошланишидаёқ Б. кўрсатувнинг нотўғрилиги маълум бўлади, чунки 10 жуфт пальтони бира тўла кўтариб олиб кетиш кўрсатувда баён қилганига тўғри келмайди, демак жиноятчани қидиришни давом эттириш керак бўлади;

г) тергов қилинаётган воқеа вазиятини тиклаш учун ўтказиладиган тергов экспериментлари. Тергов экспериментнинг бу тури иш бўйича жиноятнинг содир қилиниши вазиятини кўп ўрганишни талаб қиласди.

Серқатнов йўллардан бирида икки автомашина бир-бири билан тўқнашди. Кўча ҳаракатини тезликда тиклаш зарурлиги сабабли ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини тўла кўздан кечиргунга қадар сақлаб туриш мумкин бўлмайди, машиналар тўқнашган жойни ва тормозланиш изларининг тезлиги суратга олингандан сўнг кўчада транспорт қатнови дарҳол тикланади. Тергов даврида машиналарнинг тўқнашувидан кейинги турган жойларини аниқлаш зарурияти тугилади. Гуваҳларнинг кўрсатувлари ва воқеа содир бўлган жойнинг вазияти экспериментал равишда тиклангандан кейин аниқланиши зарур бўлган масалаларни ҳал қилишга имконият тугилади.

д) содир этилган жиноят ҳодисасини тиклаш учун ўтказиладиган тергов экспериментлари. Бу хил тергов экспериментлари хоналарни қулфларини бузиб кириш ва шу каби ҳолатларни аниқлаш талаб қилинган ҳолларда жиноятчи ва жабрланувчи кўрсатувларини текшириш ва аниқлаш учун ўтказилади.

Маданий моллар базасидан бир неча дона олтин ва оддий қўл соатларининг етишмаслиги аниқланиб, база қоровули Б. ўғирликда гумон қилинади. Б. жиноятига икрор бўлсада эксперимент ўтказилади. Б. эшикнинг остига темир ломни тиқиб кўтаргач, эшик ошиқ-мошиқдан ажралиб очилади ва ичкарига кириб, кутига солинган бир неча қўл соатларини олиб чиқади, кейин эшик ошиқ-мошиқларини илдириб асли ҳолига келтиради. Эксперимент натижаси айбланувчи Б. нинг кўрсатувини тўлиқ тасдиқлади.

е) тергов эксперименти күпчилик ҳолатларда бирор ҳаракатнинг олдини олиш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш учун ҳам ўтказилади. Бу хилдаги эксперимент автотранспорт ва бошқа ҳаракат билан боғлиқ ҳолларда ўтказилади. Суд ва тергов амалиётида транспорт ҳодисалари, одамни босиб кетиш ёки бошқа турдаги тартиб қоидаларни бузиш (транспортларда одам ташиш) натижасида баҳтсиз воқеалар юз бериши, ҳаттоқи одамлар қурбон ҳам бўлиши мумкин. Терговда, күпчилик ҳолатларда айбланувчилар жавобгарликдан қутилиш мақсадида турли ва асоссиз важларни келтириб ўзини айбсиз қилиб кўрсатиб, мазкур воқеанинг асосий сабабчисини жабрланувчи деб кўрсатишга уринадилар. Бундай ҳолатларда терговчи юз берган воқеанинг қанчалик тўгрилигини ва унинг олдини олиш мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказади.

Бу ҳолда жиноий ҳаракатнинг характеристини ва аниқланиши лозим бўлган воқеа вазиятини сунъий тиклаш билан тажрибада синааб кўриш учун эксперимент ўтказилади. Масалан, кўчани кесиб ўтаётган шахсни машина уриб кетган бўлса ва бу ҳолатда айб жабрланувчига тўнкалса, терговчи ҳодиса содир бўлган вазият ҳолатини тиклаш билан эксперимент ўтказиб, ўз олдига, яъни шу конкрет вазият ҳолатида фалокатнинг олдини олиш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини ҳал қиласди. Бунда ҳайдовчи тормоз бериш йўли билан машинанинг юришини секинлатиши мумкинмиди ёки бошқа ҳаракат билан кўнгилсиз воқеанинг олдини олишга ҳаракат қилганми ёки бунинг иложи бўлмаганини деган саволларга жавоб олади.

Тергов экспериментининг иштирокчилари.

Тергов эксперименти иштирокчилари ичida марказий ўринни сўзсиз терговчи ва ҳаракатни бажариш юклатилган тезкор ходим ҳисобланади. Эксперимент иштирокчиларини танлаш терговчига ва ўтказилаётган экспериментнинг характеристига боғлиқдир. Тергов эксперименти баённомасини терговчининг ўзи тузади. Эксперимент натижалари тўғри ва аниқ баён қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Терговчи тергов эксперименти ўтказишда давлат ва жамоат органдари ва уларнинг вакилларидан ҳамда айрим фуқаролардан топширилган маълум ҳаракатнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқидан фойдалана олади. Эксперимент ўтказишда ҳолислар иштирок қилиши лозим бўлган мутахассислар ва бошқа иштирокчилар доирасини белгилайди. Тергов экспериментини ўтказишда раҳбарликни терговчни олиб боради.

Эксперимент ўтказиладиган жой бошқа туман ҳудудида бўлса, конкрет шахсларни жалб қилиш шарт бўлмаса, бу ҳолда умумий тартибда

ҳал қилинади. Эксперимент маълум шахсларнинг иштирок қилишини зарур деб топса, лекин эксперимент ўтказиладиган жой бошқа туман ҳудудида бўлса иштирокчилар билан бирга терговчининг ўзи ўша жойга боради.

Ҳолислар терговчи томонидан бажарилган ҳаракатларни ўз ичига олган тергов ҳаракатларининг мазмунан объективлигини гувоҳлантирадилар. Ҳолислар фақатгина тергов ҳаракатининг гувоҳи бўлмасдан, экспериментларнинг ҳам фаол қатнашчилари дилар. Тергов эксперименти вақтида унинг иштирокчиларига юклатилган вазифанинг жiddийлигини англашлари вазифаларни бажаришда вижданан муносабатда бўлишлари, эксперимент вақтида маълум бўлиб қолган иш материалларини сир сақлаш лозимлигини билишлари шарт.

Эксперимент тезкор маълумотларга асосланиб ўтказилаётганда тезкор ходимнинг экспериментда қатнашуви, айниқса, мақсадга мувофиқдир. Эксперимент давомида ўтказиладиган синовларнинг мазмунини ўзгартириш билан тезкор маълумотларни текшириш мумкин. Эксперимент ўтказишда мутахассиснинг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Мутахассис эксперимент вазиятини қайта тиклаш ва ўтказиш олдидан қатнашувчиларни жой-жойига қўйишда, техникавий жиҳатдан тўғри ўтказилишига ёрдам беради, эксперимент натижаларига баҳо беришда терговчига зарур бўлган маслаҳатларни беради. Тергов экспериментини ўтказишда воқеани ўз кўзи билан кўрган гувоҳ ва жабрланувчилар иштирок этишлари мумкин.

Гувоҳ юз берган ҳодиса вазиятини қайта тиклашга, шу билан бирга юз берган ҳодисанинг қандай давом этганига доир керакли маълумотларни беради. Тергов эксперименти гувоҳларнинг кўрсатувларини текшириш мақсадида ўтказилса, гувоҳларнинг ўzlари тегишли ҳаракатни шахсан намойиш қилиш билан қатнашадилар.

Эксперимент айбланувчининг кўрсатувини текшириш мақсадида ўтказилаётган бўлса, бу ҳолда айбланувчини эксперимент ўтказишга қатнашиш учун жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Айбланувчи жиноят содир бўлган вақтда бажартган ҳаракатларни тўла намойиш қиласди, иш бўйича тўғри маълумотлар бера бошлайди.

2-§ Тергов экспериментини ўтказиш тартиби

Тергов экспериментини ўтказишга мукаммал тайёргарлик күриш орқалигина яхши натижаларга эришиш мумкин. Тайёргарлик күришда асосан қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир: ўтказида-диган эксперимент мазмунини пухта ўрганиш; эксперимент ўтказиш тартибини белгилаш; эксперимент ўтказиш жойи, вақтини ва эксперимент қатнашчиларини белгилаш; эксперимент ўтказишида маслаҳат (консультация) олиш учун мутахассисни; эксперимент натижаларидан манфаатдор бўлмаган кишилардан ҳолислар таклиф қилишдан иборатдир.

Воқеа ҳолатини тиклаш жараёнида терговчи эксперимент ўтказишида қатнашаётган, ушбу ишни яхши биладиган шахслардан маслаҳат олиши мумкин, улар эса ўз навбатида эксперимент ўтказишида терговчининг маслаҳатчиси (консультанти) сифатида қатнашадилар. Терговчи эксперимент ўтказиши олдидан эксперимент қатнашчиларига экспериментнинг вазифаларини, эксперимент иштирокчиларининг ҳар бири қандай ҳаракатни бажаришлари ва қаерда туриши лозимлигини, тикланган воқеа ҳолати улар кўрган гувоҳлар орқали тикланган воқеа ҳолати улар кўрган воқеанинг ҳақиқий манзарасига ўхшашлигини текшириши, эксперимент ўтказиши учун қўлланиши мумкин бўлган криминалистика техника воситаларини ҳозирлаб қўйиши лозим. Булардан ташқари, терговчи тергов экспериментини ўтказиши тўғрисида бир қарорга келишдан олдин шу экспериментдан бирор бир фойдали ху-лоса олиш мумкинми деган масалани аниқлаши керак. Айрим ҳолларда мазкур эксперимент жуда катта сарф ҳаражатларни, транспорт ҳаракатларини тўхтатиб қўйилишини ва шу каби тадбирлар кўрилишини талаб қилиши мумкин. Жиноят фактларини аниқлаш учун терговчи жиноят иши материаллари билан жуда пухта танишиб чиқиши лозим.

Тайёргарлик билан bogлиқ bўлган барча масалалар ҳал қилингандан кейингина тергов экспериментини бошлашга киришиш мумкин. Тергов экспериментини ўтказиши қонунчиликка тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши керак. Эксперимент аниқланиши лозим бўлган масалага ижобий ёки салбий баҳо бериши керак: эксперимент ўтказишида қуйидаги тактик қоидаларга амал қилиниши лозим:

а) тикланиши лозим бўлган воқеа вазияти ва ҳолатининг шартлари ўтган воқеа вазияти ва ҳолатининг шартларига тўғри келиши керак. Одатда, эксперимент мумкин қадар воқеа содир бўлган жойда ўтказилади. Тергов эксперименти ўтказишидаги вазият унинг барча деталлари жиҳатидан бўлиб воқеа вазиятига ниҳоятда яқин бўлиши керак;

б) қўлланиладиган синов тасодифий ҳодисалардан ҳоли бўлгани

ҳолда синовларнинг натижасига қаноат ҳосил қилинмаганга қадар тақрорланиши лозим. Тўлиқ ишонч ҳосил қилиш ва буни кўргазмали равишда намойиш қилиш учун баъзан оддий синовлардан ташқари атайлаб шартлари ўзгаририлган синовлар ўтказиш тавсия қилинади. Бу хил синовлар ишнинг ҳақиқий ҳолатини очиш учун ўтказилади;

в) воқеа вазияти ва ҳолатини тиклаш бир йўла бўлмай, бир неча босқичга бўлиниб, муфассал равишда навбатма-навбат амалга оширилиши мумкин. Бу хилдаги синов тартиби экспериментлар натижасини таҳлил қилишни, айрим қисмларга баҳо беришни осонлаштиради.

Тергов эксперименти ўтказишга доир барча тайёргарлик ишлари тутатилгандан сўнг, терговчи тикланишга тегишли бўлган шартларни вужудга келтириш тадбирларини кўради ва шундан сўнг эксперимент қатнашчиларини жой-жойларига кўяди, улар терговчининг таклифи билан ўзларига юклатилган ҳаракатларни бажарадилар. Терговчи ўтказилаётган барча синовлар ва уларнинг натижаларини расмийлаштира боради. Экспериментнинг боришини эксперимент ўтказишга таклиф қилинган мутахассислар ва ҳолислар кузатиб борадилар. Тергов эксперименти ўтказишнинг барча тактик усуллари бошқа тергов ҳаракатларига ўхшаш қонуний тартибда кўрсатилган услубда олиб борилиши зарур.

3-§. Тергов эксперименти натижаларини процессуал расмийлаштириши

Тергов эксперименти ўтказиш жараёни ва ундан олинган натижалар процессуал расмийлаштирилиши лозим. Тергов эксперименти унинг натижалари схемаларини чизиш, суратга, кино ва видеотасвирга олиш билан мустаҳкамланади (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 90-92 ва 156-моддалари).

Тергов экспериментининг баённомаси терговчининг конкрет жиноят иши-бўйича олиб борган ҳаракати натижасини ўзида ифодаловчи муҳим далилий ҳужжатdir. У терговчи ёки суриштирувчи ходим томонидан тузилади. Баённоманинг мазмуни эса объектив бўлиши, унда фақат тергов эксперименти даврида амалга оширилган синов ва экспериментта оид бошқа ҳаракатларнинг ҳақиқий аҳволи кўрсатилган бўлиши керак. Баённомада суратлар, режа ва схемалар ўз ўрнини топган бўлиши керак ва баённома тўғри расмийлаштирилган ва экспериментда қатнашган барча шахслар томонидан имзоланган бўлиши зарур.

Баённома тузилиши уч қисмдан, яъни кириш, баёнот ва якунлов-

чи қисмлардан иборат бўлади. Бу қисмларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқдир.

1. Баённоманинг кириш қисми қўйидаги тартибда ифодаланади: процессуал ҳужжатнинг номи — “Тергов эксперименти баённомаси” тергов эксперименти ўтказилган ва баённома тузилган жойи ва вақти, эксперимент ўтказувчининг мансаби, унвони, исми, фамилияси, отасининг исми, уларнинг турар-жой манзили, мутахассисларнинг мансаби, вазифалари, исми, фамилияси, экспериментнинг бошقا қатнашчилари фамилияси, исми, яшаш жойларининг манзиллари, эксперимент ўтказишда қўлланиладиган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг моддалари, ўтказиладиган тергов экспериментининг мақсади кўрсатилади.

2. Баённоманинг баёнет қисми қўйидагилардан иборат бўлади: эксперимент ўтказиладиган жой, нималар асосида вазият қайта тикланади ва унинг мазмуни, эксперимент қатнашчиларининг синовлари бошлиниши олдидан қўйилган жойлари, қабул қилинган сигналлар ва эксперимент қатнашчилари ўртасидаги алоқа воситалари, қилинган синовлар ҳар бирининг мукаммал баёни, уларда қатнашган кишилар ва улар томонидан ижро этилган ҳаракатлар, синовлар қанча давом этилгани ва олинган натижалари; ўтказилган синов шартларининг ўзгартирилгани ҳақида маҳсус белгилар; эксперимент вақтида фойдаланилган предметлар ва уларни тақдири кўрсатилиши лозим. Хусусан, предметлар иш бўйича далилий ашё ҳисобланса қайд қилинади.

3. Баённоманинг якунловчи қисми қўйидагилардан иборатдир: тергов эксперименти даврида тузилган режа ва схемалар, суратга олинган предметлар ва фотосуратлар илова қилинади. Бундан ташқари, баённоманинг якунловчи қисмida:

-эксперимент ўтказилганлиги ҳақида баённоманинг ўқиб эшиттирилганлиги;

-баённоманинг бирор қисмiga тузатишлар бўлган бўлса бунга илова;

-эксперимент баённомасининг тўғри ёзилганлиги, қўшимча (таклиф, изоҳлар) киритилганлиги ҳақида маълумот киритилади. Баённомага эксперимент қатнашчиларининг ҳаммаси ўз имзоларини кўядилар.

4-§ Тергов эксперименти натижаларини баҳолаш

Тергов эксперименти натижаларини баҳолаш иш материалларини синчиклаб текшириш асосида хulosага келишлари ва шу билан обьектив ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқдир. Эксперимент натижаларини ҳамда далилларни баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда уларнинг ҳақиқийлиги, иккинчи босқичда эса ўтказиладиган тергов экспериментининг түғри бўлиши, уларнинг исботланиши аниқланади. Тергов ҳаракати натижалари ишонарли бўлиши конкрет шароитда ўтказиладиган синовларнинг тўғрилигини аниқ ва яққол акс эттириши керак. Агар ўтказиладиган синовларнинг бир босқичи бир натижага, иккинчи босқичи эса бошқа натижага олиб келса, бу хил эксперимент натижаси ишонарли бўлмайди. Тергов экспериментининг натижалари ишда тўпланган барча тергов материаллари билан бирга баҳоланиши керак. Тергов экспериментининг натижаси иш бўйича бирор версияни тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун хизмат қилиши лозим.

Тергов экспериментини баҳолашда фақатгина унинг натижаларини анализ қилиб қолмасдан, балки, эксперимент ўтказилган шароит ва ўтказилган синовларнинг мазмунини ҳам анализ қилиши керак. Бундан ташқари, терговчи тергов эксперименти натижаларига баҳо беришда қўйидаги муҳим ҳолатларга эътибор бериши зарур:

- а) тергов экспериментини ўтказишга зарурат бор ёки йўқлигини;
- б) уни ўтказиш мақсадини;
- в) амалга оширилган синовларнинг мазмуни қанчалик тўғри белгиланганлигини;
- г) синовларнинг қандай шароитда ўтказилганлигини текшириш ҳамда натижаларнинг тўғрилиги баҳоланиши лозим.

Иккинчи босқичда экспериментларнинг синов натижалари исботланишини талаб қилиши мумкин. Масалан, тергов экспериментининг салбий натижалари (бирор жойга суқилиб киришнинг, чопишнинг, югуришнинг ҳеч қандай иложи йўқлиги) текширилаётган воқеа ҳақиқатда бўлганлигини исботлайди. Аммо бу билан чекланиб қолинмайди, ўтказилган синов натижаларини исботлаш учун иш юзасидан тўпланган барча материалларни бир-бири билан таққослаш, фактик материаллар билан ҳар томонлама текшириш керак.

V БОБ. ТИНТУВ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Тинтув тушунчаси ва вазифаси

Тинтув тергов амалиётида алоҳида мустақил тергов ҳаракатидир.

Суриштирувчи, терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Тинтув қидирилаётган шахсни, шунингдек, мурдан топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин (ЎзР ЖПКнинг 158-моддаси).

Жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақлидир.

Тинтув ва олиб қўйиш (выемка)нинг бошқа тергов ҳаракатларидан ажralиб турадиган хусусияти шундан иборатки, айрим фуқароларнинг ҳукуқларига, уларнинг моли, уй-жойининг дахлсизлик ҳолатларига путур етказади. Шу сабабдан тинтув ёки выемка ўтказиш учун етарли асос бўлиши шарт. Булар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: жиноят иши юзасидан турли ашёвий далиллар, жиноят ишига алоқадор ҳужжатлар, жиноят қуроли, жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк, пул маблаглари, жиноят қурбони бўлган шахснинг мурдаси ва жиноий жавобгарлиқдан бош тортиб қочиб, яшириниб юрган жиноятчи.

Дастлабки тергов жараёнида тинтув ўтказиш масаласига алоҳида жиддий эътибор бериш керак, чунки бу тергов ҳаракатининг ўтказилиш жараёни манфаатдор шахсларнинг ихтиёридан ташқарӣ бўлиб, уларга нисбатан мажбурий бўлиши, уларнинг ҳукуқ ва ҳукуқ манфаатларига путур етказади. Шу сабабли жиноят процессида тинтув ўтказиш учун етарли асос бўлмоги ва улар суриштирувчи ёки терговчининг қарорида кўрсатилган бўлиб прокурорнинг рухсати талаб қилинади. Айрим кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясисиз ҳам ўтказилиши мумкин ёки бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичидан прокурорга хабар қилинади ва расмийлаштирилади.

Одатда, кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар, жиноий ҳаракатни бартараф этиш жиноятчини ушлаш, қолдирилган ашё ва изларни топиш, ўғирланган нарсаларнинг йўқ қилинишининг олдини олиш кабилардир.

Тинтуб ўтказиш зарурати жиноят ишининг тури, содир қилиниш усули, жиноятчининг шахси ва шу каби хусусиятларга боғлиқдир. Жиноят ишига алоқадор бўлган излар, ашёлар, буюмлар, пул ва жиноий йўл билан қўлга киритилган, қимматга эга бўлган мулк жиноятда гумонланган шахснинг айбини исботлашга ёрдам беради: шу сабабли тинтуб ўтказиш вақти, қаерда ва кимларни тинтуб қилиш масаласи тергов олиб бораётган шахс томонидан ҳал қилинади. Тахмин қилинган нарсалар маълум шахснинг уйида, хизмат хонасида ёки унинг ҳовли-жойидан топилиши мумкин.

Тинтувнинг вазифаси кўздан кечиришга ўхшаш бўлиб содир қилинган жиноий ҳаракат юзасидан ашёвий далиллар, жиноятга алоқаси бўлган нарсаларни топишдан иборатдир. Шу билан бирга воқеа жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатидан тубдан фарқ қиласди.

Тинтуб ўтказишида жиноятни очиш, исботлаш учун қидириладиган нарса-буюмлар тахминан бўлсада терговга маълум бўлади, яъни қандай ашёларни кимларнинг уйидан ёки бошқа жойлардан излаш кераклиги маълум бўлади, кўздан кечиришда эса қандай ҳодиса юз берди, қандай излар мавжуд, ким содир қилди каби қатор саволларга тергов ҳаракати жараённида маълум бўлади.

Тинтуб ва олиб қўйишида жиноят иши материаллари асосида, тўпланган маълумотга кўра қандай нарсаларни қаердан қидириш кераклигини аввалдан белгилаб олиш мумкин.

Тергов жараённида тинтувнинг ўтказилиши бўйича қуйидаги турлари мавжуддир: иш юзасидан дастлабки тинтуб ва такрорий тинтуб. Бир неча жойда ва бир неча шахсларни бир вақтнинг ўзида тинтуб қилиш буни гуруҳли тинтуб дейиш мумкин. Бу ҳолда икки ёки уч терговчи иштирокчилар билан бир вақтнинг ўзида ташкил қиласдилар.

Тинтувнинг ўтказилиш жойига кўра одамлар яшайдиган хона (биноларда, хизмат хоналарда, давлат муассасалари биносида), очиқ жойларда (ҳовли, томорқа) ва айрим шахсларни (жиноятда гумонланган ёки унга алоқаси бўлган) тинтуб қилиш.

Тинтувнинг алоҳида туридан бири бу олиб қўйиш (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 159-моддаси)дир. Олиб қўйишида терговчилар ашёвий далиллар (турли нарса, қурол, ҳужжат ва бошқалар) иш материаллари асосида кимда ва қаерда экани маълум бўлиб, улар қидирилмайди, олиб қўйиш ҳақидаги қарор тегишли шахсларга (шу жумладан давлат хизматчилари ҳам бўлиши мумкин) эълон қилиниб кўрсатилган объектлар талаб қилиб олинади ва баённомада қайд қилиниб расмийлаштирилади.

Олиб қўйиш ҳаракати ҳам тинтуб каби мажбурлаш сифатига эга

бўлиб, манфаатдор шахсларнинг қаршилик қўрсатиши бартараф этилини мумкин, тўсиқлар ихтиёрий равишда очилиб берилмаса терговчи куч ишлатиш ҳуқуқига эгадир. Масалан, хона эшиклари, шкаф, сейф, хизмат столининг яшиклари, сандиқ ва ҳ. к. калити топилмаса бузиб очилиши мумкин.

Тинтув гумонланувчи шахсларнинг шахсий ва хусусий мулкини рўйхатга олиш ва унга арест солиш мақсадида ҳам ўтказилади, мақсад жиноят иши суд муҳокамасига етиб боргач, етказилган моддий зарарни қоплаш учун суд мулкни мусодара қилиниши таъминлашдир.

Шахсий тинтув жиноятда гумонланган шахсни жиноий ҳодиса жойида ёки жиноий жойнинг ўзида ёки хизмат хонасида унинг танаси, кийим боши, қўлидаги сумка, чемодан каби багажлари текширилади.

Яшаш бинолари, квартира, уй-жойларда тинтув ўтказиша биринчи навбатда у ерда яшовчи ёки шу ерда ҳозир бўлган шахслар шахсий тинтув қилинади, сўнгра умумий текширув бошланади.

2-§. Тинтув ўтказишига тайёргарлик кўриш

Тинтувга тайёргарлик кўришнинг бошланғич босқичи — тинтув ўтказиш ҳақида қарор чиқариш ва уни процессуал расмийлаштиришдир. Терговчи томонидан тинтув қилиш ҳақида чиқарилган қарор тинтув қилиш учун юридик асос бўлиб ҳисобланади. Бу процессуал ҳужжат асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар қўрсастилади.

Қарорнинг чиқарилган жойи ва вақти, қарор чиқарилган шахснинг фамилияси ва мансаби, қайси номерли ва номли жиноят иши бўйича тинтув ўтказиш ва қарор чиқарishнинг процессуал асоси кўрсатилади. Тинтув ўтказишига асос бўлган жиноятга алоқадор нарсаларнинг кимга ва қаерда ўтказиш кераклиги белгиланади.

Тинтувга тайёргарлик кўришда иморатларнинг кириш-чиқиш йўлларини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир, чунки тинтув ўтказишининг характеристери тинтувни қаерда ва қандай шароитда ўтказилишига боғлиқдир. Агар тинтув ўтказиладиган жой хонадон бўлса, у ерда нечта хонадон бор, нечта оила яшайди, ҳар оилада неча киши, уларнинг жиноятга алоқаси бор-йўқлиги аниқланиши лозим.

Тинтув қилинадиган жойнинг кириш чиқиш йўллари, тинтув самарали ўтказишига зарур бўладиган ҳолатлар аниқланади.

Тинтув қилиниши керак бўлган биноларга тегишли маълумотларни маҳалла қўмиталаридан сўраш, уйнинг режаларини ўрганиш орқали

түппланади. Бу маълумотлар манфаатдор шахсларга нисбатан яширин ҳолда сурштирув йўли билан олинади.

Тинтувни ўтказиш учун қатнашувчиларни таъминлаш ҳам тайёргарлик кўришда ҳал этилиши лозим. Ҳолисларни қаердан чақирилиши, мутахассиснинг қатнашуви зарурми, милиция ходимларидан кимларни жалб этиш, ЖЭК, маҳалла ходимларидан кимларни таклиф этиш масаласи ҳам олдиндан белгиланиб қўйилиши мақсадга муовифик бўлади.

Тинтув ўтказиш учун етарли асослар мавжудми, яъни олинган маълумотлар аниқ манбаларданми деган саволлар, керак бўлса яна бир бор сурштирув ходимлари ёрдамида текширилиб, сўнгра Қарор тузилади ва унда тинтувнинг мақсади, қаерда қандай буюмларни топиш, олиш кераклиги кўрсатилади. Қарор тинтув ўтказишга расмий ҳужжат бўлганлиги учун унда кўрсатиладиган асослар жиноят ишига bogliq-лиги аниқ ва равон акс эттирилиши лозим. Шундагина назорат орган ходими тинтувни ўтказишга рухсат беради, акс ҳолда фуқароларнинг конституцион ҳукуқларини ва қонунни бузилишига йўл қўйилади. Тинтув жараёни қидириш, текшириш ҳаракатидан иборат бўлганлиги учун уни амалга ошириш учун қидириув асбобларини қўллашга тўғри келади. Криминалистика илмий- техник воситалари қаторида қидириув асбоблари ҳам мавжуддир. Булар қуйидагилар:

I. Индукцион типдаги металл қидириш воситалари;

а) МИП-1 темир буюмларни қидириувчи восита;

б) ИМП ярим ўтказгич мина қидириув воситаси;

в) УМИВ-1 индукцион мина қидириш воситаси.

II. Магнит қидириув воситаси, сув ҳавзаларда, сувли чуқур, қудуқ каби жойларда қўлланилади.

III. Мурдаларни қидириб топиш учун мўлжалланган илмий- техника воситаси ПП-1, мурдани кўмилган жойи, мўлжалланган участкалар текширилади.

IV. Ультрабинафша ёритгич УК-1.

Ультрабинафша ёритгич турли ашёвий далилларни, ҳужжатларни топилган жойида кўздан кечирилиб жиноят ҳодисасига алоқадор аломатларни аниқлашга ишлатилади. Баъзи ҳолда ашёвий далил бўлган жиноят қуроли ёки ҳужжатларда кўзга кўринмайдиган қон ва бошқа молда доғлари бўлади, улар юқорида кўрсатилган мосламада ультрабинафша нурларида текширилса аниқ кўринади ва уни фотосуратга олиб мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Қидириладиган буюмлар ва жиноят турига қараб айrim ҳолларда тинтувда мутахассис ҳам иштирок этиши мумкин. Терговчи қидири-

ладиган ашёларни қаерда, қандай яширинганига қараб зарур бўлган маҳсус билимга эга бўлган мутахассис ёки эксперт ходимларни таклиф этиши мумкин. Криминалистика илмий- техник ва қидирув во-ситаларини қўллаш учун ҳам тегишли мутахассислар жалб этилади. Баъзи ҳолларда қидириш обьекти жиноятда шубҳаланган шахслар ёки жабрланувчининг мурдаси бўлса маҳсус ўргатилган хизмат қучукларни уни бошқарувчи ходими билан жалб этилади.

Тинтувни қачон, қай вақтда ўтказиш масаласи ҳам олдиндан белгиланмоғи лозим. Барча тергов ҳаракатлари қонунга биноан кундузги вақтда ўтказилмоғи белгиланган. Тинтув ҳам, шу жумладан кундузги вақтда яъни эрталабки соат 6 дан кечки соат 22 гача ўтказилмоғи лозим. Лекин жиноий ҳолатига кўра кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда сутканинг зарур бўлган соатида ўтказилиши мумкин.

Криминалистик тактика услубиёти тавсиясига кўра тинтувга эрталабки соат 6 да келмоқ мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки уй эгалари, оила аъзолари ҳам хизматга, ўқишга ёки бошқа бир юмуш иши билан кетмаган бўладилар.

Тинтув ўтказиладиган жойда яшовчи бошқа шахсларни, кўшниларни ортиқча безовта қилмаслик учун ЖЭК ёки маҳалла аҳли, участка инспектор ходими таклиф этилади. Улар тинтув ўтказилаётган хонадонлар эшигини ортиқча шовқин-суронсиз очилишига ёрдам берадилар. Бу масала ҳам тайёргарлик вақтида белгиланиб, керак вақтида кимни қаердан топишни таъминлайди.

Тинтув жараёнида топиладиган далилий ашёлар, жиноят қуроллари, пул ва қимматбаҳо металл ва тошларни баённомада қўргазмали бўлишини таъминлайдиган восита-фото ва тасвир ёзувчи аппаратларни ҳам қўллаш мумкин. Айниқса, маҳсус тайёрланган хуфя жой-тўсиқлар, яшириш усулларини фотосуратга олиш жиноятчининг шахсини аниқлашга ёрдам беради ва бу ҳолатлар фотосуратда мустаҳкамланиб баённомани тўлдиради, исботлаш даражасини кўтаради.

3-§. Тинтув ўтказиш тактикаси

Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал қонунида белгиланган бўлиб, унда кўрсатилган қоида ва талабларни бажариш шартдир. Шу билан бирга қонунда кўрсатилган тартиб қоидаларни криминалистик тактикаси услублари билан тўлдирилади, шундагина тергов ҳаракатидан самарали натижга олинади.

а) шахсни тинтуб тактикаси. Тергов қилиш жараёнида жиноятда гумонланган шахсларнинг кийими, танаси ва ўзи билан бирга бўлган буюмларини текшириш шахсий тинтуб тариқасида расмийлаштирилди.

Мазкур тергов ҳаракати жиноятда гумонланган шахсни ушлаш ва қўлга олишда шу жойнинг ўзида ёки милиция ходимларининг хизмат хоналарида ўтказилади.

Тинтуб қилинаётганнинг шахси, гумонланётган жиноятнинг турига қараб хавфсизлик чораларини таъминлаш зарур. Текширилаётган шахсларнинг тасодифий ҳужуми ёки қаршилик кўрсатиши, жиноий жавобгарликдан бош тортиб қочишга ҳаракат қилиш ҳолларини олдини олиш ва бартараф қилиш учун тезкорлик чоралари ва услублари мавжуддир. Биринчи навбатда текширилаётган шахсларнинг қўлларини кўтариб, орқа билан туриши таклиф қилинади, устки кийимнинг чўнтаклари ва белдан оёқ учларига умумий ушлаб текширилади, курол ёки курол сифатида қўллашга мосланган нарсалар олинади.

Хавфли оғир жиноятда гумонланган ёки қидирувда бўлган шахсларни ушлаш вақтида уларда отиш-портлаш қуроллари бўлиш эҳтимоли бўлса милиция ходимлари уларни қуролсизлантириш мақсадида қўлларига кишан солиб сўнгра тинтуб-текширув ўтказадилар.

Шахсий тинтуб ўтказиш мақсади тинтилувчининг жиноятга алоқасини аниқлаш, унинг танаси, кийими ва буюмларida жиноятга оид изларни, ашёларни, жабрланувчидан қолган излар, унинг қаршилик кўрсатиши натижасида қолган жароҳатлар ва бошқаларни топишдан иборат.

Тинтуб ўтказишда текширилаётганнинг шахсий ҳужжатлари, пул ва бошқа ёнидаги металл, шиша буюмлари олинади.

Шахсий тинтуб устки кийимларни текширишдан бошланади: бош кийимнинг устки ва ички қисми, боши, соchlари, қулоқ супралари, устки кийимнинг авра ва астарлари, қидираётган ашёнинг турига қараб зарур бўлса чоклар сўқилади, ички қисми текширилади.

Жиноятнинг ҳолатига қараб изланувчи нарсалар пойафзалда ҳам жойлаштирилган бўлиши мумкин. Текшириш жараёнида пойафзалнинг пошнаси сўқилиб оралиқ қисмлари текширилади. Айрим ҳолларда жиноят натижасида кийимнинг устки қисмida ёки текширилувчининг танасида жабрланувчининг қони ёки бошқа моддаларнинг излари бўлиши мумкин. Бу ҳолларда маҳсус ёритгич ёрдамида кўзга кўринмайдиган излар, қолдиқ моддалар топилиши мумкин.

Тинтувга таклиф қилинган мутахассис криминалистик илмий-техник воситаларини, шу жумладан, турли нурларни қўллаш ва ёритгич

мосламаларини ишлатиб терговга катта ёрдам беради.

Микро излар ва микрозаррачаларни текшириш ва күчириб олишда ҳам тегишли мутахассисларнинг хизмати самаралидир.

Гиёхвандлик жиноятида гумонланган шахсларни тинтуб қилишда уларнинг танасини текшириш билан бирга ички аъзоларини ҳам маҳсус ёриткич ва нур берувчи манбаларни қўллаб ҳам текшириш лозим. / Гиёхванд ва кучли таъсир қилувчи моддаларни контрабанда йўли билан олиб ўтувчи “куръерлар” ҳозирги кунда ошқозон-меъда ичида ҳам олиб ўтишга ҳаракат қиласидар.

Шахсий тинтуб жараёнини баённомада кўргазмали ва тасвири қилиш мақсадида фото ёки видеога ёзиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тинтуб натижасида олинган нарсалар, пул ва шахсий буюмларнинг сони, миқдори, айрим сифатлари, шунингдек, далилий ашёлар ҳам рўйхатда кўрсатилиб баённомага илова қилинади. Шахсий тинтуб умумий тинтуб каби жиноят процессуал қонунининг тегишли моддалари асосида ўтказилиши лозим. Шунингдек, тактик услублар ҳам қонун нормаларига зид бўлмаслиги ва фуқароларнинг конституцион хукуқлари, қадр-қимматлари асоссиз поймол бўлмаслиги лозим.

б) биноларда (одамлар яшайдиган, хизмат ва хўжалик хоналарда) тинтуб ўтказиш | Тинтувни ташкил қилиш, унинг вақтини, жойини белгилаш, тайёргарлик кўриш маҳфий бўлиб қанча вақт кетишидан қатъи назар манфаатдор шахслар учун тасодифий, кутилмаган пайтда, тўсатдан бўлмоғи лозим. Акс ҳолда жиноятга оид ашёлар, жиноий йўл билан қўлга киритилган маблаг — мулк ва бошқа изланувчи нарсалар, излар йўқотилиши, бошқа жойга кўчирилиши, сотилиши мумкин, натижада тинтуб натижасиз бўлиб, сўнгра қайта ўтказишга тўғри келади, бу ҳол эса ҳар вақт ҳам самарали бўлавермайди.

Тинтуб жойига етиб келгач ортиқча шовқин-суронсиз хона ичкарисига кирилади, қатнашувчи милиция ходимларидан кириш чиқиш, дераза жойларига кузатувчи тайинланади. Хонада ҳозир бўлган фуқароларга нима мақсадда келганиликни ва тинтуб қатнашувчиларни маълум қилинади. Тинтуб ўтказиш ҳақидаги қарор эълон қилиниб, унда кўрсатилган нарсалар ихтиёрий берилиши талаб қилинади. Изланувчи нарсалар ихтиёрий равишда берилган тақдирда ҳам тинтуб давом эттирилади. Хонада ҳозир бўлган барча шахслар текширилгандан сўнг улар бошқа бир хонага чиқарилиб, оила аъзоларининг вояга етган вакили иштирокида тинтуб бошланади. Изланувчи нарсаларнинг тури-тавсифига асосан улар қаерда ва қай усулда сақланиши умумий кузатув орқали аниқланиши мумкин.

Манфаатдор шахсларнинг касб-хунари ва мутахассислиги, жиноят-

нинг тури каби ҳолатлар изланувчи нарсаларни қаердан ва қандай излаш кераклиги ҳақида имкон бериши мумкин. Одатда, ҳужжатлар, пул ва қимматга эга бўлган қофозлар, китоб жавонлари, столнинг тортмалари, сейфларда сақланади. Жиноят қуроли сифатида ишлатилган уй-рўзгор буюмлари ошхона ичидаги турли жойларидаги сақланади. Отиш қуроли, портловчи моддалар, бошқа металл буюмлар маҳсус жойларда (хуғя жойларда) сақланади. Лекин изланувчи ашё ва нарсалар ўзларининг турли тузилиши, ишлатилишидан қатъи назар ўзларига мос бўлмаган жойларда ҳам сақланади.

Хонанинг ичини текшириш жараёнида деворда осилган гилам, расм ва бошқа тўсиб турувчи предметларнинг орқалари кўздан қечирилиб, деворнинг қатлами ичидаги хуғя жой бор-йўқлиги аниқланади. Жиноят ишига алоқадор шубҳали излар, дөғлар турли ёритгич мосламалар ёрдамида текширилиб аниқланади ва мустаҳкамланади, зарур бўлса кўчирилиб олинади.

Хоналар ичидаги мебеллар, нарсаларни сақлашга мослашган тўсиқлар, уй-рўзгор буюмлари иложи борича ортиқча заарланмаслиги учун чора кўриш лозим. Зарур бўлган ҳолдагина уларни бузиб очиш ва текширишга йўл кўйилади. Шубҳаланувчи ёки айбланувчининг оила аъзолари, фарзандларининг мулкий ва шахсий ҳуқуқларига заар етказмасликка ҳаракат қилмоқ лозим. Тинтувнинг бошланишидан охиригача қатнашувчи ходимлардан бирига манфаатдор шахсни кузатиб туриш топширилади, кузатилувчи ўзининг руҳий ҳолатини бирор ҳаракат ёки сўз-луқма ташлаши орқали излаш-қидириш ишни осонлаштириши мумкин.

Тинтув ўтказишида кузатишни ташкил қилишдан мақсад тинтув қилинувчи ёки унинг оила аъзоларини жиноят нарсаси ва қимматбаҳо буюмларни яшириш ёки уларни жиноятчининг шерикларига бирор йўл билан (масалан, телефон қилиш, дераза ойналаридан бирор ҳаракат билан) огоҳлантириш бермаслиги хавфини олдини олиш бўлсада, лекин тинтуvdаги шу кузатиш орқали аниқланадиган улардаги руҳий ўзгаришлар жиноий нарсаларини топишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг учун тинтув вақтида тинтилувчи ва унинг оила аъзоларининг хатти-ҳаракатларини кузатиб туриш тинтувнинг самарали тугалланишига ёрдам беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, тинтувда топилган нарсаларни кузатиш, бу топилган нарсаларнинг ишга тааллуқли эканлигини ёки йўқлигини аниқласа, тинтув қилинувчи шахсларнинг ҳаракатларини кузатиш ҳали топиб олинмаган нарсаларни топиб олишга олиб келади. Тажрибадан маълумки, кузатиш натижасида терговчилар жиноят нар-

саларини жуда осон ва тезлик билан топиб олганлар.

Маълумки, жиноятчининг ёнида ёки унинг турар жойида далилий ашёлар яширилган бўлса, у ҳаяжонда бўлади. Терговчи шу жиноят нарсаси турган жойга қанчалик яқинлашар экан, унинг хатти-ҳаракатлари ўзгаради, сўзлари қовушмайди, қўллари қалтирайди ёки эҳтиётсизлик қилиб жиноятга алоқадор нарсани айтиб қўяди, ҳаяжонларини, асабини, папирос ёки носни устма-уст чекиш билан тинчланишга уринади. Терговчи жиноят объектидан қанчалик узоқлашар экан, у ўз ҳаракатларини беихтиёр ўзгартиради ва тинчланади.

Шунинг учун терговчи тинтув ўтказиш вақтидаги кузатув натижаларидан тўлиқ фойдалана билишлари керак.

Одамлар яшайдиган хизмат (офис) хоналарда тинтув қилишда жиноят ишига алоқаси бўлган шахснинг хизмат жойидан бошламоқ маъкулдир. Стол ва унинг тумба тортмалари, сейф, жавон, токча, китоб қўядиган жавон каби жойлар текширилади. Изланувчи нарсалар (хужжатлар) кўп ҳолларда хонада иш вазифаси туфайли бирга ўтирувчи хизматчи шахсларнинг стол ва жавонларида ёки умумий шкаф, сейф ва шу каби офис мебелларининг ичидаги, устида, папка, журнал ва китоблар орасида жойлаштирилган ҳам бўлади.

Хизмат хонадаги бошқа шахсларнинг ҳам стбл, сейфлари уларнинг рухсати билан текширилиши мумкин.

Жиноят ишгия алоқадор бўлган ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, қотиллик ишлари бўйича жабрланувчининг мурдаси одамлар яшамайдиган хўжалик ишларига мўлжалланган хоналарда, гаражларда яширилган бўлади. Бу жойларни тинтув қилишда деворлар, пол ва шиналарга эътибёр бериш лозим, қон излари айнан шу ерлардан тоғилиши мумкин. Поллари тупроқли ёки шагалли бўлса қидирав асбоби билан текшириш натижасида бирор нарса кўмилганлигини ҳам аниқлаб олиш, сўнгра шу ерларни қазиб изланувчи буюмларни топиб олиши мумкин.

в) Изланувчи объектларнинг характеристига қараб (жиноят қуроли, ўғирланган нарсалар, жабрланувчининг мурдаси ёки мурда бўлаги ва ҳ.к.) тинтув очиқ жойларда ҳам ўтказилиши мумкин. Очиқ жой деб айрим фуқароларга ёки жамоат ташкилотига тегишли бўлган ер участкаси, томорқа, ҳовли каби жойлар тушунилади. Кўча, майдон, қир, дала ташландиқ жойларда ўтказиладиган текширувни тинтув эмас, кўздан кечириш деб расмийлаштирмоқ лозим. Қидириш-текшириш ишлари фуқароларга моддий ва маънавий зарар етказадиган ҳоллардагина тинтув ўтказиш ҳақида қарор ёзилиб, тегишли рухсат билан тинтув текшируви ўтказилади. Очиқ жойларни текширишда умумий ку-

затув билан қаерда қандай ўзгариш борлиги аниқланади; янги қазилған, юмшатылған ер сатқы, экилған күчат, дараҳтларнинг бир хил ёки ўзаро фарқлиги каби ҳолларда айнан шу жойлар қазиб, синчиклаб текширилади. Очиқ жойлардаги ахлат, ифлос сув тўклидиган чуқурликлар, сув ичиш ёки эски ташландик қудуқларнинг ичлари ҳам текширилади. Отиш қуроллари, отилган ўқ гильзалари ёки патронлар, совуқ қуроллар, шунингдек, қотиллик қурбони бўлганнинг мурдаси айнан шу жойлардан топилиши мумкин.

Текширувни тўғри ва тез ўтказиш учун терговчи ахлат тозаловчи ишчиларни жалб этиб уларнинг хизматидан фойдаланмоғи мумкин. Суюқлик бўлган чуқур ва қудуқларни тагини текшириш учун магнитли қидирав ва илгакли трал асбобларини қўллаш яхши натижа беради.

Тергов амалиётида жиноий жавобгарлиқдан бош тортиб яширинган жиноятчини излашда, яшаш хоналари ва бошқа биноларни текширишда, шунингдек, очиқ жойларда тинтуб қилишда маҳсус ўргатилған хизмат итлардан ҳам фойдаланадилар. Итнинг хатти-ҳаракатининг ўзи бевосита далил бўлмасада изланувчи одам ва нарсаларнинг жойини аниқлашга ёрдам беради.

Қотиллик жинояти бўйича тинтубни ўтказиш жараённида қатнашувчи ҳолислар, милиция ходимлари тинтуб жойида — Ж. уйининг хоналаридан бошлайдилар ва ҳамма биноларда текшириш ўтказилади, лекин жиноятта алоқаси бўлган ҳеч қандай далилий ашё топилмайди, натижасиз чиқсан тинтуб баённомасини ёзиш учун тайёрланган терговчи ҳовлида боғлиқлик турган итнинг ҳаракатига кўзи тушиб қолади. Терговчи итнинг ҳаракатини кузата бошлайди. Ит одамларга эътибор бермасдан ҳовли четига қараб талпинаётганини кўради.

Терговчи итнинг бу ҳаракатларидан шубҳаланади ва уй эгасидан итни бўшатиб юборишини сўрайди. Бўшатиб юборилған ит тезлик билан ҳовли четига, яъни ахлатлар ва чиқиндилар учун тайёрланган чуқур ёнига бориб тўхтаб, чуқур ёнларини тирнай бошлайди. Итнинг бу ҳаракатини кузатиб турган терговчи шу ахлат тўклидиган чуқурни текширишга киришади. Текшириш натижасида у ердан 1,8 метр чуқурликдан чирий бошлаган аёл кишининг жасадини топади. Бу эса жиноятчининг ўзи қилған жиноятига иқорор бўлишига ва жиноятнинг очилишига сабаб бўлади. Амалиётда дастлабки тинтуб турли сабабаларга кўра натижа бермаган ҳоллари ҳам учраб туради, бундай ҳолатда такрорий тинтуб ўтказилади. Такрорий тинтувга ҳам пухта тайёргарлик кўриб, юқорида кўрсатилған тактик услубларни қўллаб ўтказилмоғи зарур. Такрорий тинтуб ҳам манфаатдор шахслар учун тасоди-

фаи, кутылмаган тарзда ташкил қилинмоғи яхши натижа беради. Запур бүлган ҳолларда, бир неча жойда бир вақтнинг ўзида бир неча тинтуб ұтказилади, жиноят ишини терговчи ташкил қылувчи гурух раҳбари бир неча терговчига топшириқ беради ва уларнинг ҳар бири қатнашувчилари туар ёки тұхташ жойларида баробарига тинтуб ұтказидилар.

4-§. Олиб қўйишни ұтказиш тартиби

Олиб қўйиш ҳам тинтуб каби фуқароларга нисбатан мажбурийлик хусусиятига эга бўлганлиги учун унинг ұтказилиши терговчининг, суроштирувчининг қарори ва прокурорнинг рухсати – санкцияси билан ұтказилмоғи зарур. Тинтуб каби олиб қўйишни ұтказиш учун етарли асос бўлмоғи лозим. Гумонланувчи ёки жиноят ҳақида бирор маълумотга эга бўлган шахсларнинг ихтиёрида жиноятга алоқадор ашё, курол, хужжат каби нарсаларнинг борлиги маълум бўлса, улар жиноят ишини ҳал қилиш учун олиб қўйиш зарур.

Олиб қўйишнинг тинтубдан фарқи шундан иборатки, тинтуб ұтказишида изланувчи обьектлар тахминан кимларницида ва қандай нарсалар: курол, жиноят излари, ўғирланган, ўзлаштирилган маблағлар, хужжат ва бошқа ашёвий далиллар бўлиши мумкин, деган тахмин асосида ұтказилади. Олиб қўйишни ұтказишида эса терговчи қандай обьектни олишлигини аниқ билади ва қарорида кимдан, қаердан талаб қилишни кўрсатиб амалга оширади. Масалан, гумонланувчининг уйида маълум система маркали отиш қуроли борлиги, омонат сақлаш банк-кассасидаги шахсий ҳисоб рақами, муассаса бухгалтериясидан олинадиган молия хужжати, почта, телеграф жўнатмалари каби обьектлар.

Олиб қўйишни ұтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 159-167-моддаларида кўрсатилгандир.

Олиб қўйишни ұтказишида терговчи қидириш, тинтиш ҳаракатларини ұтказмасдан олинадиган предметларни маълум шахслардан муассаса, ташкилот раҳбаридан чиқариб беришни талаб қиласи, талаб қилинган нарсалар ихтиёрий равишда берилмаса терговчи мажбуrlаш чорасини қўллаб олиб қўяди.

Олиб қўйиш ҳаракати шахсий тинтуб 'ұтказиш вақтида алоҳида қарор чиқарилмасдан ҳам ұтказилиши мумкин, жумладан гумонланувчини ушлаш чогида унинг ёнидаги курол, жиноятга алоқаси бўлган ашёвий далиллар борлигига етарли асос мавжуд бўлганда, гумонланувчини қамоқда сақлаш чораси қўлланилган ҳолларда.

Гумонланувчи, айбланувчининг омонат банк кассасидаги шахсий ҳисобидаги маблаги, почта-телефон жўнатмаларига нисбатан ўтказиладиган “олиб қўйиш” ҳаракати уларни хатлаш мақсадида ўтказилади ва суднинг ҳукми чиқарилиб мулкини мусодара қилиш масаласи ҳал қилинишига қадар бекор қилинмайди. Бу масала ЖПКнинг 166-моддасида батафсил ёритилган.

Почта-телефон жўнатмаларини олиб қўйишдан аввал терговчи уни қўздан кечириш, зарур бўлган ҳолда ҳолислар ва мутахассис иштирокида очиб текширишига ҳам ҳақлидир.

Дипломатия ваколатхоналарининг биноларидан ва дипломатия вакилларидан олиб қўйиши ёки уларда тинтуб ўтказиш тартиби жиноят процессуал қонунида батафсил кўрсатилгандир. (165-моддага қаралсин)

5-§. Тинтуб ва олиб қўйиш натижаларини қайд этиш

Тинтуб ва олиб қўйиш натижаларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 163-моддасига биноан амалга оширилади. Терговчининг амалга оширган тергов ҳаракати қандай натижалар берганлиги унинг баённомасида акс эттирилади. Баённомада нарса ва ҳужжатларнинг ва бошқа изланувчи ашёларни айнан қаерда ва қандай шароитда топилганлиги, ихтиёрий равища берилганлиги ёки мажбурий равища олинганлиги кўрсатилиши лозим. Барча олинган нарса ва ҳужжатлар баённомада бирма-бир қайд қилинib, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

Олиб қўйиши ёки тинтуб вактида изланавтган нарса ва ҳужжатларни йўқ қилишга ёки яширишга уриниш ҳоллари содир бўлган тақдирда, бу ҳол суриштирувчи ёки терговчи томонидан кўрилган чоралар ҳам кўрсатилиб баённомада акс эттирилиши лозим. Изланувчи нарсалар манфаатдор шахслар томонидан ихтиёрий равища берилганлиги ва маҳсус ясалган хуфя жой-тўсиқлардан топилганлиги манфаатдорларнинг шахси ва жиноятга алоқаси ҳақида маълумот беради, шунинг учун бу ҳоллар баённомада тўғри, холисона акс эттирилиши лозим.

Тинтуб ёки олиб қўйиш натижасида олинган нарсалар сони кўп бўлган ҳолларда баённомага илова тариқасида олинган нарсаларнинг рўйхати тузилади. Унда тинтубда топилган нарсаларнинг жами, уларнинг миқдори, ўлчови, бирор нарсага тааллуқли пул ва қиммат баҳо

қоғозларниң суммаси ва реквизитлари, шунингдек, бошқа буюмлар-нинг ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши лозим.

Баённома ва рўйхат икки нусхада тузилиб, бири тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Баённомага тинтуб жараёнида қўлланилган техник воситалар (қиди-рув асбоблари), фото суратлар ва видео тасмалар илова қилинади.

Мулкни хатлаш мақсадида ўтказилган тинтувда ҳам хатга олинган мулк сони миқдори, номлари юқорида кўрсатилган тартибда рўйхат тузилади ва бир нусхаси мулк эгасига топширилади. Хатланган мулк жиноят ишининг тергови ва суд муҳокамаси тугагунга қадар бошқа бирорвга бериш, сотиш, ҳадя қилиш ман этилиши тушунтирилади ва бу масъулият уй эгаларидан вояга етган шахснинг бирига ёки жамоа (маҳалла, ЖЭК) вакилига топширилади.

Олиб қўйиш натижаларини ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 163-моддасига биноан, баённомада кўрсатилиб олинган нарсалар тегишли тартибда кўрсатилади ва зарур бўлса алоҳида упаковка қилиниб муҳланади.

Почта, телеграф, жамғарма банк ва бошқа муассасаларда ҳужжатларни рўйхатлаш ва арест қилиш жиноят-процессуал қонуни асосида амалга оширилади, жиноят иши учун зарур бўлса олиб қўйилади ва ишга далилий ашё сифатида қўшилади. Зарурат йўқолгач терговчи ёки суд томонидан арест бекор қилинади.

Дипломатия ваколатхоналарининг биноларидан ва дипломатия вакилларидан жиноят ишига даҳлдор бўлган ҳужжат ва ашёвий нарсаларни олиб қўйиш ёки уларда тинтуб ўтказиш уларнинг даҳлсизлиги-га эга бўлган ходимлари, уларнинг оила аъзолари эгаллаб турган биноларда фақат дипломатия ваколатхонаси бошлигининг илтимосига кўра ёки унинг розилиги билан ўтказилиши мумкин. Бу масала бўйича тинтуб ва олиб қўйиш ҳаракатлари ва уларни расмийлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 165-моддасида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

VI БОБ. ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА ҚУРИЛМА- ЛАР ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ ТАРТИБИ ВА ТАКТИКАСИ

1-§. Сўзлашувларни эшитиб туришнинг процессуал тартиби

Содир бўлган жиноятни тергов қилиш жараёнида далил тўплаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатлари қаторида жиноят-процессуал қонунда яна бир тергов процессуал ҳаракатини ўтказиш тартиби кўрсатилган. Бу тергов ҳаракатини ўтказишидан мақсад жиноят ишининг айrim ҳолатларини текшириш, исботлаш учун телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувнинг мазмунини эшитиш асосида олинадиган далиллардир.

Шунингдек, бу тергов ҳаракатидан олинадиган маълумотлар, айниқса, уюшган жиноий груп томонидан содир қилинадиган ўта хавфли жиноятларни тергов қилишда, груп иштирокчиларининг ўзаро мулоқотидаги ишга оид бўлган сўзлашув мазмунини жиноятни очища мухим далил бўлиб хизмат қиласди.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган ахборотларни эшитиб бориш иш юзасидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш, жиноятни содир этган ва унга алоқаси бўлган шахсларни аниқлаш, уларни қаердан излаш ва ушлаш, жиноят қуроллари ва бошқа обьектларни яширилган жойини аниқлаш, процессуал шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам ўтказилади.

Мазкур ҳаракатнинг ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 169-171-моддаларида тартибга солингандир. Жумладан, жиноятни тергов қилиш жараёнида “иш учун аҳамиятга молик хабарларни олиш мумкинлигига етарли даражада асос бўла олса суриштирувчи, терговчи телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб турисида қарор чиқаришга ҳақлидир”-дейилган ЖПК нинг 169-моддасида.

Қонуннинг бу талаби мазкур тергов ҳаракатини аввалам бор қўзғатилган жиноят ишлари юзасидан ўтказилиши лозим иккинчидан телефон ва бошқа қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш учун иш юзасидан етарли асос бўлмоғи зарур, шундагина терговчи (суриштирувчи) қарор чиқаради ва прокурорнинг руҳсатини олади.

Сұзлашув қурилмалари деганда телефон ва бошқа алоқа воситалари бұлған радио телефон, радио реле, юқори даражали радио түлкінлар, космик алоқа, селектор үтказувчи ва бошқа техник ускуналар, телетайп ва телефакс воситалари билан алоқа қилиш воситалари тушуниди. Булардан олинадиган маълумотлар шаҳар, шаҳарлараро ва халқаро миқёсдаги сұзлашувлардан бұлғанлиги учун ҳам прокурорнинг рухсати зарурдир, акс ҳолда фуқароларнинг Конституцияда құрсатилған ҳукуқ ва әркинлиларига птур етказилади.

Гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг телефон ва бошқа сұзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сұзлашувларни эшишиб туриш терговчининг чиқарған қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади дейилган ЖПК нинг 170-моддасида.

Жараён қатнашчилари бұлған жабрланувчи, гувоҳ ва уларнинг қариндошларига нисбатан куч ишлатиш, товламачилик, бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилиш хавфи мавжуд бұлса, сұзлашувни эшитиш учун бу шахсларнинг аризалари ёки ёзма розилиги бўлиши лозим.

Мазкур ҳолатларда ҳам телефон эшитувларини ўтказиш учун прокурорнинг розилиги — рухсати бўлмоғи керак.

Баъзи ҳолларда телефон ва бошқа сұзлашув воситаларидан олиб бориладиган сұзлашувни эшитиш ва иш учун зарур бұлған маълумотлар олишни кечикитириб бўлмайдиган вазиятлар туғилиб қолади. Бундай ҳолатларда терговчи мазкур тергов ҳаракатини ЖПК нинг 170-моддасига биноан тезкорлик билан үтказади, акс ҳолда қурай фурсат ўтиб кетади ва муҳим далиллар қўлга тушмай қолади.

Кечикитириб бўлмайдиган ҳолларда ўтказилган тергов ҳаракати ҳақидаги қарорни терговчи миллий хавфсизлик хизмати органларига юборишга ҳақлидир ва бир сутқа давомида прокурорни хабардор қилиб унинг санкциясини расмийлаштирумоги лозим.

Шунингдек, қонун телефон ва бошқа сұзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сұзлашувларни эшитишиб туриш муддатини ҳам белгилаган. Тергов қилиш жараёни ва ишни суд муҳокамаси даври қанча бўлишидан қатъи назар сұзлашувларни эшитишиб туриш олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефон ва бошқа сұзлашув воситаларидан эшитишиб туриш натижасида олинган маълумотларни фақат жиноят ишига алоқаси бўлғанларни далил сифатида иш материалидаги бошқа далиллар билан солиштириб таҳлил қилинади ва баҳолайди. Тергов тактикаси нуқтаи назаридан эшитувдан олинган маълумотларни ошкора қилинмаслиги маъқул, лекин гумонланувчи, айбланувчини суроқ қилиш жараёнида

Уминг ёлғон кўрсатувини фош этиш ва тўғри ахборот олиш мақсадида унга сўзлашув ёзилган магнит тасмасини эшилтириши ва бу ҳолда сўроқ қилинувчининг тушунчасини олиши мумкин.

2-§. Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тактикаси

Тергов қилиш жараёнида жиноятда гумонланган шахсларни аниқлаш мақсадида қатор тезкор-қидирув чоралари ўтказилади, маълум шахслар кузатиб борилади, уларнинг турмуш, меҳнат ва бошқа фаолият хусусиятлари текширилади, қаерда, кимлар билан мулоқотда бўлишлари ва шу каби жиноятга алоқаси бўлган маълумотларни тўплашда уларни жиноий гуруҳ иштирокчилари билан олиб бориладиган телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали сўзлашувларини эшитиб туриш ва қайд қилиб мустаҳкамлаш, жиноятни ўз вақтида ва тўла исботланишининг кафолатидир.

Мазкур тергов ҳаракатининг ўтказилиш зарурати жиноятнинг айрим ҳолатларини аниқлаш жараёнида текширилаётган шахслар ёки ҳосил бўлган тергов вазиятларини бартараф қилиш натижасида келиб чиқади. Мана шундай ҳолатлар ҳосил бўлганда терговчи телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган мулоқотни эшитиб уни магнит тасмасига ёзиб олиш ҳақида қарор тузади ва унда кимнинг телефон сўзлашувини эшитиш зарурлиги кўрсатилади. Қарорда кўрсатилган тергов ҳаракатини ўтказиш учун етарли асослар бўлганидагина прокурорнинг санкцияси-руксати берилади. Тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажримда ахборотлар хусусияти ҳажми ва натижаларини қайд қилиш шакли белгиланиб, ижро этиш учун миллий хавфсизлик хизмати органлари ходимларига юборилади.

Телефон орқали сўзлашувларни эшитишдан олинган маълумотларни қайд этиш бошқа тергов ҳаракатларининг натижаларини қайд этиш ва мустаҳкамлашдан бирмунча фарқ қиласди. Маълумки, эшитиб туришдан олинган ахборотни тўлалигича сўзма-сўз баённомада қайд этиш жуда қийин, чунки телефон ва бошқа қурилмалари орқали сўзлашув мулоқот икки шахс орасида юз беради, сўзлашув мазмuni эса савол - жавоб, фикр алмашув, маълумот ёки топшириқ бериш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Бундай ахборотни эшитиб сўнгра тўлалигича баённомада акс эттиришнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун жиноят

процессуал қонуни сұзлашувларни эшитиб турыш чоғыда овоз ёзиш мослама, воситаларини құлланиши белгиланған.

Мазкур тергов ҳаракатини үтказиш ҳақидағи қарорда кимнинг (кимларнинг) сұзлашувларини эшитиш зарурлиги, уларнинг турар жой манзиллари, абонент рақамлари құрсатилиши лозим. Эшитиб турыш жараёнида сұзлашув мазмунини магнит тасмасига ёзіб олиш, уни сұнгра далил сифатида ишнинг алоқида ҳолатларини исботлашга ишлатищ имконини яратади. Сұзлашувларни эшитиб уни овоз ёзиш воситаларидан қайд этишни амалга оширувчи ходимлар жиноят ишининг тавсифи ҳақида хабардор бұлмоқлари мақсадға мувофиқ бұлади, чунки қачон, қаердан ва кимларнинг сұзлашувларини эшитиш ва унинг қайси бир маълумотлари жиноят ишига тегишли эканлигини назорат қилиб боришилдікка ёрдам беради.

Бу тергов ҳаракатига тайёргарлик күриш, амалга ошириш ва қайд қилиш жараёнини бажараётган ходимлар тактик нұқтаи назаридан ошкора қылмасликлари лозим, акс ҳолда манфаатдор (гумонланувчи, текширилувчи) шахслар тегишли әхтиёт чораларини құриб тергов ҳаракатини үтказышга тұсқынлик қилишлари ва натижасига салбий таъсир қилишлари мүмкін.

Телефон ва бошқа сұзлашув воситаларидан эшитиб ёзилған сұзлашувнинг фонограммаси акс эттирилған магнит тасмаси жойлаштирилған кассетани терговчى ҳолислар ва зарур бұлғанда мутахассис иштирокида күздан кечириб овозни тиклаш мосламаларидан қайта эшиттиради. Ёзіб олинған сұзлашувни қайта эшитиши дағылдағы сифатида унга баҳо беріш вақтида терговчى лозим топса бу тергов ҳаракатини амалга оширган ходимларни ҳам таклиф қилиши мүмкін. Улар сұзлашув ёзилған вақти, шароити ва бошқа ақамияти бұлған ҳолатлар ҳақида маълумотлар берішлари мүмкін. Сұзлашув фонограммаларини күздан кечириш ва қайта эшитиши жараёнида ҳосил бўладиган баъзи бир ноқулайлик ва қийинчилекларни жумладан, сұзлашув ёзилған фонограммада сұзлашув мазмунидан ташқари бошқа овоз ва шовқинларнинг акс этиши каби вазиятларни бартараф қилишда таклиф қилингандай мутахассис ва сұзлашувни эшитиб, ёзіб олган ходимлар тушунча беріб ёрдам құрсатышлари мүмкін. Овоз ёзилған магнит тасмаси жойлаштирилған кассетани күздан кечирар экан, терговчى унинг умумий ҳолатига, техник құрсатқичига, қандай маркали овоз ёзиш воситасига қайд этилғанлығига, тасманинг айланиш тезлигига ва бошқа хусусиятларига эътибор беради.

Ассоcий диққат фонограммадаги ёзилған сұзлашув мазмунига қара-

тилиши лозим. Ундаги маълумотларнинг жиной ҳолатлар билан мантиқий боғланиши, жиноят ишидаги бошқа далиллар билан бир қаторда бир-бирини тўлдириши ва жиноятнинг исботлаш даражаси терговчининг умумназарий принциплари асосида ўтказиладиган баҳолашига боғлиқdir.

Магнит тасмасига ёзилган сўзлашув мазмунини қайта эшитиш ва баҳолаш пайтида терговчи сўзлашувнинг бошланиш ва охирлаш қисмига, сўзлашув давомида қандай нуқсонлар мавжудлигига, тўхташ ёки матннинг узилиб қолиши ҳолатлари каби алломатларига эътибор бермоғи лозим. Бундай ҳолатлар тергов ҳаракатининг натижасини далил сифатида тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Аудиокассетани кўздан кечириш ва қайта эшитиб таҳлил қилиш натижаларини терговчи кўздан кечириш банномасида акс эттириши лозим. Ҳар қандай тергов ҳаракатини қайд этувчи процессуал ҳужжат каби мазкур баённомада ҳам ким томонидан, кимлар иштирокида тузиленглиги, аниқланган маълумотлар хусусияти, овоз ёзишни амалга оширган орган ходимлари ва бошқа шу каби ишга оид ахборотлар кўрсатилади.

Кўздан кечириш ва магнит тасмасига ёзилган сўзлашувни қайта эшитиш баённомаси, уни ўтказишда қатнашган ҳолислар, мутахассис бошқа иштирокчилар томонидан тасдиқланади ва иш материалига қўшилади.

Сўзлашув фонограммасининг сифати ва унда ёзилган, қайд этилган овозларнинг кимга тегишли эканлигини аниқлашга зарурат туғилса тегишли текширувлар ва бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Бундай текширувлар сўроқ ўтказиш, овоздан таниб олиш, эксперимент ёки экспертизанинг тегишли турини ўтказиш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш ва ёзib олишни суднинг ажрими асосида ўтказилган бўлса, юқорида кўрсатилган магнит кассетасини кўздан кечириш, эшитиб текшириш ва унга баҳо бериб далил сифатида қўлланиб чиқариладиган ҳукм (қарор, ажрим)га асос қилиб киритиш суд мажлиси томонидан ҳал этилади.

3-§. Телефон ва бошқа сўзлашув воситалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш баённомаси

Телефон ва бошқа мосламалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш ва овоз ёзишни амалга оширган ходимлар жиноят ишига алоқадор бўлган сўзлашувлар мазмунини акс эттирувчи фонограмма ҳақида қисқача баённома тузадилар, -дейилган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 171-моддасида.

Баённомада қуидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

-ким ва қайси орган томнидан мазкур тергов ҳаракати ҳақида топшириқ қарор (ажрим) асосида келганлиги;

-жиноят иши ёки унинг алоҳида ҳолатлари ҳақида маълумотлар;

-иш юзасидан кимларнинг сўзлашувлари эшитилиши лозимлиги, уларнинг телефон рақамлари;

-эшитиб туриш ва овоз ёзиш вақти, жойи;

-фойдаланилган овоз ёзиш техника воситалари ва уларнинг тури, модели каби белгилари;

-тергов ҳаракатини амалга оширган ҳодимларнинг шахсига оид маълумотлар;

-жиноят ишини текширишда унга аҳамияти бўлиши мумкин деб ҳисобланган бошқа маълумотлар.

Телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришни қайд этилганидан сўнг сўзлашув фонограммасини акс эттирувчи магнит тасмаси жойлаштирилган кассета муҳрланиди ва баённомага қўшиб қўйилади.

Фонограммадаги сўзлашув мазмуни жиноят ишига аҳамияти, алоқаси бўлмаган қисмлари суд муҳокамаси тугатилиб чиқарилган ҳукм, қарор, ажрим қонуний кучга киргандан кейин йўқ қилинади.

Ишга алоқаси бўлмаган сўзлашув матнлари мазмунида сўзлашган шахсларнинг ҳаёти, турмушига ва бошқа оила аъзоларининг шаънига тегишли сир ва ошкора қилиб бўлмайдиган хабарларни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини поймол қилинмаслиги нуқтаи назаридан ошкора қилинмаслиги ва уларнинг ҳуқуқ ва қадр-қиммати ҳимоя қилинмоғи зарур.

VII БОБ. СҮРОҚ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Сўроқнинг тактик ва психологияк асослари

Сўроқ терговчи билан жиной воқеа ҳақида маълумот берувчи шахс ўртасидаги ўзаро ҳаракатдир. Қонун талабига кўра терговчи сўроқ қилинувчидан кўрсатма олиш орқали маълумот олиши керак. Маълумки, сўроқ вақтида олинган кўрсатмалар жиноят иши бўйича далил манбанинг бир қўриниши ҳисобланади, ундаги фактлар эса жиноят ишининг айрим ҳолатларини аниқлаш учун хизмат қиласди.

Тергов амалиётида сўроқнинг кўпроқ учрайдиган турларидан бири жабрланувчини, гувоҳ, гумондор, айбланувчи ва эксперт мутахассисларни сўроқ қилишидир.

Сўроқ ўтказишнинг қонуний асослари Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 96-108- моддалари орқали тартибга солинган. Гумонланувчи ва айбланувчи шахсларни сўроқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 109-113 моддаларида кўрсатилгандир. Гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш тартиби ва усуслари қонуннинг 114-124- моддаларида қайд қилингандир.

Криминалистика тактик услубларини қўллаш нуқтаи назаридан гувоҳ ва жабрланувчиларнинг процессуал ҳолати ва ҳуқуқлари деярли бир хил бўлғанлиги учун, уларни сўроқ қилиш тартиби биргаликда, гумонланувчи билан айбланувчининг ҳолатлари ўхшашлиги сабабли улар ҳам бир усуlda сўроқ қилиниши мумкин.

Лекин юқоридаги процессуал шахсларнинг ҳолатларини баъзи томонлари уларни сўроқ қилишда турли услубни қўллашни талаб этади. Жумладан, гумонланувчига нисбатан жиноят иши юзасидан ҳали аниқ ва асосли исботлар йўқ бўлғанлиги учун уни фақат гумонланувчи сифатида сўроқ қилинади. Айбланувчи шахс эса терговчининг унга нисбатан тўплланган далиллари асосида айбланувчи деб ҳисобланган ҳолда сўроқ қилинади ва тактик услублар мана шу ҳолатларга асосан қўлланилади.

Гувоҳ билан жабрланувчининг процессуал ҳолати деярли бир хил, ҳуқуқ ва бурчлари ҳам ўхшаш. Лекин айрим ҳолатлар мавжудки, гувоҳ билан жабрланувчи орасида баъзи бир фарқ ҳам бордир. Жумладан, жабрланувчи жиноят оқибатидан бевосита моддий, маънавий ва жисмоний зарар қўради, шунинг учун тергов натижасидан бир мунча манфаатдор бўлиши мумкин.

Сўроқ жараёнда жабрланувчи кўрсатма беришда воқеани тўғри ва

объектив ёритишида унинг шахсий адовати ва психологияси яъни руҳий ҳолати таъсир этиши мумкин.

Гувоҳда эса бу хусусиятлар бўлмаганлиги учун, у ҳолис маълумот берувчи сифатида кўрсатма беради.

Юқорида кўрсатилган сўроқ қилинувчи шахсларнинг кўрсатувларини ташкил топиши мураккаб жараёндир, чунки уни юзага келишида ҳис этиб билиш ва мантиқли фикрлашнинг турли шакллари иштирок этади. Шу сабабли сўроқ қилишда шахснинг руҳий ҳолатини, психологик хусусиятларини назарда тутган ҳолда тактика услубларини қўллаб жиноят ишига тегишли маълумотларни олиш мумкин.

Кўрсатувни қандай ҳосил бўлишини, унинг психологик асосларини билиш терговчига тактик услубларни тўғри қўллашта ёрдам беради. Гумонланувчи ва айбор, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг жиноят судлов ишида тутган турли процессуал ҳолати ҳамда тергов қилинаётган шахснинг жиноятдаги ролига қараб уларни сўроқ қилиш психологиясида мавжуд фарқ бор. Аммо улар кўрсатувларининг ташкил топишида ўзига хос бўлган айрим умумий психологик қонуният ҳам мавжуд. Тергов қилинаётган жиноят ҳолатларини қабул қилиш хотирада сақлаб қолиш ва гапириб бериш процессига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив факторлар гувоҳ ва айбланувчига бир хилда таъсир этиши мумкин. Жиноятчи ўзини ва шу билан бирга иштирокчиларнинг воқеа содир бўлган жойда бўлган шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ ҳолда конкрет ҳолатларни умумий психологик қонуният асосида идрок қиласди ва эсда сақлаб қолади.

Ҳодисанинг бир зумда бўлиб ўтиши, эшитиш ва кўришнинг ноқу́лайлиги ва камчилиги, хотиранинг ўзига хослиги ва шунга ўхшаш объектив ва субъектив факторлар жиноят ҳолатини ким идрок қилишидан (гувоҳми ёки айбланувчими) қатъи назар, ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун гувоҳ ва жабрланувчигина эмас, балки гумондор ва айбланувчини сўроқ қилишда ҳам кўрсатувнинг ташкил топишидан умумий психологик қонуниятини эътиборга олмоқ лозим. Инсонда ҳодиса ёки воқеани идрок қилиш вақтидан то судда шу тўғрида гувоҳлик бергунга қадар бўладиган психик ўзгаришларни З босқичга бўлиш қабул қилинган. Бунга асос қилиб руҳий процессларнинг барқарор бўлиши, вақт бўйича фарқ қилиши, мазмuni, кечиш жадаллиги олинган. Булар кўрсатувнинг ташкил топиш босқичлари дейилади.

Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

- а)идрок қилиш
- б) эсда сақлаб қолиш
- в)тиклад, яъни сўроқ қилиш вақтида сўзлаб бериш босқичлари.

Хар қайси конкрет күрсатувни ташкил топиши учун юқоридаги босқичларнинг бўлиши шарт эмас, қатор ҳолатларда уларнинг айримлари тегишли объектив ва субъектив шароитларга кўра юзага келмаслиги мумкин. Кўрсатувнинг ташкил топиш процесси қандай турга бўлинмасин юқорида умумий эътироф этилган З босқичдан воз кечиш мумкин эмас.

А. Воқеа ҳодиса ва предметларни идрок қилиш. Кўрсатувнинг ташкил топиши сўроқ қилинувчининг фактни идрок қилишдан бошланса, криминалистикада эса сўроқ қилинувчи ўзи идрок қилган воқеа ва факт жиноий ҳуқуқий характерга эга эканлигини тушуниб етгандан сўнг бошланади. Психологик кўрсатув ташкил төпиш вақтига кўра криминалистик кўрсатувдан олдин юзага келади, яъни гувоҳ дастлаб воқеани идрок қилади, сўнгра эса унинг навбатдаги тергов учун аҳамиятли эканлигини тушуниб етади.

Ташқи оламни идрок қилишнинг оддий формаси ҳис этишдан бошланади. Ҳис этиш бу реал оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг сезги органларига бевосита таъсири натижасида юзага келган айрим сифат ва хусусиятининг оддий психик акс этишидир.

Ҳис этиш объектив борлиқнинг бизнинг сезги органларимизга таъсири натижаси бўлиб, у бошланғич психологик билиш процесси ҳисобланади.

Ташқи моддий олам предметларининг бизнинг сезги органларимизга таъсири этиши ҳис этиш, кўриш, эшитиш, тери орқали сезиш, ушлаб кўриш ёрдамида юз беради. Ҳис этиш орқали биз предметларнинг ранги, ҳиди, таъми, силлиқлиги, дагаллиги ва шу каби хусусиятларни билиб оламиз.

Сўроқ қилинувчиларнинг кўрсатувидаги маълумотлар уларнинг онгига қайта ишланганлиги сабабли кўрсатувнинг ҳажми ва сифати объектив ва субъектив факторлар билан белгиланади.

Предмет ва ҳодисаларни етарлича тўла ва аниқ идрок қилишга зеҳннинг нормал шароити-кузатилувчи объектгача бўлган масофа, идрок қилиш учун етарли бўлган вақт, қулай об-ҳаво шароити, ўртacha ёритилганлик, кучли шовқиннинг йўқлиги, маълумотларнинг ортиқча кўп бўлмаслиги каби объектив факторлар таъсири қиласи.

Идрок қилишга бирмунча тўсқинлик қилувчи объектив омиллар ҳам бўлади, улардан асосийлари:

кузатилаётган воқеанинг қисқа муддатлилиги (қисқа вақт ичida сезги органлари кузатилаётган ҳодисанинг барча хусусиятларини идрок қила олмайди, масалан, киши кўзи билан қўрганларни идрок

қиласы, лескин әшитиб идрок қилишга улгурмайды.
кузатишиңдаги нокулай об-хаво шароити;
кузатишиң пайтида ёритилғанликнинг етарли бўлмаслиги;
идрок қилишнинг бир хил вазиятдалиги;
кузатилаётган объектнинг узоқлиги;
кузатилувчи ёки таъсир этувчи омилнинг жуда кўплиги ёки жуда
камлиги;
кузатилаётган ҳодиса ёки воқеага қизиқиш билан қараш, шовқин-
нинг кучлилиги;
сезги органларининг нормал ҳолати, чарчоқ ва ҳаяжоннинг йўқлиги;
профессионал малака;
бўлиб ўтган воқеани фикран тушуниш каби субъектив омиллар
воқеани тўла ва аниқ идрок қилишга имкон беради;
идрок қилишга тўсқинлик қилувчи субъектив омилларга;
қабул қилишнинг танланиши;
сезги органларининг хусусиятлари;
ҳорғинлик ёки мастилик, кузатилган воқеа ва ҳодисаларни билмас-
лик, тушунмаслик;
кучли ҳаяжонланиш, ғамгинлик;
руҳий эзилғанлик ҳолати;
ҳодисага эътиборсизлик, ўзига нисбатан бўлган муносабатга ло-
қайдлик билан қараш;
кузатилаётган ҳодисанинг мураккаблиги каби ҳолатлар киради.

Б. Идрок қилинган предмет воқеа ва ҳодисаларнинг эслаб қолиши.
Ҳар қандай кўрсатув ҳам, одатда, кейин юзага келади. Идрок қилин-
ган воқеа ҳодисани сўроқ вақтида хотирада тиклашгача баъзан маълум
вақт ўтади. Идрок қилинган маълумотни лозим пайтда хотирада тик-
лаш учун уни ёдда сақлаб қолиш зарур. Киши идрок қилган барча
маълумотлар ўзаро алоқада бўлиб, вақтинча мияда сақланади. Хотира-
бу маълумотларни кейинги даврда узатиш, олдин нима идрок қилин-
ган бўлса ўша идрок қилинган маълумотларни хотирада мустахкам-
лаш, сақлаб қолиш ва уни тиклашда ифодаланувчи ақлий фаолиятдир.
Хотирада сақлаб қолишнинг тўлалиги хотира типига, унинг машқлан-
тирилғанлигига, сақлаб қолиш усуллари ва ҳодиса юз бергандан то
уни тиклашгача ўтган вақтга боғлиқдир.

Хотира ўз навбатида аниқ тасвири, оғзаки, мантиқий туйғу, ҳаяжон-
ли, ҳаракатдаги хотирага бўлинади. Ҳаракатдаги хотира ёрдамида жис-
моний ҳаракат ҳолатлари ва ҳаракат билан бөглиқ бўлган барча ўзга-
ришлар, туйғу, ҳаяжонли, хотирада кўргазмали тасаввурлар, пред-

метларнинг ташқи образлари; оғзаки айтилган ёки ўқиб берилган нутқ яхши сақланиб қолади.

В. Идрок қилингандарни кўрсатувда қайта тиклаш. Кўрган воқеа ҳодисаларни эслаб қолиш уларни қайта тиклаш билан чамбарчас боғлиқдир. Қайта тиклаш -бу инсон хотирасида нима сақланган бўлса, ўшани оғзаки ёки ёзма баён қилишдир. Маълумотларнинг соғлиги фақат қабул қилиш ва эслаб қолишнинг сифатигина эмас, балки шу билан бирга сўроқ қилинувчининг психик ҳолати, маълумоти, фаросати, характеристи, унинг тасаввур этиш қобилиятига, таъсиrlаниш даражасига, шарт-шароитларига ва тергов тактикасига боғлиқдир.

Сўроқ қилиш тактикаси учун олдин идрок қилингандарни маълумотларни қайта тиклашнинг психологик қонуниятлари катта рол ўйнайди. Қайта тиклаш бевосита ва бавосита, ихтиёрий ва ихтиёrsиз бўлиши мумкин. У икки формада амалга ошади: билиб олиш орқали, яъни объектични қайтадан қўриш орқали тиклаш ҳамда эслаш орқали яъни объектични йўқлик пайтида, хотирада қайта тиклаш.

Идрок қилишдан сўнг кўп ўтмай бевосита қайта тиклаш, одатда, кейинга қолдирилган тиклашга нисбатан анча тўлиқ ва аниқ бўлади. Шунинг учун у ёки бу воқеага нисбатан сўроқни кейинга қолдириш мақсадга мувофиқ эмасдир.

Қайта тиклаш босқичида кўрсатувнинг ташкил топишига қатор объектив ва субъектив омиллар таъсиrlанишади:

а) қайта тиклаш пайтида сўроқ қилинувчининг ҳиссий ҳолати (ҳаяжонланган ёки хотиржам, ҳафа ёки хурсандлиги ва ҳ.к.);

б) гумондор ва айбланувчиларда тез-тез учраб турувчи «ўз фикрини ҳимоя қилиш» га уриниш ҳаракати;

в) гумон қилинувчининг темпераменти ва характеристи;

г) кишиларнинг таъсиrlанишга мойиллиги (масалан, иродасиз кишиларда, болаларда таъсиrlаниш кучли бўлади);

д) хаёлпарастликка мойиллик, хаёлпарастлик элементи айрим ҳолларда сўроқ қилинувчи ўзи кўрган воқеа ва ҳодисаларни тўла идрок қилмагани ҳолда уни ўз кўрсатувнинг кўргандек қилиб атрофлича баён қилишга ҳаракат қилади;

е) сўроқ қилинувчининг ўз фикрини тузиш қобилияти; агар сўроқ қилинувчи ўзидағи айрим камчилик ёки бошқа сабабалар туфайли ўз фикрини аниқ ифодалай олмаса терговчи аниқловчи саволлар билан унга кўрсатувни тўғри ифодалашга ёрдам беради (сўроқ қилинувчидан терговни қизиқтирувчи воқеа тўгрисида батафсил ва изчил гапириб беришни ёки фақат айрим эпизодини эслашни илтимос қилади).

Терговчининг кўрсатувини қабул қилишда айрим хатоликка йўл қўйинши мумкин. Бу хато сўроқ қилувчининг тегишлича профессионал тайёргарлик кўрмагани натижасидадир. Шундай қилиб, кўрсатувнинг сифати сўроқ предметига, қабул қилишнинг ташки шароитига, хотирада сақлаб қолишга, қайта тиклашга ҳамда сўроқ қилинувчи ва сўроқ қилувчининг шахсий субъектив сифатларига боғлиқдир.

2-§ Сўроққа тайёргарлик кўриш

Жиноят билан боғлиқ ҳолатларни билиб олиш, аниқлаш маълум тайёргарлик кўришни, унга жиддий тайёрланишни, унинг ўзига хос хусусиятларини, айланувчининг шахсини пухта ўрганишни талаб этади. Айланувчининг шахсини ўрганишда унинг маънавий томони, турмушдаги ўрни, юриш-туришига доир томонлар батафсил ўрганилиши керак.

Сўроқ, одатда, терговчининг кабинети ёки маҳсус ажратилган хонада олиб борилиши керак. Сўроқ қилиш хонаси шундай бўлиши керак, яъни сўроқ қилинувчи ўзини ниҳоятда эркин сезиши, унинг психикасига мосланган бўлиши, сўроқ қилинаётган хонада кишининг эътиборини чалғитадиган кераксиз нарсалар, жиҳозлантиришлар бўлмаслиги, ҳаттоқи ташки дунё билан алоқа узилган бўлиши зарур.

Айланувчини сўроқ қилишдан олдин терговчининг бутун ҳаракати, эътибори фақат шу масалага қаратилиши, мазкур тайёргарликда терговчи сертакаллуф бўлиши билан ўзини давлат вакили сифатида кўрсата олиши лозим. Гумонланувчи ва айланувчини сўроқ қилишдан аввал унга нисбатан қандай далиллар мавжуд, сўроқ жараённида улар ёлғон кўрсатма берадиган бўлса уни фош этиш учун қўлланадиган фактлар-хужжатлар пухта текширилган бўлиши лозим.

Сўроқ жараённида сўроқ қилинувчи шахсга унинг кўрсатмасини текшириш, айрим қисмларини тўлдириш ва аниқлаш учун қўйиладиган саволлар олдиндан, тахминан бўлсада тайёрланиб қўйилиши лозим.

Сўроқ қилинувчи айбдор гувоҳларнинг ҳам қайсилари биринчи, қайси бирлари кейинги навбатда сўроқ қилиниши лозимлигини ҳам терговчи жиноят иши материали билан танишиб, текшириб белгиланиши мумкин.

Жиноий ҳаракатнинг қайси бир ҳолатлари ким томонидан тўлароқ ёритилишигига қараб сўроқ қилинувчилар шу тартибда олдинма-кетинлиги белгиланиши мумкин.

Сўроқ ўтказиш вақти ва жойи ҳам терговчининг ўз тажрибаси ва ишининг алоҳида ҳолатларига қараб белгиланиши мумкин. Сўроқ қили-

нүвчининг шахсига қараб, унинг саломатлиги, сўроққа кела олиши ва бошқа шу каби имконларига қараб терговчи ўзи ҳал қилиши мумкин.

Сўроққа тайёргарлик қўриш қўйидаги ишлардан иборат:

а) жиноят ишини ўқиб ўрганиб чиқиш;
б) гувоҳнинг айбланувчига, жабрланувчига ва иш бўйича айrim фактларга нисбатан бўлган муносабатини аниқлаш;

в) сўроқ режасини, сўроқ вақтида бериладиган саволларни тузиш;
г) сўроқ вақтида керак бўлиб қоладиган материалларни, ҳужжатларни тайёрлаш;

д) сўроқ қилиш вақтини ва жойини белгилаш;

Жиноят иши билан танишиш жараёнида қайси гувоҳдан қандай фактларни аниқлаш, улар қай даражада воқеани ёритиб бера олиши ва ҳ. к масалалар ҳал қилинади.

Иш бўйича гувоҳларнинг сони кўп бўлса уларнинг ҳар бири шахси аниқданиб, ишнинг эпизодларига асосан қайси бири биринчи навбатда, қайси бирлари кейинги навбатда сўроқ қилиниши мўлжалланади. Шу билан бирга уларнинг айбланувчига нисбатан бўлган муносабати ҳам аниқланиши лозим. Гувоҳларнинг ўзаро муносабати ва жабрланувчига нисбатан алоқаси ҳам сўроқ учун аҳамиятга эгадир. Шунинг учун уларнинг шахсини, турмушини, хизматини аниқлаш билан бир қаторда иш бўйича ҳам ўзаро муносабатини аниқлаш даркор.

Кўргазма олиш вақтида ҳар бир гувоҳ ўзига хос бўлган психологик ҳолатларни намоён қила бошлайди; уларга турлича усусларни қўллаш тўғри келади. Баъзиларга савол бериш билан бўлса, баъзиларга оддий суҳбат билан воқеани эслашга ёрдам бериш мумкин. Демак, гувоҳ ва жабрланувчининг ишга ва айбланувчига нисбатан бўлган муносабати асосида қатор саволларни олдиндан мўлжаллаб қўйиш мумкин.

Сўроқ вақтида бериладиган саволларни кўргазма олиш процессида ўзгартириш ва борларини тўлдириш, янги саволларни киритиш мумкин.

Агар гувоҳнинг кўргазмасидаги айrim омилларнинг тўғрилигига шубҳа туғилса унга текширувчи ёки ёлғонни ташлашга ёрдам берувчи саволларни бериш мумкин. Шундай саволлар ҳам олдиндан мўлжаллаб қўйилиши керак.

Сўроқ вақтида қўлланилиши мумкин бўлган ҳужжатлар, айrim фактлар, жиноят ишининг турли бетларида жойлашган бўлади, уларни сўроқ вақтида излаб ўтирмаслик учун олдиндан мўлжаллаб, ишнинг шу бетларига белгилар жойлаштириб қўйиш лозим.

Сўроқ ўтказиш вақти билан жойни белгилаш, сўроқ натижалари турлича бўлишига сабаб бўлади.

Жабрланувчиларни, гувоҳларни алоҳида хонада сўроқ қилиш, тинч ва хотиржамлик шароитини туғдириши лозим. Сўроқ вақти ҳам аввалдан белгиланиши лозим, гувоҳларнинг олдинма-кетинлиги, навбати белгиланади. Агар айбланувчи иш бўйича айрим фактларни тасдиқловчи гувоҳни чақиришни илтимос қиласа, гувоҳни кўп кечиктирмай чақириш лозим. Чунки айбланувчининг яқин кишилари ёки ўзи гувоҳ билан алоқа боғлаши мумкин, ўзига керак бўлган нарсаларни айтишини уқтириб қўйиши мумкин.

Сўроқка чақирилган гувоҳлар алоҳида хонада бўлиши, кўрсатма олиш учун битта-битта чақириш ва унинг кўргазмасини бошқа гувоҳлар эшитмаслиги лозим. Бунинг учун сўроқ ўтказишдан аввал керакли шароитни яратиш ва ўйлаб чиқиш даркор.

3-§ Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби

Сўроқ ўтказишнинг умумий тартиби ва тактикавий усуллари Ўзбекистон Республикаси ЖПК кўрсатилган бўлиб, унинг талабларини тўлиқ бажариш барча тергов органлари ходимлари учун мажбурийдир.

Сўроқ ўтказишнинг умумий процессидаги тартиби уч босқичдан иборатдир:

- а) сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш;
- б) сўроқ қилинувчини кўрсатмасини эшитиш;
- в) савол-жавоб ўтказиш;

Сўроқ бошлашдан аввал терговчи гувоҳнинг паспорти ёки бошқа шахсий ҳужжатини текшириши, сўнгра сўроқ баённомаси бланкасида кўрсатилган таржимаи ҳолга оид маълумотларни сўраб билиши ва айбланувчи билан қандай алоқада эканлигини аниқлаши лозим.

Айбланувчи ва жабрланувчига нисбатан бўлган алоқасидан гувоҳнинг иш оқибатидан моддий ёки маънавий манфаатдорлигини билиб олиш мумкин. Шунинг учун бу масалага жиддий қарааш даркор.

Сўроқнинг бу биринчи қисмида гувоҳ ва жабрланувчилар қасдан ёлғон кўрсатма берса, ёки кўрсатма беришдан бош тортса у ЎзР ЖК нинг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилишини айтиш керак.

Жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришнинг ўзи кифоя бўлмай, балки гувоҳнинг тўғри ва тўла кўрсатмаси иш учун қанча аҳамиятга эга бўлишилигини тушунтириш ва унинг бу масалага тушуниб етганлиги ҳақида сўроқ баённомасига имзосини қўйдириши лозим.

Такрорий сўроқ ўтказишда ҳам гувоҳ нотўғри жавоби учун жинонг иккинчи қисми гувоҳга мазкур жиноят иши бўйича нималар маълум, қандай фактларни кўрган, эшитганлиги гапириб беришни таклиф қилишдан бошланади.

Гувоҳнинг сўзини бўлмай, уни шошилтиромай, сабр-тоқат билан эшитиш лозим, чунки у терговчи кутмаган янги фактларни ёки иш бўйича аҳамиятли бўлган ҳолатларни очиб бериши мумкин.

Гувоҳ сўзи ҳаддан-ташқари чўзиб ишга керакли бўлган фактлардан «узоқда» бўлса уни воқеа фактларга “яқинроқ” келишига ва асосий ишга тегишли бўлган нарсаларни сўзлаб беришга чақириш мумкин. Гувоҳ сўзини тугатгандан сўнг, у қолдириб кетган фактлар юзасидан савол бериши мумкин. Айрим фактлар юзасидан текширувчи саволлар ҳам бериш мумкин. Гувоҳ ва жабрланувчига бериладиган саволлар аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Шу билан бирга саволлар қисқа бўлиб, тўла жавоб олишга имкон тугдириши керак, баъзида саволнинг ўзида жавоб маъноси ҳосил бўлиб сўроқ қилинувчи фақат “ҳа” ёки “йўқ” деган жавобни беради. Бу ҳол сўроқ усулига хилоф бўлиб тўла ва объектив кўрсатма олишга тўсқинлик қиласи.

Баъзи хотираси заиф гувоҳларга эслатувчи саволлар берилиши мумкин. Жиноят ҳодисасида яқин бўлган, аммо ишга алоқаси бўлмаган фактлар ёрдамида унугилган воқеани эслашга ёрдам беради. Савол кўйиш вақтида гувоҳда ишда бор бўлган ҳужжатларни воқеа жойи режасининг схемаси ёки далилий ашёни кўрсатиш мумкин. Бу билан иккита масала ҳал қилинади, биринчидан гувоҳни унуглан воқеаларни эслашга ёрдам берса, иккинчидан қасддан терговни чалғитиш учун нотўғри кўрсатма берувчи гувоҳларни эса сирини фош этишга курол бўлади. Шу мақсадларда гувоҳни воқеа содир бўлган жойда сўроқ қилиш мақсадга мувофиқдир. У ерда кўрсатма олиш билан бирга гувоҳга айрим фактларни “далилий ашёни”, изни ва ҳ.к. жойни, вақти аниқланади, кўрсатмага асосан жойнинг режа-схемаси тузилади, илгари чизилган режа-схемалар бўлса, улар тўлдирилади ва аниқланади.

Сўроқ вақтида гувоҳнинг психологик ҳолатини кузатиб бориш лозим. Унинг қўйилган саволига нисбатан авзоини ўзгариши иш учун далил бўла олмайди, лекин терговчига тўғри тактик усул қўллашга ёрдам беради.

Гувоҳнинг бераётган кўрсатмасини диққат билан эшитиб бориш лозим, лекин унинг баъзи сўзини маъқуллаш ёки ҳақиқатдан йироқ бўлган фактларга нисбатан нотўғри эканлигини англатувчи сўз қўшиб туриш нотўғридир.

Сўроқ мақсадга мувофиқ ўтиши учун терговчи фақат гувоҳ ҳикоя қилиб берган воқеани қогозга олиш билан кифояланмай, балки фаол бўлиши керак. Гувоҳнинг кўрсатмаси қайси қисми тўла ва объектив, қайси эпизодлари чала ва юзаки ифодаланганини сезиб бориши ва улар юзасидан тўлдирувчи ва аниқловчи саволларни ишлата олиши лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби ва тактик усулларини юқорида кўрсатилган гувоҳларга нисбатан қўлланадиган қоидалар ва методларга ўхшашибдир. Шу билан бирга жиноят иши бўйича жабрланувчининг процессуал ҳолатидан келиб чиқадиган психологик омиллар ҳам унтутилмаслиги керак. Улар кўрсатма олиш вақтида маълум аҳамиятга эга бўлиб ҳар сафар назарда тутилиши лозим: жумладан, жиноий воқеа жабрланувчига нисбатан кўпинча моддий ва маънавий ёки бошқа зарар етказади. Шунинг учун у иш бўйича оз бўлса ҳам манфаатдор бўлади. Баъзи фактларни ошириб кўпайтириб ифодалаш мумкин. Шунингдек, жиноят ҳаракати жабрланувчининг ҳаётига, соглиғига қарши қаратилган бўлиши туфайли унга шикаст етади, қўркув ва эмоционал ҳолати таъсир этиши, сўроқ вақтида воқеани тўғри ёрита олмаслигига сабаб бўлади, чунки у қаттиқ қўрқиши, ҳаяжонланиши ёки шикастланиши натижасида воқеани тўғри қабул қилмайди ёки бир мунча ошириб ёритади.

Жиноят ишининг баъзи турлари бўйича жабрланувчилар асосан хотин-қизлардир. Савол-жавоб қилишда уларнинг шаънига қаттиқ тегмайдиган, очиқ сўзлашга имкон берадиган шароит туддириши лозим. Агар жабрланувчи хотин-қизлар бўлиб, улар уялиш орқасида баъзи фактларни гапириб беришдан бош тортса, у ҳолда сўроқни аёл кишига топшириш лозим.

Жабрланувчи кўпгина жиноят ишлари бўйича беихтиёр “иштирокчи” шохид бўлиб қолади. У жиноят ҳаракатини ўз кўзи билан кўриб ўз қулоғи билан эшитиб қолади. Шунинг учун жабрланувчи гувоҳга нисбатан кўпроқ нарсани билади ва тўлароқ маълумот беради. Кўрсатилган омиллар жабрланувчиларни сўроқ қилиш процессида уларни ҳар қайсисини психологик ҳолатига қараб юқорида тавсия этилган тактик усулларни тегишли жойда қўллашга даъват этади.

Гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатмалари ҳар вақт ишнинг бошқа ҳолатлари билан текширилиши лозим.

4-§ Гумонланувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш тактикаси

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 109-111-моддаларида тартибга солинган бўлиб, сўроқ ўтказишнинг умумий қоидалари кўрсатиб ўтилган.

Гумонланувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишдан олдин унинг шахсига тегишли маълумотлар, қайси тилда кўрсатма бера олишилиги аниқланади, сўнг сўроқ қилинувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Айбланувчи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида асосий процессуал шахс ҳисобланади ва уни сўроқ қилишдан мақсад ҳаққоний ва тўла маълумот олишидир.

Айбланувчи ва гумонланувчи шахсларни сўроқ қилишда уларни кўрсатув беришга мажбурлаш, қўрқитиш, зўрлик ишлатиш, алдаш ва шу каби қонунга хилоф бўлган ҳаракатларни қўллаш тақиқланади.

Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида гумонланувчи ва айбланувчининг процессуал ҳолатлари ҳар хил бўлиши билан бирга уларни сўроқ қилишда қўлланадиган тактик усуллари деярли бир хилдир. Фарқлари шундаки, гумонланувчига нисбатан терговчидаги сўроқ даврида ҳали етарли даражада далил бўлмагани учун уни фақат жиноятда гумонлайди, айбланувчига нисбатан эса етарли далил тўпландигани учун унга айбни эълон қилиб, сўнг айблашга асос бўлган ҳолатлар юзасидан сўроқ қилинади.

Айбланувчиларни кўрсатмаси асосан икки муҳим вазифани бажаради:

1) иш бўйича айбланувчининг кўрсатмаси далилий манба ҳисобланади. Ундаги маълумотлар ишнинг айрим ҳолатларини тўла очишга ёрдам беради.

Жиноят воқеасини жабрланувчига ва гувоҳга нисбатан айбланувчи яхшироқ билади ва кўп вақтга эслаб қолади. Айрим факт ва ҳолатлар эса фақат айбланувчига маълумдир.

Шунинг учун айбланувчидан мумкин қадар тўла ва тўғри кўрсатма олишга ҳаракат қилиш керак.

2) Айбланувчининг кўрсатмаси дастлабки терговда унинг ҳимоя воситасидир. Терговчи айбланувчига тўла ҳар томонлама тўғри кўрсатма беришга, ўзини ҳимоя қилишга ҳамма далилларни, фактларни келтиришга имкон тугдериши керак. Бу билан бирга терговчи ишга керак бўлган муҳим фактларни, ҳолатларни аниқлайди ва айбланувчининг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қиласди.

Айбланувчилар сўроқ вақтида бўйинларига қўйилган айбномага нисбатан турлича муносабатда бўладилар:

1) айбланувчи эълон қилган айбларга тўла ёки қисман иқрор бўлади ва тўғри ва тўла кўрсатма беради.

2) айбланувчи айбига иқрор бўлмайди ва тўғри чин кўрсатма беради, чунки у ҳақиқатда ҳам жиноятни содир қилмаган.

3) айбланувчи айбига иқрор бўлади “тўла ёки қисман” ва ёлғон “нотўғри” кўргазма беради. Бунинг сабаби турлича бўлиши мумкин; сўроқ қилинувчи шеригининг айбини бўйнига олиб унинг ишини осонлантириш ёки терговга маълум бўлмаган хавфлироқ, “оғирроқ” ҳолатларни яшириш ёхуд ўзини мақташ, қаҳрамон қилиб кўрсатиш мақсадини кўзлайди.

4) айбланувчи айбига иқрор бўлмайди ва жиноий жавобгарликдан қутилиш мақсадида ёлғон кўрсатма беради.

Терговчи сўроқ ўтказиш вақтида юқорида кўрсатилган тўрт ҳолатларнинг қайси бири билан тўқнаш келганини била олмайди. Шунинг учун айбланувчиларни сўроқ қилиш пайтида икки муҳим қоидани назарда тутиш лозим: биринчидан, айбланувчининг айбига иқрор бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар унинг кўрсатмасини текшириш зарур ва иккинчидан, терговда айбини бўйнига олмаган айбланувчиларни кўрсатмаси “албатта ёлғон бўлади” деган хулоса ҳосил бўлмаслиги керак.

Жиноятчиларга кўпинча айбини қисман бўйнига олиш ёки мутлақо иқрор бўлмасдан жиноий жавобгарликдан қутилишга ҳаракат қилиш хосдир. Терговчининг вазифаси ҳар бир айбланувчининг психолигик хусусиятига мос ҳолда тактик усусларни қўллаб тўғри ва тўла кўрсатма олишдир.

Айбланувчини сўроқ қилишдан аввал жиноят ишини яна бир бор кўриб чиқиб, керакли жойдан алоҳида ёзма изоҳлар олиш лозим, чунки сўроқ вақтида улар зарур бўлиб қолиши мумкин.

Айбланувчига қўйиладиган саволларни тузишда эса айбланувчининг жавобини ва унинг турли вариантларини тахминан бўлса ҳам назарда тутиш лозим.

Сўроқ ўтказиш айбланувчига айб эълон қилиш тўғрисидаги қарори билан танишгандан сўнг ўтказилади.

Жиноят ишининг хусусиятига ва аломатларига қараб айбни эълон қилиш тўғрисидаги қарорида айбланувчига умумий юридик асосларини келтириш кифоя, зарур бўлса далил манбайнини ҳам кўрсатиш мумкин, лекин айрим фактларни, далилий ашёларни очишга шошилмаслик керак.

Сўроқ яхши натижалар бериши, унинг муваффақиятли ўтиши учун

тайёргарлик күриш вақтида терговчи айбланувчининг шахсини ўрганиши ва аниқлаши лозим.

Айбланувчининг шахсини белгиловчи хусусиятлар: унинг хизмат соҳаси, турмуши, атрофидаги таниш-билишлари билан алоқаси ва бошқа терговга керак бўлган маълумотлардир. Уларни тезкор ҳаракатлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш йўли билан аниқлаш мумкиндир. Бу маълумотлар сўроқ вақтида айбланувчининг ёлғон қўрсатмасини очиб ташлашга ёрдам беради. Сўроқни тақорорий ўтказишида ҳам баъзида тайёргарлик кўришга тўғри келади. Биринчи сўроқдан олинган қўрсатмани кўриб чиқиб қандай камчиликларга йўл қўйилган, қандай факт ва ҳолатлар аниқланмай қолган, қандай саволлар қўйиш мумкин ва ҳ. к.

Жиноятни ихтиёrsизлик билан содир қилган айбланувчиларни сўроқ қилиш, уларнинг қўрсатмаларини ташкил топиши, яъни психологик асослари гувоҳларни сўроқ қилиш усулига ўхшашидир. Бундай айбланувчилар сўроқ вақтида баъзи ҳолатларни хотирасидан кўтарилганлигини айтса ёки бошқа сабабаларига кўра воқеани тўла сўзлаб бера олмаса унга гувоҳларга қўлланадиган тактик усувларни ишлатиш лозим.

Лекин жиноятни қасдан содир қилган айбланувчилар воқеани тўлатекис қабул қиласидилар ва яхши эслаб қоласидилар. Улар жиноят ҳодисасидан қанчалик манфаатдор бўлсалар, унинг очилмаслигига шунчалик ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун бу хилдаги айбланувчиларга қўлланадиган тактик усувлар бир мунча бошқачадир.

Қонунга биноан айбланувчининг қўрсатмаси ихтиёрийдир. У қўрсатма беришдан бош тортиши ва ёлғон сўзлаши учун жиноят жавобгарликка тортилмайди. Айбланувчини қўрқитиши, алдаш, зўрлик ишлатиш ёлғон ваъдалар бериш йўли билан қўрсатма олиш ғайри қонунийдир.

Айбланувчиларни сўроқ қилиш гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби сингари 3 қисмдан иборат:

- 1) сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш;
- 2)унинг қўрсатмасини, “тушунчасини” эшитиш;
- 3)савол-жавоб ўтказиш;

Айбланувчининг шахсини аниқлаш турли ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Агар айбланувчи очиқда бўлса унинг ҳужжатлари текширилиб шахсига тегишли маълумотлар юзасидан сўроқ қилиниб ҳужжатлардаги маълумотларга солиштириш зарур. Айбланувчи қамоқда бўлса унинг шахсий ҳужжатлари жиноят ишида бўлади ва терговчига уларни олдиндан текшириб чиқишига имкон беради.

Анкета маълумотлари аниқлангандан сўнг терговчи айбланувчини айни эълон қилиш қарори билан таниширади ва зарур бўлса айби-

нинг моҳиятини тушунтиради. Шунингдек, қонунга биноан айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини ҳам тушунтиради.

Сўроқнинг иккинчи қисми айбланувчининг сўзини эшитишdir.

Сўроқнинг бу қисмida қуидаги тактик қоидалар назарда тутилиши даркор.

1) айбланувчининг қандай бўлмасин содир қилинган жиноятга икрор бўлишига мажбур қилмаслик, акс ҳолда у судда айтган сўзидан бош тортади ва дастлабки терговда уни мажбур қилганликларини айтади. Натижада иш қайта терговга юборилади.

2) айбланувчининг сўзини саволлар билан ёки луқма ташлаш билан бўлмаслик ва унинг кўрсатмасини охиригача тинглаш. Гарчи айбланувчи ёлғон тушунча бераётганлиги сезилса ҳам, унга сўзини охиригача етказишга имкон бериш керак.

Аммо айбланувчи атайлаб жиноят ишига алоқаси бўлмаган нарсалар юзасидан сўзласа, терговчи уни ишга тегишли бўлган фактлар юзасидан сўзлашга чақириши мумкин.

3) жиноят иши мураккаб, бир неча эпизоддан иборат бўлса, сўроқ хар бир эпизод юзасидан алоҳида олиб борилиши лозим. Бу эпизод ёритилгандан сўнг айбланувчига савол бериб жавобини эшитиб, сўнгра иккинчи эпизод юзасидан саволга ўтиш лозим.

Сўроқнинг учинчи қисми айбланувчига савол берниг жавобини олиш. Бу энг мураккаб ва жиддий масалалардир. Бу масала терговчидан маҳоратини, илфор тажрибани ва бошқа ижобий хусусиятларни амалга оширилишини талаб қиласди. Айбланувчиларга бериладиган саволлар уч турда бўлиши мумкин: тўлдирувчи, текширувчи ва аниқловчи. Улар қуидаги масалаларни ҳал қилишга имкон беради:

а) жиноят ишига алоқаси бўлган фактлар юзасидан тўла ва ҳар томонлама маълумот олиш. Айбланувчи сўзини ҳимоя қилиш учун қандай асослар келтирган ва уларни тўғрилигини текшириш.

б) тергов даврида маълум бўлмаган янги маълумотлар олиш.

в) айбланувчининг берган кўрсатмасини айрим ноаниқ бўлган жойларини ёритиш;

г) айбланувчи кўрсатмасини текширишга зарур бўлган айрим ҳолатларни аниқлаш;

д) айбланувчининг берган кўрсатмаси ишнинг асосий ҳолатларига қарама-қарши бўлса, уни ёлғон кўрсатма берганлигини фош этиш.

Нотўғри кўрсатма бериб ўз қилмишини яширмоқчи бўлган айбланувчининг сирини фош этиш учун унинг кўрсатмасидаги қарама-қаршиликни кўрсатма юзасидан ўтказилган текширув материалларини ва ишдаги далилларни ишлатиш мумкин.

Сўроқ вақтида ишлатиладиган далиллар текширилган ва аниқланган бўлиши лозим. Терговчи ўз ихтиёрида бор далилларнинг ҳаммасини айбланувчига кўрсатиши ёки билдириши зарур эмас. Терговчи ёлғон сўзлаган айбланувчининг кўрсатмаси ҳақиқатдан ёлғон эканлигини исботловчи омилларни ўз ўрнида келтириб уни “қуролсизлантириш”, яъни тўғри кўрсатма беришга мажбур қилиши лозим.

Баъзи жиноятчилар аввалдан тайёрланиб сўроқ вақтида гапирадиган ҳолатларини ўйлаб қўяди. Терговчи савол-жавоб қилиш қисмида унга кутилмаган саволни бериб иш бўйича аниқланган маълум фактни қандай тушунтиришилигини сўраса, айбланувчи дарҳол жавоб беришга қийналиб қолади ва ҳақиқатни сўзлашдан бошқа илож йўқлигини англайди. Баъзиде жиноят ишининг характеристига қараб, айбланувчининг психологик хусусиятини назарда тутиб, жиноят ҳодисаси қандай рўй берган, нималар топилган, жиноятнинг асосий ҳолатлари қай йўсинда юз берганлигини айбланувчига айтиб бериши мумкин.

Жиноятда гумон қилинган шахсни сўроқ қилиш тактикаси айбланувчини сўроқ қилиш тартиби ва тактикаси сингари олиб борилади. Шубҳаланувчи шахс ҳам айбланувчи сингари ёлғон кўрсатма бергалиги учун ёки кўрсатма беришдан бош тортганлиги учун жиноий жавоб гарликка тортилмайди.

Гумонланувчи ва айбланувчига сўроқ вақтида бериладиган саволлар маълум кетма-кетлик тартибида умумий ҳолатдан алоҳида масалаларга тегишли бўлган ҳолатларга оид бўлган маълумотни олишга қаратилган бўлиши лозим.

Саволлар олдиндан белгиланиб, жиноят ишининг айрим ҳолатларини ёритишига ёрдам берувчи бўлиши ва уларни тахминан бўлса ҳам режалаштириб қўйилиши, сўроқ жараёнида ўз вақтида ва ўз жойида ишлатилишига ёрдам беради.

Савол қўйилиши икки усулда бўлиши мумкин: биринчи усулда тергов учун муҳим бўлган ҳолатларни ёритувчи, иккинчисининг айрим ҳолатларига хусусий масалаларга тегишли бўлиб, уларни сўроқ қилинувчига тақдим этиш вақти, олдинма-кетинлиги тергов ишининг бориши ва ҳолатига боғлиқ бўлади.

Айбланувчининг ёлғон кўрсатмасини фош этиш учун ишлатиладиган далилларнинг миқдори ва қайси ҳолатларга тегишли эканлигини терговчи сир сақлаб, савол бериш вақтида айбланувчига тақдим этиб, “бу ҳолатни қандай тушунтирасиз” каби мурожат билан аниқлайди. Саволга жавоб бериш учун тайёр бўлмаган айбланувчи, терговчининг ихтиёрида яна қандай далиллар борлигини билмаган ҳолда, тўғри кўрсатма беришга мажбур бўлади.

Айбланувчи ва гумонланувчи шахсларни сўроқ қилиши усуллари терговчидан катта моҳирликни, мутахассислик санъатини талаб қиласди. Жумладан, терговчи сўроқ қилинувчиларнинг руҳий ҳолатини инобатга олган ҳолда олдинги саволларни қайтадан бошқа шаклда тақдим этиши, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатмаларидағи маълумотни билдириш ва шу каби тактик ва психологияк услубларни қўллаши мумкин.

Сўроқ қилишда қўлланадиган тактик услублар процессуал қонун чегарасидан чиқмаслиги лозим, шу билан бирга ҳаққоний ва объектив маълумот олиш учун терговчи айбланувчининг шахси ва психологиясига таъсир этиши, тўғри кўрсатма бериб айбига иқрор бўлса, унга нисбатан бирмунча енгиллаштирувчи чораларни қўллаши мумкинлигини ваъда қилиши мумкин.

Айбланувчи ва ишда гумонланган шахсларни сўроқ қилишда уларни қонуний ҳуқуқларини билмаслигидан фойдаланиш, айёрлик билан ёлғон ваъдалар бериб маълумот олиши ёки иш юзасидан ҳали текширилмаган далилларни қўллаб кўрсатма олишлик процессуал қонунни қўпол равишда бузмасада терговчи маданий, аҳлоқий ва мансабдор шахс сифатида ўзига птуртетказади.

Айбланувчи (гумонланувчи) ўзини тўла айбдор деб тан олган ҳолларда ҳам терговчи бу ҳолни текшириб, бошқа далиллар билан солишириб қаҷалик ҳақиқий эканлигини аниқлаши лозим. Тергов амалиётida сўроқ қилинувчилар ёлғондан айбини бўйнига олиб, бошқа хавфлироқ жиноятини яшириш мақсадида ёки “шеригини” яшириш, айбини беркитиш ва шу каби бошқа сабабларни кўзда тутади. Шунинг учун сўроқ вақтида олинган маълумот тергов ишининг тугалланганлигини билдиrmайди, аксинча у текширувнинг бошланиши демакдир. Олинган маълумотни иш юзасидан тўпланган далиллар билан солишириб уни ҳақиқатда жавоб беришлигини текшириб баҳоланиши лозим. Шу мақсадда олинган кўрсатмани воқеа содир бўлган жойга чиқиб текшириш, тергов экспериментини ўтказиш, турли экспертизалар тайинланиши ва тақрорий сўроқлар ўтказилиши мумкин.

Сўроқ қилиш жараёнида айбланувчилар, гумондорлар, гувоҳлар, жабрланувчилардан олинган кўрсатмалардаги айрим ҳолатлар бир-бираiga зид бўлса, бу қарама-қаршиликларни икки шахсни юзлаштириш усули билан ҳал қилиш мумкин. Жиноятнинг умумий ҳолатига нисбатан қарама-қаршилик бўлса, тергов ҳаракати ўтказилмоғи лозим.

Янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза ўтказиш янги версиялар тузиб уларни текшириш каби чоралар кўрилиши лозим.

5-§ Юзлаштириб сўроқ қилишнинг тартиби

Тергов амалиётида юзлаштириш илгари сўроқ қилинган икки шахсни бир-бирига юзалаштириб сўроқ қилишдир. Юзлаштириш икки гувоҳ, икки айбланувчи, гувоҳ ва айбланувчилар билан ўтказилади.

Юзлаштиришнинг асосий вазифаси гувоҳларнинг ва айбланувчиларнинг кўрсатмасидаги қарама-қаршиликни бошқа тергов ҳаракатлари билан экспертиза, таниб олишга тақдим этиш ва бошқа усул билан йўқотиш иложи бўлса юзлаштиришнинг ҳожати йўқ. Бази маълумотларнинг вақти, куни, соати каби ахборотни муассаса ёки тегишли хизматчилардан билиб олиш мумкин. Шунинг учун юзалаштиришни иш бўйича зарурият туғилсагина, ўтказиш зарур. Бу тергов ҳаракатининг ютуғи шундан иборатки, юзалаштиришда иштирок этган шахслар сўроқ даврида нотўғри кўрсатмаларини ўзгартириб тўғри сўзлашлари мумкин. Шу билан бирга улар ёдидан кўтарилган айрим фактларни эслашлари ишга тегишли бўлган янги маълумотларни беришлари мумкин.

Баъзида юзлаштириш пайтида сўроқ қилинувчилардан бири илгари берган кўрсатмасидан бош тортиб уни ўзгартиради, янги воқеани фактларни ўйлаб чиқаради, шу билан ўз-ўзини сирини фош этади, яъни ёлғон кўрсатма берганлигини билдириб қўяди. Шундай гувоҳ ёки айбланувчилар юзлаштиришдан сўнг қайта сўроқ қилинишлари лозим.

Юзлаштириш тартиби қўйдагича: юзлаштириб сўроқ қилинувчилар гувоҳлар бўлса улар ёлғон жавоб бериш ва жавоб беришдан бош тортиши учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириладилар ва бу ҳақда улар баённомага имзо чекадилар. Шундан сўнг бир-бирларини танидими қандай муносабатда эканлиги ҳақидаги жавоб баённомага ёзилади.

Савол-жавоб ҳар қайсиси билан алоҳида ўтказилади. Юзлаштирувчилардан бирига савол қўйилади ва унинг жавоби тингланади, сўнг иккинчисига савол бериб унинг жавоби олинади. Юзлаштириш протоколининг чап томонига сўроқ қилинувчининг бирига қўйилган савол жавоб ёзилади ва ўнг томонига иккинчисининг савол-жавоби ёзилади. Терговчининг саволи тугагач, улар бир-бирларига савол беришлари аммо бу ҳол уларнинг ўзаро тортишувига жанжалига айланмаслиги лозим. Сўроқни бошқарувчи, савол бериб унга жавоб олишнинг ва навбатни кимга беришилик, терговчининг ихтиёрида бўлиб, юзлаштирувчиларни ўз ихтиёрига қўймаслик лозим.

Юзлаштиришни тўғри ўтказиш, ундан яхши натижалар олиш учун уни ўтказиша тайёргарлик кўришга тўғри келади. Терговчи сўроқ

қилинган шахсни кўрсатмаларини яна бир бор ўқиб ўрганиб чиқиши лозим. Юзлаштириш вақтида қандай савол бериш, кимдан бошлаш, қандай фактларни аниқлаш ва шу каби масалалар ҳал қилиниши керак.

Юзлаштириб сўроқ қилинувчи шахслар илгари иш юзасидан мустақил алоҳида сўроқ қилинган бўлғанлиги учун, юзлаштиришда бевосита савол жавобдан бошланади.

Юзлаштирилувчи шахсларнинг кўрсатмаларида турли қарама-қаршиликлар бўлади. Масалан, маълум фактни бири тасдиқлайди, иккинчиси эса инкор қиласди. Савол жавобни ана шу тасдиқловчи шахсдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Ёки иш бўйича гувоҳ жабрланувчи, айбланувчи бошқа сўроқ қилинган шахс билан юзлаштириш ўтказишни талаб қиласди. Биринчи саволни ўша талаб қилган шахсдан бошлаш тўғрироқ бўлади.

Баъзи айбланувчилар гувоҳларнинг кўрсатмасидаги айрим фактларни инкор қилиб уни ёлгон гапирганилитини айтадилар. Юзлаштириш пайтида бундай айбланувчилар иккинчи навбатда сўроқ қилиниши маъқул. Бундан ташқари, ҳар бир юзлаштиришда терговчи қайси қатнашувчининг кўрсатмасига кўпроқ ишонч ҳосил қиласа шу шахсдан бири биринчи навбатда савол жавобни бошлайди, сўнгра иккинчисига ўтади.

Юзлаштиришга жалб этилган шахсларга уларнинг сўроқ қилинганда олинган кўрсатмаларини бир-бирларига билдириш ёки таништириш мутлоқ мумкин эмас, акс ҳолда улар илгари берган кўрсатмаларни маъқуллаб бир-бирларининг жавобини тасдиқлаш билан кифоялануб қоладилар. Бу ҳол эса юзлаштириш натижасини ва аҳамиятини йўқотади.

Юзлаштирилувчи шахслар баённомасининг ҳар қайсиларига ажратган қисмларига савол ва жавоблари ёзилади ва ана шу жойларига иккалалари томонидан имзоланади.

6-§. Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш

Вояга етмаган шахсларни қайси ёшдан бошлаб гувоҳ сифатида сўроқ қилиш мумкинлиги қонунда кўрсатилмаган.

Тергов амалиётида кичик ёшдаги, боғча ёшидаги болалар гувоҳ сифатида сўроқ қилинганда яхши натижаларга эришилган воқеалар мавжуддир.

Боланинг кўрсатма бера олиш қобилияти унинг умумий ва психо-

логик тараққиётiga боғлиқдир. Кўрсатманинг ташкил топиши, уни сўроқ вақтида қандай қайта тиклаб бериши болаларнинг турли ёшларида турлича амалга оширилади, шунинг учун вояга етмаган гувоҳларни психологиясини назарда тутиб сўроқ қилиш лозим. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Мактабгача ёшдаги бўлган болалар, бошлангич синфдаги ўқувчи болалар, ўрта ва юқори синф ўқувчилари.

Юқори синфдаги ўқувчиларни сўроқ қилиш тартиби вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилишдан деярли фарқ қilmайди.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишга тайёргарлик кўришда терговчи унинг ёши, умумий тараққиёт даражаси, характери ва хулқатвори ҳақида етарли маълумот тўплаши зарур. Бу маълумотларни терговчи мактабдан, ўқитувчидан ёки боланинг яқин одамларидан олиш мумкин. Ёш болалар баъзи вақт жиноятчиларни улардан қасд олишидан кўрқиб билган нарсаларни айтиб беришдан бош тортадилар. Терговчининг вазифаси вояга етмаган гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ишларидан манфаатдор бўлган шахслар таъсиридан уларни қутқариш ва гувоҳга ҳеч қандай зарар ва хавф йўқлигини тушунтириш лозим.

Ёш болаларни уларга қулай бўлган шароитда ва ўзига таниш бўлган жойда сўроқ қилиш маъқулроқдир. Қонунга биноан вояга етмаган гувоҳларни сўроқ қилишда уларнинг яқин одамлари, ота-оналари, ака ёки опалари, ўқитувчи иштирокида бўлиши керак. Бу шахслар сўроқ оқибатидан манфаатдор бўлмасликлари лозим.

Баъзи вақт кичик ёшдаги гувоҳлар яқинларидан иштирок этувчи ўқитувчи ёки синф раҳбарларидан уялиб очиқ кўрсатма бера олмайди. Бу ҳолда педагогни бошқа мактабдан чақириш мумкин, гувоҳга таниш бўлмаган мутахассисни қатнашиши яхшироқ натижা бериши эҳтимолдан ҳоли эмасдир.

Ёш болаларни сўроқ қилишда уларга қизиқарли бўлган сухбатдан бошлаб ишончини қозониш керак, шундан кейин иш юзасидан савол бериш мумкин. Сўроқ вақтида чарчатиб қўймаслик учун уларга танаффус қилиб дам бериш лозим.

16 ёшдан юқори бўлган гувоҳлар кўрсатма беришдан бош тортиб ёки ёлғон кўрсатма берганлиги учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириладилар, шу ёшдан кичик бўлган гувоҳларга эса уларнинг тўғри кўрсатмалари қанчалик аҳамиятга эга эканлигини ва жиноят иши учун зарур бўлганлигини тушунтириш лозим.

Вояга етмаганларни сўроқ қилишда ёш болалар ва ўсмирлар психологияси ўзига хос хусусиятга эга эканлигини эътиборга олиш зарур. Шу

сабабли ҳам вояга етмаганларни сўроқ қилиш унинг объектив бўлишини таъминлайдиган маҳсус қўшимча процессуал кафолатларга эгадир. Сўроқ қилиш жараёни эса шу туфайли криминалистика фани ишлаб чиқкан алоҳида тактик усуллардан кенг фойдаланиши кўзда тутади.

11 дан 14-15 ёшгача бўлган ўспирин болаларни психологияси жиноят ишида қатнашувчи катталар билан мулоқотда бўлиши, бурч ва мажбурият тушунчасининг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан характерланади. Шу даврда улар катталарга тақлид қила бошлайдилар, лекин уларнинг ёшларига боғлиқ психик хусусиятга кўра катта ёшдагиларнинг ҳамма хатти-ҳаракатларини тўғри қабул қила олмайдилар. Шу туфайли хулқан заиф одамларнинг салбий ҳаракатларини маъкуллайдиган пайтлар ҳам бўлиб туради.

Мана шундай шароитда болалар баъзан ўртоқлик ва дўстликни но-тўғри тушуниб, улар учун жиноий йўлга киришдан ёки бошқанинг жиноятини ўз бўйнига олишдан ҳам тоймайдилар.

Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилишнинг ўзига хос услублари бўлганлиги туфайли тайёргарлик кўриш ҳам алоҳида бўлмоғи лозим. Сўроқни қаерда, қачон, кимлар иштирокида ўтказиши, сўроқни қандай тактик услубда олиб бориш, қандай саволлар қўйиш қаби масалаларни олдиндан белгилаб олиш тергов ҳаракатини муваффақиятли ўтказишига ёрдам беради. Ёш болаларни сўроқ қилишда процессуал қонун нормаларига зид бўлмаган умумий процессуал тартибини ўзgartириб турли тактик услубларни қўллаш мумкин. Кичик ёшдаги сўроқ қилинучиларнинг шахсини аниқлагандан сўнг бевосита савол жавобга ўтиш мумкин, "эркин сўзлаб бериш" босқичини савол қўйиш йўли билан аниқлаб олиш мумкин. Саволлар аниқ ва тушунарли шаклда тузилмоғи лозим.

Вояга етмаган айбланувчи ва гумонланувчи сўроқ қилиш аҳамияти, уни ўтказиши жойи, процессуал тартиби, нима учун уни айбланувчи (гумонланувчи) сифатида сўроқ қилинаётганлигини тушуниб олишга боғлиқ. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш текширилаётган жиноят иши бўйича у ўзини тутган ўрнини, у билан тарбиявий соҳада суҳбат эмас, балки тергов ҳаракати ўтказилаётганини ва у ўзини масъулиятини англаб содир қилган жиноий ҳаракатининг қандай оқибатга олиб кетганини тушунишга қаратилган бўлмоғи лозим.

Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш жараёнида терговчи улар билан психологик контакт ўрнатиши улардан ҳаққоний ва тўла маълумот олиши фақат жиноий ишини текшириш учунгина кифояланмай, балки уларни тақдирини тўғри ҳал қилиш ҳам қаратилганлигини тушунтириши лозим.

Сўроқ қилинувчига мулойим, хайриҳоҳ ва мақсадли тарзда муомала қилинмаса унинг онгига, қалбига йўл топиш қийин бўлади ва тўғри кўрсатма олиш мумкин бўлмай қолади.

Сўроқ шахснинг ёши, умумий савияси ва психологик хусусиятига мос равищда суҳбат тариқасида ўтказилиши ҳам мумкин. Вояга етмаган жиной ишда иштирокчи бўлса унга нисбатан катта ёшдаги айбланувчилар томонидан таъсири ёки ҳаёти, саломатлиги учун хавф бўлса терговчи бунга тегишли чора кўришини ва унинг хавфсизлигини таъминлашини айтади. Шундагина вояга етмаган гумонланувчи ва айбдорлар сўроқда тўғри ва объектив маълумот беришади.

7-§. Сўроқ натижаларини процессуал расмийлаштириш

Жиной ишни текшириш жараёнида тўпланган маълумотлар, ашёвий далиллар ўтказилган тергов ҳаракатларининг натижалари ўзбекистон Республикаси процессуал қонуни асосида расмийлаштирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 90-моддасида “ Маълумотлар ва нарсалар улар тергов ҳаракати баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин”-дейилган.

Сўроқ баённомаси умумий тергов ҳаракатларининг баённомаси каби кириш, асосий ва якунловчи қисмлардан иборатдир. Сўроқ ўтказилган жой, вақти, қандай иш юзасидан кимни сўроқ қилганлиги ва бошқа маълумотлар баённоманинг кириш қисмида акс эттирилади.

Сўроқ қилинувчи шахслардан олинган маълумот баённомага биринчи шахс номидан ва имкони борича сўзма-сўз айнанлигича аниқ, имло жиҳатдан саводли, тушунарли ва ўчирувларсиз бўлиши, саволлар ва уларга олинган жавоблар қандай шаклда бўлса ўндаильигича акс эттирилиши лозим. Сўроқ баённомасини мазмунли, тушунарли ва кўрсатма берувчининг тилига яқинроқ бўлиши зарур. Баённомада гувоҳга ёки айбланувчига номаълум бўлган терминлар ишлатилмаслиги лозим.

Вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчини расмийлаштириш вақтида эса анкета қисми уларнинг ёши ва мактаб тарбиясига мувофиқ маълумотлар бўлиши мумкин. Баённоманинг иккинчи қисми сўроқ қилинувчи билан суҳбатлашиб бўлгандан кейин жиноят ишига алоқаси бўлган фактларни маълум тизимда олдинма-кетинликда ёзиб бориш лозим.

Агар сўроқ вақтида кўрсатма берувчига бирор далил, далилий ашё кўрсатилган бўлса бу ҳол ва унга олинган тушунча баённомада кўрсатилган бўлиши лозим.

Қонун сўроқ қилинувчиларга кўрсатмаларни ўз қўллари билан ёзид бериши хуқуқини беради. Бунинг яхши томони шундан иборатки, кўрсатма берувчи воқеа ҳодисаларни, айрим маълумотларни аниқроқ қилиб, ўзи тўғри деб топган мазмунда ёзид беради. Шунингдек, сўроқ қилинган шахс кўрсатма бергандан сўнг ўз қўли билан ёзган фактлардан бош тортиши ёки уларни ўзгартириши қийинроқдир.

Гувоҳ ёки айбланувчи кўрсатмаларини ўз қўли билан ёзид беришга розилик берса, унинг кўрсатмасини аввал оғзаки тинглаб тўлдирилгандан ва аниқланадиган жойларни савол бериш билан аниқлаб, сўнгра унга ёзид беришга шароит тудирилади. Кўрсатма терговчининг хизмат хонасида ёзилиши лозим. Ёзид бўлгандан кейин кўрсатма берувчи уни ўқиб чиқиши ва баённоманинг ҳар бир саҳифасини алоҳида имзоци билан тасдиқлаши даркор.

Кўрсатма терговчи томонидан тузилганлиги ёки сўроқ қилинувчи шахс ўз қўли билан ёзилганлиги баённомада кўрсатилади.

Сўроқда қатнашган процессуал шахслар: прокурор, мутахассис, таржимон ва бошқалар кириш қисмida кўрсатилган бўлиб, улар ҳам баённомага имзо чекадилар. Баённома сўроқ қилинган шахсга ўқиб берилади ёки ўзи танишиб чиқиши мумкин.

Қўшимча ҳолатлар, тузатишлар ҳосил бўлиб қолса, баённоманинг охирги қисмiga киритилиб, сўроқ иштирокчилари томонидан имзолари билан тасдиқланади.

Гувоҳ ва айбланувчиларни сўроқ қилишда илмий техник воситалари, жумладан, овоз ва тасвир ёзиш аппаратини қўллаш мумкин.

Ҳозирги кунда амалиётда сўроқ натижасини магнит плёнкасига қайд қилиш кенг қўлланилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, магнитофон тергов ҳаракатларини тўғри ташкил қилиши, уни қонуний ва объектив ўтказишга, кўрсатма натижасини сифатли расмийлаштирилишда ёрдам беради ва терговчининг меҳнатини осонлаштиради. Техник воситаларини қўлланишлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 91- моддасида кўрсатилган бўлиб, умумий процессуал тартиб асосида расмийлаштирилади. Овоз ва тасвир ёзиш воситасини қўллашнинг ўзига хос ютуғи ва камчиликлари бордир. Шунинг учун ҳар бир тергов ҳаракатини (сўроқ натижасини) магнит плёнкасига ёзиш шарт эмас. Магнитофон қўллаш ёки баённоманинг ўзи билан кифояланиш терговчининг ихтиёрида, аммо ҳар бир тергов ҳаракати баённома билан расмийлаштирилиши шарт.

Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда фонограммалар сўроқ баённомасини тўлдирувчи восита бўлиб ҳисобланади.

Магнит плёнкасини далил манбаи сифатида ишлатиш учун уни баённома тузиб расмийлаштирганда қуидаги маълумотлар: қаерда, ким томонидан, қай вақт, қандай иш бўйича ва плёнкага кимнинг сўроқ ўтказилган кўрсатмаси ёзилганлиги кўрсатилади.

Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда овоз ва тасвир ёзиш услубини қўллаш сўроқ баённомасини тўлдирувчи восита бўлиб ҳисобланади.

Сўроқ жараёнида овоз ёзиг олиш учун қўлланиладиган услублар қуидаги тартибда олиб борилиши мумкин:

1. Терговчи овоз ёзиг олиш тўғрисида қарор тузади ва бу ҳақда сўроқ қилинувчиларга сўроқни бошлашдан олдин маълум қиласди ва бу ҳақда баённомада қайд қиласди. Овознинг ёзиг олинишига сўроқ қилинувчининг розилиги талаб қилинмайди. Лекин қатор вазиятларда терговчи сўроқ қилинувчи билан психолого-контакт йўқолиб қолмаслиги учун сўроқ қилинувчига овоз ёзишининг нима учун кераклиги аҳамияти ва тартиби тўғрисида батафсил тушунтириб бермоғи лозим.

2. Фонограмма сўроқнинг айрим қисмида баённомада бўлгани каби сўроқ қилиш муддати ва жойи кўрсатилади, шунингдек, сўроқни бошланиши ва тамом бўлиш вақти, сўроқ иштирокчиларининг исми, отасининг исми ва фамилияси ёзилади.

3. Фонограмма сўроқнинг айрим қисмларини эмас, балки бутун жараёнини акс эттириши керак.

4. Сўроқ тугагач, овоз ёзиш плёнкаси бошидан қайта қўйилади. Сўроқ қилинувчи эшлитиб бўлган ёзув ҳақиқатдан ҳам тўғри эканлиги ҳақида баёноти билан тугайди.

5. Агарда фонограммада ёзувлардан бошқа тергов ҳаракати жараёнида тўғри кўрсатувлар олишда тактик тергов ҳаракати жараёнида тўғри кўрсатувлар олишда тактик усул сифатида фойдаланилган бўлса, терговчи бу ҳақда тегишли ҳужжатда қайд қилиб қўяди.

Процесс иштирокчилари иш материаллари билан танишиб чиққанларидан сўнг фонограмма муҳрланади ва ишда сақланади.

Овоз ёзиш магнитофони қўлланилганда аввал фонограммани қайд қилиб, сўнгра баённомага ёзиг қўйиш керак. Чунки бир вақтнинг ўзида плёнкага ҳам, баённомага ёзиш анча қийинчиликлар туғдиради. Бундан ташқари, кўрсатмаларни, кейин эса фонограммани эшлитиб бўлган терговчи албатта уларнинг мазмунини яхшилаб эслаб қолади, баённомадан тўлароқ ва аникроқ акс эттиради.

Овоз ёзиш билан бир қаторда тасвир ёзиш воситаси кўрсатмани

бир мунча кенгайтиради ва қулайлик туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 91-моддасига асосан қўлланилган аппаратларни ва видео-фонограммаларни процессуал мустахкамлаш мақсадида уларни баённомада қандай магнитофон, қачон ва қаерда, кимнинг овозини ёзиб олинганлиги ҳақида қисқа қайд қилинмоғи лозим.

Бу баённома терговчи ва сўроқ қилинган шахс томонидан имзоланиши лозим.

VIII БОБ. КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА ЖОЙИДА ҚАЙТА ТЕКШИРИШ

1-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида қайта текшириш тушунчаси ва вазифаси

Мазкур тергов ҳаракати тергов ва суд амалиётида кўпдан буён қўллануб келаётган бўлсада, назарий жиҳатдан яқин ўн йиллар ичидаги чуқурроқ ишланиб янги жиноят процессуал қонунининг алоҳида моддаларида таърифланиб, мустақил тергов ҳаракати мақомига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 132-моддасида кўрсатилишича сўроқ қилинган шахснинг берган маълумотларини ҳодиса жойида текшириш, яъни топилган нарсалар, хужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айни бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит билан қиёслаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборатdir.

Кўрсатуви текширилаётган шахс ҳодиса содир бўлган жойда айрим нарсаларни топиш, жойни кўрсатиш, муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган маълумотларига аниқлик киритади, ҳодиса содир бўлган жойда беркитилган ёки йўқотилган ашёвий далиллар-изларнинг жойини кўрсатиб бериши, шунингдек, терговга-судга номаълум ҳолатлар ҳақида ҳам хабар бериши мумкин.

Текширилаётган маълумотлар жиноят ишига алоқадор бўлган, холатлар бўлганда гина бу тергов ҳаракатининг натижаси далил бўлиб хизмат қиласди.

Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш ташқи кўриниши ва умумий вазифаларига кўра кўздан кечириш, тинтуб, тергов эксперименти ва таниб олишга кўрсатиш каби тергов ҳаракатларига бирмунча ўхшаб, уларнинг баъзи бир элементларини ўз ишига олгандир. Шу билан бирга мазкур тергов ҳаракатини юқорида кўрсатилган кўздан кечириш, эксперимент, таниб олиш ҳаракатлари билан алмаштириб бўлмайди, чунки уни ўтказиш тартиби, мақсади, предмети каби процессуал хусусиятлари асосида мустақил тергов ҳаракати сифатида ўз ўрнига эгадир.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш гумонланувчи, айбланувчи, баъзида жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмалари даги маълумотларни ҳодиса содир бўлган жой билан боғлиқ бўлган ҳолатларни текшириш, айрим деталларини аниқлаш учун ҳолислар иштирокида ўтказиладиган ҳаракатдир. Зарур бўлган ҳолларда мутахассис ҳам иштирок этиши мумкин. Мазкур тергов ҳаракатининг асосий мақсади кўрсатмадаги айрим маълумотларни тўғри ёки нотўғри эканлигини тексиришдан иборатдир. Баъзида эса терговчи янги маълумотлар ҳам олиши мумкин.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш натижасида аниқланадиган маълумотлар қуидагича ифодаланиши мумкин:

Сўроқ вақтида хабар берилган жой ҳақиқатда ҳодиса рўй берган жойми ёки бошқами;

-ҳодиса содир бўлган жой сўроқ қилинганинг кўрсатмасидагига тўғри келадими, айнан шу жойми;

-Кўрсатмадаги айрим ҳолатлар (ашёвий далил топилган жой, жиноят содир бўлган ёки излари топилган жой) ни аниқлаш;

-Кўрсатувда қайд қилинган маълумотнинг реал мавжудлиги;

-Сўроқ қилинган шахснинг ҳодиса жойидаги ҳаракати (қаерда ва қандай ҳаракатларни содир қилганлиги);

-Сўроқ қилинганинг кўрсатувда бўлмаган янги ҳолатларнинг маълум бўлиши.

Мазкур тергов ҳаракатининг экспериментдан фарқи шундаки, экспериментда жиноятнинг айрим ҳолатлари сунъий тиклаш йўли билан текширилади. Маълум ҳолатда ёки шароитда, кўриш, эшитиш ёки содир қилиш мумкинлигини текширишдан иборатдир. Сўроқдан фарқи эса кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш ҳолислар иштирокида сўроқ қилинган шахснинг маълумотидаги айрим ҳолатларгина текши-

рилиб, күрсатув тұлдирилади, ёки аниқлик киритилиб мустаҳкамла-
нади.

Күрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг моҳияти сұроқ қилин-
ган шахсларнинг ҳар қандай күрсатмалари бўлмасдан, балки уларнинг
фақат аниқ жой билан боғлиқ бўлган маълумотлари дидир. Бундай жой-
лар кўп ҳолларда жиноий ҳодиса содир бўлган, тайёрланган, жиноят-
нинг оқибати акс этган, жиноят қуроллари ва жиноятчиларнинг яши-
ринган жойлари бўлиши мумкин.

Воқеа жойида күрсатувни текширишнинг асосий мазмуни ва бош-
қа тергов ҳаракатларидан фарқли белгилари шундан иборатки, күрса-
туви текширилаётган шахс ўзи сұроқ вақтида айтган ва тергов қили-
наётган жиноят иши билан боғлиқ бўлган конкрет жойга бориладиган
йўлни терговчи ва ҳолисларга кўрсатиб, уларни бошлаб боради, ҳамда
ушбу жойни, у ердаги ҳолатларни қандай ва қаердалигини кўрсатади
ва тасвирлайди.

Шу билан у ўзининг айтганларини тасдиқлайди ёки инкор этади.
Шунингдек, терговчининг кўрсатувларидаги айрим факт-ҳолатлари
юзасидан бўлган саволларга жавоб беради.

Маъкүр тергов ҳаракатини ўтказиш давомида терговчи кўрсатувда
баён қилинганларнинг тўғрилигини уларнинг воқеа жойидаги фактик
ҳолатга алоқадорлигини ёки алоқадор эмаслигини, ҳамда иш бўйича
бошқа янги ҳолатларни ҳам аниқлайди. "Шундай қилиб, -деб ёзади
профессор F.Абдумажидов, -терговчи илгари сұроқ қилинган шахснинг
ҳаракатларини кузатиб сұроқ пайтидаги кўрсатувдан ҳам мазмунли-
роқ информация олади"¹ Масалан, ўғрилик бўйича жиноятда айблану-
вучи В. ўз айбины тан олди ва ўғирлаган нарсалари: бир дона биллур
ваза ҳамда "ЦЕБО" маркали янги аёллар туфлисини Швейная кўча-
сида жойлашган 22-уйнинг иккинчи қаватида нотаниш аёлга сотган-
лигини айтди. Терговчи айбланувчининг кўрсатувини тўғри ёки нотўғ-
рилигини текшириб кўриш учун В. га ўғирланган нарсаларни сотган
жойни ва аёлни кўрсатишни таклиф қилди. Айбланувчи бу таклифга
рози бўлди ва ҳолислар иштирокида терговчини Швейная кўчасидаги
22- уйга бошлаб келди. Тўртинчи подъезддан уйнинг иккинчи қавати-
га кўтарилигандан кейин В. чап томонда жойлашган 15-квартирани кўрса-
тиб, ўғирлаган нарсаларини шу ерда сотганлигини айтди. Шундан сўнг
квартира эгаси чақириб сўралганида, у 3-4 ҳафта илгари В. га ўхшаган
нотаниш кишидан биллур ваза ҳамда аёллар туфлисини ҳақиқатан ҳам
сотиб олганлигини айтди.

Бу тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида айбланувчи В. нинг кўрсат-
маси тўғри эканлиги аниқланди ва шу билан бирга терговчи жиноят-

ни фақат В. нинг ўзи содир қилганлигига, бунда бошқа иштирокчи-ларнинг йўқлигига ҳам ишонч ҳосил қилди.

Воқеа жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатини ўтказишда терговчи гумондор, жабрланувчи ёки гувоҳнинг, шунингдек, айбланувчининг кўрсатувларини текширади. Бунда айбланувчи ва гумондорнинг кўрсатувларини текшириш фақат уларнинг розилиги билан ўтказилади. Жабрланувчи ва гувоҳлар эса амалиётда бу масалада бўйича тортишувларга сабаб бўлмайди. Кўрсатувни текширилаётган гувоҳ ёки жабрланувчи мазкур жойда унинг кўрсатувни текширилишидан олдин кўрсатув беришдан бош тортганлик ёхуд ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Агарда кўрсатувни текширилаётган гувоҳ ёки жабрланувчи ҳали ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, улар кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилайди, лекин уларга тўғри кўрсатма бериш мажбурийлиги тушунтириб ўтилади. Бундай ҳолда воқеа жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатини ўтказишда педагог иштирок этади. Зарур бўлганда терговчи вояга етмаган шахснинг қонуний вакилларини ёхуд яқин қариндош-оила вакилини чақиради ҳамда кўрсатувни текширишни бошлашдан олдин уларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириб беради. Бу ҳақда кўрсатувни текшириш баённомасида қайд этиб қўйилади.

2-§. Кўрсатувни ҳодиса жойида текширишга тайёргарлик қўриш

Ҳодиса жойида кўрсатувни текшириш ташкилий томондан пухта тайёргарлик қўрилишини тақазо қиласди. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш учун энг муҳим ва асосий манба — кўрсатувни текширилаётган шахснинг конкрет жой билан боғлиқ бўлган бағфисил кўрсатувидир. Яъни ушбу хилдаги тергов ҳаракатини ўтказишдан илгари текшириладиган воқеа ҳақида тўлиқ тушунча олиш ҳамда унинг режали ўтказилишини таъминлаш масаласи кўзда тутилмоғи лозим. Агар зарур топилса, кўрсатувни текшириладиган ва аниқланадиган айбланувчи, гумондор, жабрланувчи ёки гувоҳни такороран сўроқ қилиш мумкин. Бунда сўроқ қилинаётган шахсга кўрсатмаси текшириладиган воқеа жойининг ва у ерга бориладиган йўл маршрутининг, шунингдек, воқеа жойидаги эслаб қолиши мумкин бўлган обьект, ашёвий нарсаларни жойланиш ҳолатининг схемасини чизиб кўрсатишни таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу ҳолатлар воқеа жойида аниқланган

ҳолатларни, мазкур тергов ҳаракатининг натижаларини түғри баҳо-лашда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳодиса жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатини муваффақиятли бўлиши учун илгари бу ерда ўтказилган кўздан кечириш материаллари ҳам бўлиши зарур. Бундай зарурат ҳодиса жойини кўздан кечириш билан боғлиқдир. Тергов ҳаракати орасида бирмунча вақт ўтиб, атроф-муҳит ўзгаришидан келиб чиқади. Ҳодиса жой аввалги ҳолига нисбатан бирмунча ўзгариб кетади, излар йўқолади. Ашёвий далиллар олинган бўлади ва ҳ. к. Бундай ҳолларда воқеа содир бўлган жойда ўтказилган кўздан кечириш материалларида акс эттирилган реал ҳолат билан кўрсатувни воқеа жойида текшириш ҳаракати натижаларини солиши-тириш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам мазкур тергов ҳаракатини ўтказишидан олдин терговчи текшириладиган кўрсатмани жи-ноят ишидаги бошқа ҳужжатлар билан солишириб таҳлил қиласиди ва ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасидаги ҳолатларни кўрсат-мадаги маълумотлар билан қандай боғлиқлиги, мос келишини текширади.

Воқеа жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатининг иштирокчиларини белгилаб олиш ҳам зарурдир, терговчи текшириладиган кўрсат-манинг “эгаси” бўлган айбланувчи, гумондор, жабрланувчи ёки гу-воҳларнинг шахсини аниқлайди, зарур бўлса ҳолислардан ташқари мутахассисларни ва тартибни таъминлаш учун тезкор ходимларни ҳам жалб этади.

Зарурат бўлса фойдаланиладиган керакли маҳсус асбоб ва техника-вий воситаларни ҳам тайёрлаб қўйиши мумкин. Кўрсатувни воқеа жойида текширища илмий-техника воситаларидан фотосуратга, видео тас-вирга олиш билан тергов ҳаракатининг натижаларини кўргазмали қилиб, мустаҳкамланади. Шунинг учун тергов ҳаракатини бошлашдан олдин юқорида кўрсатилган воситаларнинг мавжудлиги ва созлигини текшириб тайёрлаб қўйиш зарур бўлади.

3-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг тартиби

Кўрсатувни ҳодиса жойида текширишнинг процессуал қоидаси Ўзбе-кистон Республикаси ЖПКнинг 133-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда мазкур тергов ҳаракати суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафлар ва бошқа қатнашчилари иштироқида текширилаётган кўрсатув-

ларни эълон қиласи, кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўгрилигини, қўшимча ва ўзгартишлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сўрайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текширилаётган бўлса, улар ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади,- дейилган.

Бир неча шахснинг кўрсатуви бир вақтнинг ўзида ва бир ҳодиса жойида текширилиши мумкин эмас. Бу ҳолда сўроқ қилинган шахсларнинг кўрсатувлари навбат билан, қайси бирларининг кўрсатуви жиноят иши юзасидан муҳимроқ аҳамиятга эга эканлигини ҳал этиб, шу шахс кўрсатмасидан бошламоқ тавсия этилади.

Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишида процессуал қонунда кўрсатилишча кўрсатув берган шахс ўзига маълум бўлган текширилаётган ҳодисанинг айрим шароити, ҳолатини тиклайди, иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатлар, излар топилган жойларни кўрсатади, айрим ҳаракатларини намойиш қиласи, ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади, ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади.

Терговчи кўрсатмаси текширилаётган шахсга воқеа жойига бориладиган йўл маршрутини кўрсатишни таклиф қиласи. Шундан сўнг барча иштирокчилар биргаликда кўрсатилган маршрут бўйича воқеа жойига томон ҳаракат қиласидилар. Ушбу вақтда терговчи шунга эътибор бериши керакки, кўрсатуви текширилаётган шахс эркин ва мустақил равиша, ҳеч қандай четки таъсирларсиз йўл кўрсатиб бориши зарур.

Воқеа жойига етиб келгандан сўнг сўроқ қилинган шахс жиноят билан боғлиқ бўлган жойнинг умумий чегарасини, яъни ўзининг кўрсатувини, текширилиши лозим бўлган ҳолатларни, жойнинг алоҳида бўлинмаларини сўроқ вақтида қай ҳолатда тушунча берган бўлса, шундай олдинма-кетинликда ва ҳодиса жойидаги ўзгаришларни буюм ва изларнинг жойларини кўрсатиб тушунча беради. Ҳодиса жойида терговчи кўрсатуви текширилаётган шахсга жиноятни содир қилишдаги алоҳида ҳаракатларни такрор қилиб кўрсатишни таклиф қилиши, воқеа жойидаги айрим ҳолатнинг жиноятга боғлиқлигини, сўроқ пайтида берган кўрсатмаларининг воқеа жойидаги мавжуд вазиятга тўғри келмаслиги сабаби ва бошқа ҳолатлар ҳақида саволлар бериши мумкин.

Сўроқ қилинган шахснинг воқеа жойида кўрсатувини текшириш юзасидан берган ҳамма тушунтиришлари мазкур тергов ҳаракати баённомасида қайд қилинади.

Ҳодиса жойида кўрсатувни текширишда жойнинг дастлабки ҳолатини ва шароитини ўзгартириб, сўроқ қилинувчидан жиноят иши

бўйича асл ҳолат қандай бўлганлигини аниқлаши ва тушунча олиши тергов ҳаракатини тўғри, объектив натижасини кафолатлади.

Мазкур тергов ҳаракатининг кенг имкониятлари ва афзалликлари ҳамда уларнинг жиноят иши бўйича терговчидаги шубҳа туғдирган ҳолатларни текшириш ва аниқлашда, объектив баҳолашда унинг тутган ўрнини таъкидлаб, А. Г. Филиппов шундай ёзади: "Кўрсатувни воқеа жойида текшириш давомида терговчи кўрсатувни, шунингдек, сўроқ қилингандаги шахс бажаривчи кўрсатган алоҳида ҳаракатларни воқеа жойида текшириш асосида у олинган барча маълумотлар комплексига тегишлича баҳо беради".

Воқеа жойида кўрсатувни текширишнинг самарали ўтказилишини таъминловчи муҳим омиллардан бири мазкур тергов ҳаракатини амалга ошириш учун психологик жиҳатдан қулай шароит яратилишидир. Бу борада терговчи конкрет шароит ва ҳолатни ҳисобга олиб, ўзига маъқул бўлган ҳаракат кўрсатувни текширишнинг бошқа иштирокчиларига ҳам маъқул тушишини қўзда тутмоғи лозим. Бунинг учун эса терговчи ўз ишига ижодкорлик нуқтаи назаридан ёндошиши, барча иштирокчиларга хуш муомала билан мурожаат қилиши, уларнинг иззат нафсиға тегмаслиги, қўполлик қўйилмаслиги, шошмаслиги, тергов ҳаракатининг охирига қадар совуққон бўлиши ва ўзини бир меъёрда тутиши лозим. Акс ҳолда терговчи жиноят иши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган далилларни тўплашдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Кўрсатувни текширилаётган шахсга ишга дахлдор бўлган барча маъсалаларни изоҳлаш учун, тўлиқ имконият, эркинлик берилмоғи керак. Унинг воқеа билан боғлиқ бўлган ҳикоясини тўсатдан кесиб қўйиш туфайли, кўрсатувни текширилаётган шахс ҳаяжонланиб гапирмай хотирадан чиқариб қўйиши ва натижада қўзланган мақсадга эришмай қолиши мумкин.

Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам терговчининг бошқарувчилик роли ва таъсири сезилиб туриши лозим. Унинг топшириқлари асосланган, мантиқан равон ва тўғри таърифланган бўлиши керак. Чунки қўпол ва асоссиз топшириқлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Воқеа жойида кўрсатувни текшириш ҳаракати қандай вазиятда ўтказилмасин, жиноят иши қанчалик мураккаб ва хавфли бўлмасин, барча ҳолларда ҳам кўрсатувни текширилаётган шахснинг психологик ҳолатини, унинг ўзини тутиши ва ҳаракатларини кузатиб бориш лозимдир. Бу услуб, сўроқ қилингандаги шахс ҳақиқатда тергалаётган жиноий ҳодисанинг иштирокчиси, гувоҳи бўлмай, балки бу тўғрида бошқалардан

эшитиб мазкур жойдаги ҳолатнинг барча деталларини билмаслигини ва тұғри тушунчага эга әмаслигини билиб олишга ёрдам беради

Агар күрсатуви текширилаётган шахс воқеа жойидаги вазият таъсири остида үзининг илгариги күрсатувини рад этиб, уни нотұғри деб әйлон қылса, у ҳолда күрсатувни текширишни дархөл тұхтатиши ва тақороран сұроқ үтказишига тұғри келади. Бундай ҳолда воқеа жойида күрсатувни текшириш ҳаракатининг баённомада “сұроқ қилингандык шахс текширилаётган воқеанинг жойини ва ҳолатини күрсата олмади ва илгари берган күрсатувини үзгартирди” деб қайд этилади.

Тергов амалиётіда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, сұроқ қилингандык шахснинг күрсатувини ҳодиса жойида текширишда мазкур шахс илгари сұроқ пайтида айтмаган янги ҳолатлар тұғрисида, яъни жиноятнинг айрим моддий излари, жиноят қуороли, үғирланған буюм ёки яшириб қүйилған ашёвий дағыл жойини күрсатиши мүмкін. Бундай ҳолда күрсатувни текшириш натижасыда янги ҳолатлар очилиши, янги маълумотлар олиниси мүмкін, бу ҳолатлар баённомада аниқ ва равон акс эттирилиши лозим.

Шунингдек, мазкур ҳолатлар фотосураттағы ёки видео тасвир ёрдами билан мустаҳкамланса мақсадға мувофиқ бұлади.

Ҳодиса жойида күрсатуви текширилаётган шахс үзи сұзлаб бергач ва ҳаракатларни намойиш қилиб бұлғач унга саволлар берилиши мүмкін. Тергов ҳаракатини үтказишида қатнашаётган шахслар терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча нарсаларға қаратишга, бальзы ҳаракатларининг тақоррланишини талаб қилишга ҳақлидір-дейилгандык (ЖПКнинг 133-моддаси).

Күрсатувлари ҳодиса содир бұлған жойда текширилаётган шахс ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари үтказилаётган тергов ҳаракати юзасидан уларни құшымча равишида сұроқ қилишни талаб этишга ҳақлидір.

4-§. Күрсатувни ҳодиса жойида текшириш натижаларини расмийлаштириш

Күрсатувни ҳодиса жойида текшириш ҳаракатининг натижаларини расмийлаштириш ЫЗР ЖПК нинг 134-моддаси асосида амалға оширилади. Чунки терговчи жиноят иши юзасидан қанчалик юқори савияда тергов ҳаракати үтказмасын, уннинг натижалари тегишли тартибда қаламга олинмаса, яъни баённомада мустаҳкамланмаса, ҳамма қилингандык

ишилар беҳуда бўлиб чиқади. Маълумки, баённома процессуал ҳужжат бўлиб, иш юзасидан далил манбаи бўлиб ҳисобланади, ундаги маълумот-фактлар далил бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш натижаларини процессуал расмийлаштириш бир мунча мураккаб бўлиб, бу терговчидан маҳсус малака талаб қиласди. Чунки кўрсатувни воқеа жойида текшириш ҳаракатининг натижасини қайд қилиш баённомаси бошқа тергов ҳаракатларининг баённомаларидан фарқ қилиб унда бажарилган ҳаракатнинг мазмuni муфассал, бирин кетинлик тартибида ёзилади. Айниқса, айрим ҳаракат жойларини кўрсатиш, график изоҳлаш, жойнинг чизмасини чизиб бериш, фотосуратга ёки видеога олиш каби ва бошқа воситалар ёрдамида ифодаланади.

Воқеа жойида кўрсатувни текшириш баённомасида мазкур тергов ҳаракатининг барча деталлари ўз аксини топиши керак. Яъни сўроқ қилинган шахснинг воқеа жойида берган тушунтиришлари мумкин қадар сўзма-сўз ёзив борилади ҳамда кўрсатмани текшириш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатлар ёритилади. Мазкур тергов ҳаракатини бажариш жараёнида ўлчов, суратга тушириш, кинога олиш, овозни ёзиш ишлари ўтказилиши, режа ва чизмалар тузилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси кейин кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш баённомасига илова қилинади.

Воқеа жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатининг баённомаси учқисмдан, яъни кириш, баёнот ва якунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кўрсатувни воқеа жойида текшириш баённомаси кириш қисмida мазкур тергов ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, баённома тузган шахс ҳамда кўрсатувни текширишда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳақидаги маълумотлар, жумладан, ҳолислар, уларнинг хукуқ ва бурчларининг тушунтирилганлиги, шунингдек, қандай илмий-техника воситаларининг қўлланилиши тўғрисида ҳам ёзилади. Шу билан бирга кўрсатувни текшириш баённомасининг ушбу қисмida сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувини воқеа жойида текширишда иштирок этишга розилиги олинганлиги, мазкур тергов ҳаракати бажарилаётган вақтдаги атроф-муҳитдаги шароит, яъни сунъий ёки табиий ёруғлик бўлганлиги аҳамияти бўлган ҳолда об-ҳаво шароити ҳақида ҳам билдирилади.

Ҳодиса жойида кўрсатувни текшириш ҳаракатини ўтказиша ҳолисларнинг қатнашиши, уларнинг кўрсатувни текшириш жараёнида ҳар бир ҳаракат диққат билан кузатишлари, яъни воқеа жойига ким олиб келганлигини, ким кўрсатаётганлигини кузатиб боришлари зарур. Бу

ҳолатларни ҳолислар күрсатувни текшириш баённомасига имзо күйиш билан тасдиқлайдилар. Бу ҳолда сүроқ қилинган ва күрсатмаси текширилгандай шахс суд мухокамасида ўз күрсатмасидан тониб қолиши ёки ўзгартириши истисно қилинади.

Тергов амалиётидан олинган мисол асосида, қотилликда айблана-ётган шахс жабрланувчининг жасадни қаерга кўмиб кетганилигини күрсатишга рози эканлигини билдиради. Айбланувчи терговчи ва ҳолисларни тор сўқмоқ йўлдан ҳақиқатан ҳам ўша топилган жойга бошлаб келади. Терговчи унга атайлаб мана бу томоними, деб бошқа томонни күрсатади. Лекин айбланувчи күрсатувни текширишда иштирок этаёт-гандарни ана шу мурда топилган жойга тўғри бошлаб келади, бироқ судда айбланувчи ўзи дастлабки тергов жараёнида берган күрсатмаларидан тониб, жабрланувчи мурдаси топилган жойни менга терговчи күрсатди, деб даъво қилди. Ҳолислар эса жасад кўмиб қўйилган жойга айбланувчининг ўзи бошлаб борганлигини, терговчининг унга мутлақо бошқа жойни күрсатиб, сўраганлигини тасдиқладилар.

Күрсатувни воқеа жойида текшириш баённомасининг баёнот қисмida мазкур тергов ҳаракатини ташкил қилиш ва ўтказишнинг бутун жараёни ва унинг натижалари ёзилади. Бунда күрсатувни текшириш ҳаракати иштирокчиларининг воқеа жойига борган йўл маршрути, воқеа жойидаги шароит, топилган ашёвий буюмлар ва бошқа ҳолатлар күрсатилади. Сўроқ қилинган ва күрсатуви текширилаётган шахснинг ҳаракатлари ва тушунтиришлари, унга берилган саволлар воқеа жойида күрсатувни текшириш баённомасининг ушбу қисмida қайд этилади. Күрсатуви текширилаётган шахснинг ҳамма айтганлари батафсил, имкони борича сўзмасўз ёзib олинади. Текширилаётган тушунтиришлари баённомада биринчи шахсда, ҳаракатлари эса учинчи шахс номидан ёзилади.

Күрсатувни воқеа жойида текшириш ҳаракати натижаларини қайд этиш баённомасининг баёнот қисмida күрсатувни текшириш жараёнида қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги тўғрисида ҳам кўрсатилади, яъни фотосуратга туширилганлиги, овоз ёзилганлиги, видеога олинганлиги, фотокадрларнинг тартиб номери, шунингдек, ўтказилган вақти ва натижаларни мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш учун қандай аппаратлар қўлланилганлиги тўғрисида маълумотлар киритилади.

Күрсатувни ҳодиса жойида текшириш баённомасининг якунловчи қисмida иштирокчилардан тушган таклифлар, мазкур тергов ҳаракати бошланган ва тугалланган вақти, қўлланилган илмий-техника воситалари, тузилган чизмалар ҳақида маълумотлар берилади.

Ҳодиса жойида күрсатувни текшириш ҳаракатининг баённомасида

терговчининг ҳеч қандай хуласалари ва фикр- мулоҳазалари бўлмаслиги лозим. Кўрсатувни текшириш жараёни қандай олдинма-кетинликда ўтказилган бўлса ҳолатлар шу тариқа баённомада қайд қилинади.

Баённома ва унга илова қилинган чизмалар, овоз ва тасвир ёзилган тасмалар тергов ҳаракатида иштирок этганларга, жумладан ҳолислар, мутахассис ва кўрсатмаси текширилаётган шахсга ўқиб берилади ва улар баённома билан таниширилганлиги ҳақида имзо қўядилар.

Баённома бошқа процессуал ҳужжатлар қаторида далил манбаи бўлиб хизмат қиласди, иш судда текширилиши давомида тегишли тартиб ва принциплар асосида баҳоланади.

IX БОБ. ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТАКТИКАСИ

1-§. Таниб олишга кўрсатиш тушунчаси ва турлари

Турли категориядаги жиноят ишларини очиш жараёнида терговчи тез-тез кишиларни нарса, буюмларни, далилий ашёларни, мурда ва бошқа обьектларни айнанилигини белгилаш мақсадида таниб олиш учун кўрсатишига тўғри келади.

Таниш учун кўрсатишнинг ўзида таниб оловчи суриштирилаётган ҳодиса билан боғлиқ бўлган обьектга гуруҳ мансублиги ёки бир-бирига ўхшатишни ўз ичига олган процессуал ҳаракатларни ифодалайди.

Мазкур тергов ҳаракати таниш учун кўрсатилаётган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 125-131-моддалари) обьектнинг таниётган киши илгари тергов қилинаётган ишга тааллуқли бўлган фактга боғлиқ эканлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Масалан, жабрланувчига кўрсатилаётган киши айнан талончилик мақсадида унга ҳужум қилган шахс эканлиги аниқланади.

Мазкур ҳаракатнинг мазмуни таниб оловчи томонидан унинг фикридаги образ билан у ёки бу обьектни бир-бирига солиштиришдан иборат.

Таниб олишнинг психологик процесси шундан иборатки, таниб оловчи илгари ўзи кўрган обьектнинг хотирада қолган образини кўрсатилаётган обьект билан таққослайди ва шу солиштириш асосида улар-

нинг бир-бирига ўхшашлиги, гуруҳ мансублиги ёки фарқини айтиб беради.

Таққосланаётган обьектлар тахминан жабрланувчи, гувоҳ хаёлида сақланиб қолган обьектга яқин шубҳалангандар ва далилий ашёлар бўлиши керак.

Баъзи ҳолларда таниб олаётган кишига энг умумий туфма белгилар маълум бўлиб, у шу асосда обьектни бир-бирига солиштириш имкониятига эга бўлмайди. Балки фақатгина тақдим этилган обьект илгари ўзи кўрган обьектга ўхшашлиги ҳақида холоса чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда таниб олиш учун кўрсатишда бир-бирига ўхшашик аниқланади, тақдим этилган обьектнинг илгари тақдим этилган, танилган обьектга ўхшашлиги белгиланади.

Холоса қилиб айтганда, таниб олиш учун кўрсатиш бир-бирига солиштиришнинг субъектив методидир. Бу ерда бир-бирига ўхшатиш тўғрисида холосага терговчи ёки суд бевосита қабул қила олмайдиган хаёлий образ белгилари асос бўлади. Шу муносабат билан қонунда таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини обьективлаштириш мақсадида бу ҳаракатни ўтказишнинг маълум тартиби кўзда тутилган, криминалистикада эса бунинг тактикаси ишлаб чиқилган.

Таниб олиш учун кўрсатиш натижаларининг исботловчи аҳамиятини баҳолай туриб, терговчи ёки суд таниган шахс қандай асосларга кўра холоса чиқарганлигини ҳисобга олиши, уни илгариги кўрсатма белгиларига солиштириши, танилаётган обьектларга тааллуқли эканлигини обьектив қараб чиқиши мажбурийдир. Таниётган шахснинг айрим умумий белгиларига асосланган ва ишончли формада ифодаланмаган холосалар далилий қимматга эга эмас.

Таниш учун кўрсатишнинг асосий белгиси шу йўл билан таниб олувчи маълум ҳолатларда кузатган аниқ обьектнинг айнан шу эканлигига ишонч ҳосил қилишдир. Объектнинг бир- бирига таққосланиши, жиноят таркибини ташкил қилувчи фактлар орасидаги алоқаларни текшириш бу алоқаларнинг аниқ исботланишига имконият беради. Ўз-ўзидан мазкур тергов ҳаракатининг вазифаси иш юзасидан далиллар олишдан иборатдир.

Сабабий боғланиш факти ва характеристики ўртасидаги боғлиқлик тергов бошида тахминий бўлишидан келиб чиқиб, таниб олиш учун кўрсатишнинг асосий вазифалардан бири ҳаракатни қайта текшириш ёки янги ҳаракатларни ўтказиш учун маълумотлар олишдан иборатдир. Масалан, мурдани таниш учун кўрсатишда жабрланувчининг шахси тўғрисидаги тахмин текшириб кўрилади.

Таниш учун кўрсатиш билан гувоҳлар, жабрланувчилар, айбланув-

чи, гумондор ва судланувчиларнинг кўрсатмалари текшириб кўрилиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар натижаси бошқа далиллар қаторида айборни фош этиш ва жиноят ҳолатини ўрганишда фойдаланилади.

Жиноят ишлари бўйича айблаш учун кўрсатилган обьектлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб жиноятга турлича ёндашишни тақозо этади. Шу муносабат билан криминалистикада таниб олишнинг қўйидаги турларини кўрсатишимиш мумкин:

1. Тирик шахсларни таниб олиш учун кўрсатиш;
2. Мурдаларни таниб олиш учун кўрсатиш;
3. Нарса-буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш;
4. Ҳайвонларни ёки уларнинг мурдаларини таниб олиш учун кўрсатиш;
5. Ҳовли-жойлар ва биноларни таниб олиш учун кўрсатиш.

Кўрсатилган обьектлар тақдим этилиши фототасвирда ҳам кўрсатилиши мумкин. Кўрсатишнинг бу ҳар бир шакли ўз хусусиятларига эга бўлиб, улар ҳақида кейинчалик алоҳида тўхталамиз.

Иш бўйича таниб олиш учун кўрсатиш натижасида тўғридан тўғри ёки бевосита далиллар ҳам олиш мумкин. Бироқ ҳеч қачон шахснинг жиноят содир қилишдаги айборлиги тўғрисида таниб олиш натижалари асосидагина хulosса чиқариш мумкин эмас.

Суд, прокурор, терговчи ва тергов олиб бораётган шахс учун ҳеч қандай далиллар аввалдан хulosса чиқаришга имконият бермаслиги керак.

Масалан, М. исмли қоровулнинг ўлдирилиши тўғрисидаги ва у қўриклиётган дўёнгла қуролли ҳужум тўғрисидаги иш юзасидан бир неча марта таниб олиш учун кўрсатиш ўтказилди. Қоровул ўлдирилган жойда, пешайвонида ёғли доғ бўлган бош кийими топилганди. У таниб олиш учун кўрсатилганда бир неча киши уни гараж слесари Д. га тааллуқли эканлигини таъкидлашди.

Таниб олиш фақатгина тезкор маълумотлар билан тасдиқланган бўлиб, унга биноан Д. мазкур жиноят иштирокчиси, деган хulosса чиқариш мумкин эди. Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида Д. ни бошқа шаҳарда қўлга олишга муваффақ бўлинди. Ундаги чамадондан дўкон ходимлари ўғирланган деб танилган буюмлар чиқди.

Қўлга олинганинг кийимлари кўздан кечирилганда, шимида қонга ўхашашиб қўнғир қора рангли доғлар кўзга ташланади. Суд-биологик экспертизаси натижасида унинг ҳақиқатан ҳам ўлдирилган шахснинг қони гуруҳига тааллуқли эканлиги аниқланди. Гулистон шаҳрида яна бир муҳим гувоҳ, Д. ни жиноят содир этилган жойдан олиб кетган киши топилди. Ҳайдовчи ўз йўловчисининг шахсини яхши эслаб қолган экан ва сўроқ пайтида Д. ни таърифлаб берди. Сўнгра таниб олиш учун кўрсатилганда ҳам уни таниди.

Д. билан яшаб келган И. ҳам Д. нинг содир этган жинояти ҳақида сўзлаб берганлиги ва сўнгра биргаликда жўнаб кетганликларини тан олди. Шундай қилиб, таниб олиш бошқа жиҳатлар билан биргаликда ниҳоятда хавфли жиноятни муваффақиятли фош этишга имконият берди.

Айни пайтда таниб олиш учун қўрсатиш тахминан бўлиши, яъни таниб оловчи шахс қўрсатилган обьектнинг у қузатган обьектига ўхшашлигини билдирамасада, қандайдир сабабларга кўра қатъий хулоса чиқара олмаслигини айтиши мумкин. Бундай қўрсатиш ҳам бошқа далиллар билан биргаликда маълум далилий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Масалан, зўрлаш тўғрисидаги иш юзасидан жабрланувчи гумондор Н. ни таниди. Жабрланувчи Н. бўйи ва кийимларига қараганда уни зўрлаган жиноятчига ўхшаб кетишлигини, бироқ бошқа белгиларини эслаб қолмаганлиги учун у қатъий ўхшашлигини тасдиқлай олмаслигини маълум қилди. Мазкур иш юзасидан тўплланган бошқа далиллар билан биргаликда таниб олиш маълумотлари Н. ни содир этган жиноятини фош этишга имконият берди ва у жазоланди.

Таниб олиш учун қўрсатиш натижалари бир қатор ҳолатларга боғлиқдир:

а) таниб оловчи илгари қузатган обьектни қўрсатилгани билан солиширадиган ташқи шароитларга;

б) таниб оловчининг тўгри хулоса чиқариш, хотирлаш, қўрсатиш ва қўрсатиш қобилияtlарини ифодалаган обьектив фазилатларга;

в) таниб олиш учун қўrсатишни ўтказишнинг тактик усувларидан;

Тергов тажрибасини умумлаштириш асосида таниб олиш учун қўrсатишнинг қатор тактик қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, уларга риоя этиши мазкур тергов ҳаракатининг юксак, сифатли ўтишига имконият яратади.

2-§. Таниб олиш учун қўrсатишга тайёргарлик кўриш

Таниб олиш учун қўrсатишга яхши тайёргарлик кўриш кўп жиҳатдан унинг муваффақиятларини белгилайди. Айни пайтда бу тергов ҳаракатига тайёргарлик кўришдан олдин уни ўтказишга зарурат бор-йўқлигини қатъий англаб олиш керак. Бу саволга жиноят ишини ва тезкор характердаги материалларни ўрганиш натижасида жавоб олиш

мумкин. У ёки бу шахс таниб олиш учун кўрсатиладиган объектнинг характерли белгиларини озми-кўпми билган барча ҳолларда таниб олиш учун кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Буни қуйидаги ҳолларда ўтказиш зарур:

а) фуқаро у кўрган ёки овозини эшигтан кишининг жиноят содир бўлмасдан илгари унга таниш бўлмаганлигини маълум қилганди;

б) фуқаронинг мазкур киши билан танишлагини, бироқ у танишлагини қатъий инкор этаётганлигини билдирганди.

в) фуқаро у кўрган киши танишлагини бироқ фамилиясини билмаслиги ёки нотўғри айтаётганлигини тушунтирганда.

Таниб олиш учун кўрсатишнинг айрим ҳолларда зарурати йўқ. Бундай ҳолларга қуйидагилар киради:

а) ҳар иккала шахс танишлагини яширгмаганда;

б) сўроқ қилинаётган шахс кишининг айрим белгилари ва қиёфасини мутлақо эслолмаслигини айтганда;

Кўйидаги ҳолларда таниб олиш учун кўрсатиш ўтказилмайди. Бу тергов ҳаракатини ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, қуйидагиларни амалга ошириш керак:

а) танилаётган шахсни дастлабки сўроқ қилиш;

б) орасида таниб олиш учун кўрсатиладиган объект бўлиши мумкин бўлган объектларни танлаб олиш;

в) мазкур тергов ҳаракатини ўтказишнинг вакти ва ҳолатини белгилаш;

г) гувоҳларни чақириш;

д) ҳолислар

Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўришнинг тилга олинган элементларини атрофлича қараб чиқайлик.

Дастлабки тергов қилиш бу гувоҳ ёки жабрланувчи, гумондор ёки айбланувчини сўроқ қилишdir. Уларга у ёки бу объектни таниб олиш учун кўрсатишда кўзда тутилади. Терговчи таниб оловчи шахсни қандай ҳолатда, ташқи кўринишда ва белгиларда қузатганлиги ёки белгилар ҳақида гап кетганда асосий белгиловчи хусусиятларини тўла-тўқис сўраб суриштиради. Сўроқ қилинаётган кишининг хотирасида, кўриш, эшитиш қобилиятида нуқсонлар йўқлигини аниқлаб олиш лозим. Чунки эсда қолган образлар хотирадан чиқмаслиги керак. Қоидага кўра бундай сўроқларда кишининг «сўзлардаги портрети» ойдинлашади.

Таниб олиш учун кўрсатиладиган шахсларни сўроқ қила туриб, уларда мазкур нарса-буюмларнинг у ёки бу қисми ёки фотосуратлари қолмаганлигини аниқлаш лозим. Бу нарса-буюмни таниш ёки кўздан кечиришдан кейин экспертиза ўтказиш йўли билан таниб олишнинг

ишончли эканлигини құшимча рawiшда билиб олишга имконият беради.

Масалан, фуқаро С. ни квартирасидан үғирланған буюмлар орасида әркаклар костюми ҳам бор эди. Жабрланувчи сүроқ пайтида уйида унинг кийимлари қолганлигини билдири. Тезкор-қидириүв тадбирлари натижасида рецедивист үгри К. құлға олиниб, бошқа буюмлар орасида үғирланған костюм ҳам топилди. Товароведлик экспертизаси жабрланувчи таниган костюм ҳақықатан ҳам күрсатилған қийімлар материалыдан тикилғанлигини тасдиқлади.

Таниб олиш учун күрсатиши тааллукلى объектларни танлаш ташкилий нұқтаи назардан ниҳоятда мураккабдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессыал кодексининг 127-моддасига биноан күрсатиляётганның шахс камида уч кишидан иборат бир-бирига үхшаш фуқаролар билан бирга күрсатилиши лозим. Демак, таниб олинувчидан ташқари, яна уч кишини таклиф этиш лозим. Улар бүйи, ташқи күриниши ва кийими жиҳатдан күрсатилаётганның шахсдан кескин фарқ қылмаслиги лозим. Бу талаб таниб олишнинг объективлигини таъминлайди.

Айни пайтда бу фуқароларни таниб олувчига нотаниш бўлган кишилар орасидан танлаш лозим. Уларни яшаш жойларидан, айниқса, ётоқхоналардан, клуб, кинотеатр, бозор ва бошқа жойлардан топиш мумкин. Танланған шахслар номаълум муддатларга таклиф этилиши лозим. Танилувчини милиция ҳовлисидаги бинода бирга бўлган фуқароларга күрсатиш мумкин эмас. Чунки шубҳаланувчини улар таниб олиш учун күрсатишдан аввал кўрган бўлиши мумкин.

Нарса-буюмлар таниб олиш учун күрсатиляётганның ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 128-моддасига мувофиқ бошқа бир хил предметлар қаторида күрсатилиши лозим. Масалан, таниб олиш учун соат ёки костюм күрсатиляётганин бўлса, аввалдан таниб олувчига маълум бўлмаган үхшаш буюмларни танлаш лозим. Бундай буюмларни тергов ҳаракатини ўтказиш вақтида бирга хизмат қиласидиганлар ёки дўконлардан олиш мумкин.

Таниб олиш учун күрсатиши вақти ва ҳолатини танлаш ҳам ниҳоятда амалий аҳамиятга эга. Таниб олиш учун обьект қанчалик тез күрсатилса, шунчалик яхши, чунки унинг образи ва белгилари таниб олувчининг хотирасида сақланиб қолган бўлади. Тактик томондан жиноятчи таниб олиш учун қанчалик тез тақдим этилишигина эмас, унинг таниш учун күрсатиладиган вақтини конкрет белгилаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ҳам мухимдир. Жиноятчуни фош этиш учун қатор бошқа тергов ҳаракатларини ҳам ўтказиш даркор. Сўнгра эса

таниб олишдан фойдаланиш учун бир неча жабрланувчи ва гувоҳларга кўрсатишдан олдин мазкур ҳаракатнинг қай тартибда ўтказилиши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этиш лозим.

Аввало гумондорни унинг образи ва белгиларини яхши эслай олмаётган кишиларга кўрсатиш ва шундай қилиб шахсни тахминан билб олиш, сўнгра эса уни кўрсатмаларига биноан аниқ танийдиган шахсларга кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиноятчига тергов жараёнида ҳужумкор тактикани кўллаш имкониятини беради.

Таниб олиш учун кўрсатишга зарур ҳолатни танлай туриб, бу тергов ҳаракатининг барча иштирокчилари бемалол сигадиган кенг ва ёруғ хонани танлаш ва таниб олувчига тақдим этилаётган шахс ва нарса-буюмни синчиклаб кўздан кечиришга имконият яратиш лозим. Айрим ҳолларда объективликни таъминлаш мақсадида таниб олиш учун кўрсатишни ҳодиса содир бўлган жойда ва тахминан шундай шароитларда ўтказиш лозим.

Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик давомида таниб олувчи ва танилувчини жойлаштиришни шундай ташкил этиш керакки, кўрсатиш лаҳзасигача улар ҳатто тасодифан учрашиб қолишлари ҳам мумкин бўлмаслиги керак. Акс ҳолда таниб олишнинг далилий аҳамияти йўқолади.

Ҳолисларни таниб олиш учун кўрсатиш таклиф этиш Ўзбекистон Республикаси ЖПК 73, 74-моддаларида кўзда тутилган. Ҳолислар сифатида вояга етган камида 2 нафар чет кишилар таклиф этилиб, улар ишнинг натижасидан манфаатдор бўлмасликлари керак.

Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўра туриб ҳолисларни қаердан таклиф этиш, бунда шошилишга йўл қўйиб талабларга жавоб бермайдиган биринчи учраган кишиларни таклиф этмаслик чораларини кўриш керак. Таниш учун айбдор қамоқда ушлаб турилган шахс бўлса, кўрсатилаётганда милиция ходимини олдиндан тайёрлаб қўйилиши лозим. У жиноятчини муҳофаза этиш ва унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туришни таъминлайди.

Фотоаппарат ва ёритувчи лампочкани ҳам кўрсатилаётган объексларни расмга олиш учун тайёрлаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Фотосуратлар бўйича таниб олиш учун кўрсатиладиган ҳолларда олдиндан танилувчи кузатилган даврга яқин бўлган фотосуратларни тайёрлаб қўйиш даркор.

3-§. Таниб олишни ўтказиш тартиби ва тактикаси

Тайёрлов тадбирлари ниҳоясига етгач таниб олиш учун кўрсатишга киришилади.

а) тирик шахсларни таниб олиш учун кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК 125, 127-моддалари талабларидан келиб чиққан, шунингдек, обьект қайси белгиларига мувофиқ танилиши мумкинлигига боғлиқ ҳолда белгиланади. Таниб олувчи кўрсатиш лаҳзасигача танилувчини ҳам, улар орасида кўрсатиладиган кишиларни ҳам кўрмаган бўлиши керак. Шунинг учун кабинетда таниб олиш учун кўрсатиладиган бошқа жой ҳам бўлиб, терговчи ҳолисларни, танилувчи ва бошқа фуқаролар таклиф этилади. Агарда бу гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, кўрсатма беришдан бўйин товлаганлиги ва ёлғон кўрсатма берганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади.

Сўнгра таниб олувчига кўрсатилаётган фуқароларни кўздан кечириш таклиф этилади ва “булар орасида бирон-бир кишини танийсизми?”, “Сиз мана шу кишини жиноятчи деб танимайсизми?” деган савонни ҳеч қачон бериш мумкин эмас.

Таниб олувчи кўрсатилаётган фуқароларни синчиклаб кўздан кечириш учун тезкор ходим ёки терговчи унинг илтимосига биноан фуқаролардан туриш, қайрилиш, юриш, қўлларни кўрсатиш, сўзлашибишиш ва бошқаларни сўраши мумкин.

Агар танувчи фуқарони — гумонланувчини (айбланувчини), таниганигини билдиrsa, мазкур шахсни қайси конкрет белгиларига мувофиқ таниганлиги ва очилаётган ҳодиса ёки шунга ўхшаш ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда айнан уни қаерда кўрганлигини тасдиқловчи аниқликлар тарзида савол-жавобни давом эттириши мумкин. Шунингдек, таниб олувчидан танилганни жиноят ҳодисасидан сўнг, бироқ танигунча бўлган вақт ичida қайта учратмаганлигини ҳам сўраш лозим. Сўроқда шунингдек, таниётган киши орасида танилувчи бўлган фуқаролардан бошқа биронтаси билан таниш эмаслигини ҳам аниқлаш лозим. Барча масалалар аниқлангандан сўнг таниб олиш учун кўрсатишнинг натижаларини қайд қилишга киришилади.

Бир танилувчига бир вақтда бир неча гумондор ёки айбланувчиларни таниб олиш учун кўрсатиш мумкинми деган савол тугилади. Бундай қилиш бир қатор сабабларга кўра мақсадга мувофиқ эмас. Биринчидан, иккала гумондор ёки жиноятчи бир-бирига ўхшаш бўлмаса, уларни жиноят процессуал қонунига биноан кўрсатилаётган ки-

шилар бир-бирига ўхшаш бўлиши керак бўлганлиги учун биргаликда кўрсатиш мумкин эмас. Иккинчидан, иккала жиноятчи ҳатто бир-бирига ўхшаш бўлган тақдирда ҳам бир вақтнинг ўзида жуда кўплаб кишиларни кўрсатиш зарур бўлганлиги учун уларни биргаликда кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Кўплаб кишиларнинг кўрсатилиши таниб олувчининг эътиборини паришон қилади, унга ортиқча қийинчиликлар туғдириб таниб олиш натижасига салбий таъсир кўрсатади. Психологик фан маълумотлари кишиларнинг эътибори бир вақтнинг ўзида 3-6 гача обьектни қамраб олиши мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бундан ташқари, бир неча жиноятчиларни бир вақтда кўрсатиш, улар фуқаролар ўртасида жой танлаб, ўзаро келишиб олишлари мумкин бўлганлиги учун ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, таниб олиш учун кўрсатишнинг натижалари уларга дарҳол маълум бўлиб қолади.

Ана шуларга кўра бир неча жиноятчи ёки гумондорни бир кишига бир вақтда кўрсатишдек, нотўғри амалиётни қўлламаслик лозим.

Бир шахсни бир йўла бир неча таниб олувчига кўрсатиш мумкинми? Таниб олиш учун кўрсатиш вақтида ҳар бир танилувчи алоҳида сўроқ қилиниши зарур бўлмаганлиги учун бундай қилиш ҳам мумкин эмас.

Бундан ташқари, бир таниб олувчининг кўрсатмалари бошқасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлганлиги учун ҳам таниб олиш учун бир неча шахсларга кўрсатиш нотўғридир.

Кишини овозидан таниб олиш учун кўрсатиш, ташқи белгиларига қараб таниб олиш учун кўрсатишдан фарқ қилади. Танилувчи, ҳолислар ва таниш учун танланганлар бир хонага жойлаштирилиб, таниб олувчи, терговчи ва ҳолислар қўшни оралиқ хонага жойлаштирилади. Хоналар ўртасидаги эшик очилади. Бироқ таниб олувчи ва танилувчи бир-бирларини кўрмасликлари керак. Терговчига ёрдам кўрсатган шахс, тезкор ходим бошқа терговчи танилаётган киши билан суҳбатлашадилар. Бунда аввал ишлаб чиқилган режага мувофиқ бошқа иштирокчилар билан ҳам суҳбатлашилади. Бунда овоз шароитлари ва ҳар иккала хонадаги шароитлар бир хил бўлиб илгариги суҳбатлашган овоз шароитларига мувофиқ келиши керак. Таниб олувчи ҳозирги пайтда танилувчининг овозини эшитаётганлигини билдирганида унга қўшни хонага фикрини қайтаришни сўралади ва қайси овоз белгилари ва товшуларига мувофиқ кишини таниётганлигини кўрсатиш илтимос қилинади.

6) мурдани таниб олиш учун кўрсатиш.

Мурданинг шахсини аниқлаш юзасидан энг самарали тергов ҳара-

катларидан бири уни таниб олиш учун кўрсатишдир. Қоидага кўра мурдани таниб оловчининг эътиборини четга жалб қиласлик учун ва салбий таъсир кўрсатмаслиги учун бошқа мурдалар йўқ пайтида кўрсатиш лозим. Таниб оловчи сифатида илгариги фуқаронинг йўқолганлиги тўғрисида хабар берган шахсларга кўрсатилади. Улар йўқолган кишининг белгилари ҳақида дастлабки сўроқ қилинади. Таниб оловчи-ларнинг бошқа тоифаси — булар мурдани кўргандан сўнг ўз ташаббуслари ёки суриштирув органларининг чақириғига биноан ҳалок бўлган кишининг ўзига таниш эмаслигини билиш учун келганлардир. Бундай шахслар тергов қилинмайди. Чунки улар аввалдан уларга кўрсатилаётган шахс тўғрисида конкрет таклифларга эга эмаслар.

Мурдани таниб олиш учун кўрсатишда таниб оловчи уни қайси белгиларига мувофиқ таниганлигини батафсил кўрсатишлари ва уни таниб олиш учун кўрсатиш баённомасида қайд этилиши лозим. Мурдани таниб олиш учун кўрсатиш у топилган жойда ёки ўликхоналарда амалга оширилиши лозим. Топилган жойда мурда юзи ифлосланган бўлса, таниб олиш учун кўрсатишдан олдин уни ювиб, ҳаётий ҳолига бирмунча яқинлаштириш лозим. Ўликхона биносида терговчи ёки тезкор ходим ўликхона маъмуриятига мурдани ва унинг кийимларини суд-тиббий тадқиқотидан сўнг сақлаб туриш тўғрисида кўрсатма бера-ди. Бундай ҳолларда, яъни мурданинг юзи ва қиёфаси жароҳатланиши натижасида ўзгариб кетган бўлса, суд-тиббиёт мутахассисига уни ўз қиёфасига келтириш, ҳаётлик чоғидаги кўринишига яқинлаштириш юзасидан топшириқ берилади.

Озни қайта тиклаш имконияти бўлмаган ҳолларда мурданинг жасади кўрсатилиб, мутахассисга, сўнгра унинг юзини бош суюги (чаноғи) асосида профессор Герасимов методига кўра скульптура маскаси асосида тиклаш ва тикланган юзини таниб олиш учун кўрсатиш топширилади.

Ўликхонада таниб олиш учун кўрсатиш пайтида хона яхши ёритилган бўлиши керак. Таниб оловчи мурданинг юзини, гавдасини, алоҳида белгиларини текшириши зарур. Зарур ҳолларда мурданинг ҳолати ўзгартирилиши, уни ўтқазиш ёки тургазиш ҳолларига солиш мумкин. Танилмаган мурда кўпчилик фуқароларга кўрсатишга шундай ҳолларда йўл қўйиладики, жабрланувчи билан ким танишлигини аниқлаш лозим бўлади. Унда терговчи ёки тезкор ходим ва ҳолисларнинг иштиrokerki ҳам мажбурийдир.

Мурдани фотосуратларига кўра таниб олиш мақсадида кўрсатиш учун белгиларини тасвирловчи сурат, шунингдек, алоҳида белгилари жойлашган гавда қисмларининг фотосуратлари олиниши керак. Ишнинг

алоҳида ҳолатларига боғлиқ ҳолда мурданинг фотосуратлари бошқа суратлар қаторида ёки якка тартибда кўрсатилиши мумкин.

Қисмларга ажратилган мурданинг айрим қисмлари умумий қоидаларига кўра кўрсатилади. Мурдани таниб олиш бошқа ҳар қандай таниб олиш сингари бошқа далиллар билан ҳам тасдиқланиши даркор.

в) нарса-буюмларни таниб олиш учун кўрсатиш.

Нарса-буюмларни таниб олиш учун кўрсатишнинг процессуал тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК 128-моддасида кўзда тутилган. Таниб олиш обьектлари бўлган предметлар ниҳоятда хилма-хилдир. Уларга турли буюмлар, жумладан, ўғирланган курол, пора буюмлар ва бошқалар киради. Мазкур нарса-буюмлар кўздан кечирилиши пайтида аниқланиб суринширув ва тергов органлари ихтиёрига берилган бўлиши мумкин. Танилаётган нарса-буюм бошқа шу турдаги нарса-буюмлар орасига қўйилиб, ҳолислар иштирокида таниб оловчига кўрсатилади. Танилган ҳолларда ундан нарса-буюмни қайси табиий ва хусусий белгиларига кўра танилганлигини аниқлаш лозим. Масалан, автобаза кассасига қуролли хужум вақтида кассир томонидан инкассаторга топшириш учун тайёрлаб қўйилган пуллар ўғирланган эди. Сўроқда кассир ўғирланган пуллар орасида 50 сўмлик пулнинг қофоз билан ёпиштирилганлигини, бу қофоз йўл варақасидан йиртиб олинганлигини айтди. Жиноятчилар қўлга олингандан сўнг улардаги йирик пуллар таниб оловчига кўрсатилди, таниб оловчининг ўзи йўл варақаси қийқимини ёпиштирган 50 сўмлик ва қора ип билан тикилган 3 сўмликни таниганини айтди. Бироқ кейингиси ҳақида илгари ҳеч нарса демаган эди. Таниб оловчи танигандан сўнг 3 сўмликни белгилари ҳақида ҳеч нарса демаганлигини сабабини сўрадилар. У йиртилган пулни инкассаторга топшириш олдидан ўзи тикканини ва бу унинг ёдидан чиққанлигини, фақатгина мавжуд фактни кўргандан сўнг ёдига тушганлигини айтди.

г) ҳайвонларни таниб олиш учун кўрсатиш.

Ҳайвонларни таниб олиш учун кўрсатиш ва сўроқ пайтида унинг эгасидан қорамолни одамларга кўрсатиш, жинси, ёши, лақабини айтиш ва рангини тасвиrlаб бериш сўралади. Бунда шу таърифларни яхши тушунадиган кишилар ҳам иштирок этишади. Ҳайвонлар ўзларига ўхшац турдаги ҳайвонлар орасида кўрсатилади. Шахсга бутун пода орасида жойлашган қорамолни таниш учун кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. У фақатгина ортиқча вақтни ўғирлайди холос. Корамолни 2 ёки 3 гурӯҳ орасида кўрсатиш қулайдир. Уни бажаришда таниб оловчига ҳайвонни таниш, жуни, шохи, туёғини кўздан кечиришга имконият бериши лозим. Бунда ҳайвоннинг эгасига муносабатини диққат билан кузатиш

тавсия этилади. Танилгандан сўнг ветеринария экспертизаси тайинланниб ўтказилиши мумкин. Бунда ҳайвоннинг насли, ёши ва бошқа баъзи белгилари янада аникроқ белгиланади.

д) ҳовли-жой ва биноларни кўрсатиш.

Тунаш, зўрлаш, порахўрлик тўғрисидаги ишларни тергов қилиш давомида баъзан ҳовли-жой ёки биноларни таниб олиш зарурати туғилади. Масалан, милицияга келган жабрланувчи уни туналганлигини, бироқ воқеа содир бўлган жой манзилини айта олмаслигини билдиради. Чунки у шаҳарни яхши билмас, айни пайтда унинг тунаган жой яқинидаги айрим бинолар ва сув тақсимлаш колонкасини эслаб қолганини айтади.

Мазкур ҳолда жиноят содир бўлган жойни аниқлаш учун ҳовли-жойни таниб олиш амалга оширилади.

Яна бир бошқа ҳолда жабрланувчи ўзи илгари бўлмаган квартирада уни зўрлашганини таъкидлайди. Унинг уйини эслаб қолганлигини айтди, бироқ адресини билмайди. Бу иш юзасидан жиноят содир бўлган уй ва хонадонларни таниб олиш амалга оширилади. Ҳовли-жой ёки бинони таниб олиш олдидан таниб оловучи мазкур обьектнинг белгиловчи хусусиятлари ҳақида атрофлича сўроқ қилинади. Сўнгра ҳолислар иштирокида ҳовли-жой ва бинони таниб олиш амалга оширилади. Таниб олиш учун кўрсатиш натижалари тузилган баённома ва фотосуратларда қайд этилади. Таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси иш юзасидан далиллар олишнинг манбаи бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам уни тузишга алоҳида масъулият билан ёндашиш зарур. Баённома кириш, таърифловчи ва хulosса қисмдан иборат. Кириш қисмида мазкур тергов ҳаракатининг жойи ва вақти, барча иштирокчиларнинг нисбий белгилари, кўриш ва ёритиш даражаси қайд этилади.

Таърифловчи қисмида таниб олиш учун кўрсатилган обьект унинг белгилари, жойлашуви кўрсатилади, таниб оловчининг ҳаракатлари саналиб унинг обьектини таниган белгиларига нисбатан айтган барча сўзлари сўзма-сўз ёзib олинади. Хulosса қисмида мазкур ҳаракат иштирокчиларининг уни ўтказиш юзасидан мулоҳазалари қайд этилади. Баённома терговчи, ҳолислар, таниб оловучи ва барча бошқа иштирокчилар томонидан имзоланади. Баённомада фотосуратлар ҳам илова этилади. Унда таниш учун йигилган барча обьектлар қайд этилади. Унда таниб оловчига кўрсатилгунча ва танилганда сўнг обьектнинг кўриниши ифодаланади. Буюмнинг у танилган белгилари масштабли фотосуратлар қоидалари бўйича қайд қилиш тўғрироқ бўлса керак. Таниб оловчининг айрим ҳаракатлари, танилувчининг илтимослари бўйича қилган ҳаракатлари ҳам қайд этилиши мумкин. Кино ва видео тасвир-

дан таниб олиш қандайдир функционал белгиларга қараб амалга оширилган ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

4-§. Таниб олиш натижаларини қайд қилиш ва баҳолаш

Таниб олиш учун кўрсатиш натижалари ўзида тергов процесси давомида улар асосида ҳақиқат аниқланадиган фактик маълумотларни ифодалайди.

Терговчи, суриштирув олиб бораётган шахс, прокурор, суд таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини ўз ички ишончига асосан барча иш ҳолатлари ва уларнинг мазмунини ҳар томонлама тўла ва объектив қараб чиқиши асосида баҳолайди. Таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини баҳолаш далил манбаларини ишончли ёки ишончсизлиги тўғрисида фактни исботлаган ёки исботламаганлиги ва аниқланган фактларнинг моҳияти тўғрисида хулоса чиқаришдан иборатdir, бошқача қилиб айтганда таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини баҳолай туриб, таниб оловчи маълум сабабларга кўра адашмасмикан, деган масалани ҳал этиш лозим. Далиллар олиш манбаи ва таниб оловчи дастлабки терговда, шунингдек, таниб олиш давомида нималар гапирилганлигини ҳар томонлама баҳолаган ҳолда таниш фактининг ўзи тўғрилиги ва далилий аҳамияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Таниб олишнинг далилий аҳамиятига баҳо беришда унинг ишончлилиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳолатларнинг барча йиғиндисини ҳисобга олиш зарур” деган кўрсатмаси фавқулодда муҳимдир.

Таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини тўғри баҳолашда қабул қилиш шартлари тўғрисида маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир. Гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан кузатилган ҳаракатларнинг кутилмаган ва тезлиги, қоронгулик ва бошқа илғаш қийин бўлган ноқулай шароитлар тўғрисидаги маълумотлар суриштирувни баҳоловчи шахслар томонидан атрофлича, тегишлича ўйлаб кўрилиши зарур.

Масалан, И. исмли шахснинг иши бўйича Олий суд жиноят ишлари ҳайъати таниб олишнинг далилий аҳамияти нотўғри баҳоланганилигига эътиборни қаратди. Чунки жабрланувчи жиноятчини узоги билан 5 минутга яқин, тунда ва хира ёритилган жойда кўрган.

Қаттиқ қўрқиши, мастлик, руҳий ҳаяжонланиш, тан жароҳати ва ҳодиса содир бўлган пайтда жароҳатланиш, хушини йўқотиш натижага

сида кўриш ва эшитиш органларининг лат ейиши, ўзгариши тўғри таниб олиш қобилиятига салбий таъсир кўрсатади.

Таниб олишни баҳолашда таниб олиш учун кўрсатилган пайтда таниб олувчининг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Масалан, орасида жиноятчи бўлиши мумкин бўлган шахслар таниб олиш учун кўрсатилганда жабрланувчига оғир руҳий зарар етказганилиги учун у қаттиқ ҳаяжонланиши натижада таниб олиш хато ўтказилиши мумкин. Бу терговчи томонидан таниб олувчининг ҳаракат ва маълумотини нотўғри баҳолашга олиб келади.

Таниб олиш учун кўрсатиш натижаларини тўғри баҳолашни шакллантиришда обьектнинг белгилари, сўроқдаги маълумотлари, таниш учун аввалги кўрсатиш натижаларини таҳдил қилиш ва солишириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда обьект белгиларининг мос келиши, яъни у кўрсатилмаган пайтда гапирилган сўзларнинг бир-бирига тўғрилиги асосий тўғри баҳолашнинг муҳим омилидир. Бу ерда ички ишончнинг қарор топишида терговчининг шахсий хulosалари муҳим рол ўйнайди.

Юқори назорат органларининг таниб олиш учун кўрсатиш натижалари ҳақида тўғри хulosалар чиқаришлари учун таниб олишни баҳолаш тўғрисида тўғри хulosалар чиқаришга имконият берувчи барча маълумотлар баённомада тўлиқ ва аниқ қайд этилиши керак. Шу маънода кўрсатилган обьект тўғрисида кўргазмали тушунча берувчи қўшимча воситаларни қайд қилишнинг роли ниҳоятда каттадир. Таниб олишни баҳолашда нафақат таниб олувчининг аввалги сўроқ пайтида ва айнан таниб олиш пайтида обьект белгиларини бир хил кўрсатилганлиги, балки бу маълумотларда танилган обьектларнинг хусусияти қанчалик ифодаланганилиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Танилаётган нарсанинг хусусиятларини ифодаламайдиган тасодифий белгиларига асосланган таниб олиш иш юзасидан тўлақонли далил деб топилиши мумкин эмас» деган кўрсатмаси ниҳоятда аҳамиятлидир. Таниб олишнинг далилий аҳамиятини баҳолаш тўғрисидаги масалани ҳал эта туриб таниб олиш акти ва бошқа далиллар ўртасидаги алоқанинг мавжудлигини аниқлаш лозим. Баҳо далиллар йигиндисига айланадиган принципга мувофиқ суд ишлаб чиқариши соҳасининг муҳим талаби ўрганилаётган ишга ҳар томонлама, барча алоқаларда ва воситаларда қараш лозимлиги тўғрисидаги қоида келиб чиқади.

Агарда таниб олиш фактининг ўзи ишончсиз туюлмасада, лекин бошқа фактларга (иш юзасидан аниқланмаган) мувофиқ келмаса янги далиллар қидириш, мавжуд далилларни текшириш зарур. Шу йўл би-

лан қарама-қаршиликлар бартараф этилади. Агарда шубҳа туғдирмайдиган танишлик ва бошқа далиллар ўртасидаги қарама-қаршилик бартараф этилмас экан, айбнинг исботланганлиги тўғрисида гапириш мумкин эмас.

Ниҳоят қўйидагиларни хулоса қилиб айтиш зарур:

1. Таниб олиш учун кўрсатиш бу жиноятчиларга қарши қурашнинг тўғри йўлларини кўрсатиб бериши қимматли бўлган оммалашган тергов ҳаракатидир.

2. Таниб олиш учун кўрсатишга яхши тайёргарлик кўришни талаб қилувчи мураккаб тергов ҳаракатидир. Тайёргарлик бўлмаганда, одатда, натижаларга салбий таъсир кўрсатади.

3. Таниб олиш учун кўрсатиш вақтида таниб оловчи мутаносиблиқ, ўхшашлиқ ёки фарқ тўғрисидаги хулосаларга келганлиги юзасидан хусусият ва белгиларни тўла-тўқис сўзлаб бериши керак.

Таниб олиш учун кўрсатишнинг натижалари фақатгина жиноят процессуал қонунлари талабларига риоя қилган ҳолда баённома қайд этилган тақдирдагина далилий аҳамиятга эга бўлади.

Х БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ

1-§ Экспертиза тушунчаси ва турлари

Экспертиза — бу мутахассис кишилар томонидан баъзи бир масалаларнинг текширувлар ёрдамида ҳал қилинишига айтилади. Бу борада фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган маҳсус текширув орқали олинадиган хулосаларни экспертиза тайинлаш билан эришилади.

Экспертнинг билими маҳсус дейилиши сабаби шундаки, унинг билими оддий муаммо ва масалалар чегарасидан чиқиб кетади, турли фан, техника назариясига ва уларнинг ҳозирги замон ютуқларига асосланади. Суд ва тергов амалиётида шундай масалалар (саволлар) туғиладики, уларни ҳал қилишда малакали мутахассислар, яъни билимдон кишилар ёки эксперталарга мурожаат қилишга тўғри келади. Саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, уй-жой лойиҳаларининг сифати тўғри-

сида масалани ҳал қилишда ҳам экспертлар қатнашади. Улар бу қурилишнинг қанчалик мустаҳкам, сифатлилигини ва лойиҳанинг ҳозирги фан-техника ривожига тўғри келиши, инженерлик-техник ҳисоблар тўғрилиги ва шу каби масалалар билан шугулланадилар. Бундай қўмиталарда тегишли мутахассислар билан тўлдирилган маҳсус экспертиза архитектура қурилиш бюролари тузилган.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш қобилиятини йўқотиш даражасини, ногиронлик даражасини аниқлаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланган касалнинг жароҳат даражаларини маҳсус врачлар меҳнат экспертиза томонидан текширилади.

Суд-тергов амалиётида, айниқса, шундай масалалар учрайдики, уларни ҳал қилишда ўёки бу фан соҳасида маҳсус билимлар талаб қилинади. Ўзбекистон ЖПК нинг 172-моддасида “Экспертиза, дастлабки тергов жараёнида ва суд муҳокамасида фан, техника, санъат ва ҳунармандчилик соҳалари бўйича маҳсус билимлар зарур бўлганда тайинланади” дейилган.

Суд экспертизаси бошқа давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ўтказиладиган экспертиза текширувидан фарқ қиласи. Суд экспертизаси деганда суд, прокуратура ва милиция органларининг жиноятчиликка қарши фаолиятида уларнинг эҳтиёжларини бажарувчи давлат экспертиза муассасалари тизими тушунилади.

Суд экспертизасининг биринчи хусусияти шуки, у жиноят ва фуқаролик ишларини текширишда айрим далилларни аниқлайди. Ҳолатлар юзасидан экспертнинг холосаси иш юзасидан далил манбаи бўлиб, унда кўрсатилган фактлар эса далил бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 173-моддасида жиноят ишининг айрим ҳолатларини текширишда экспертиза тайинлаш ва ўтказишининг шартлиги кўрсатилган. Бу ҳолатлар иш юзасидан ўлим сабаби, тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражаси, гумонланувчи, айбланувчиларнинг руҳий ва жисмоний аҳволи ва бошқалар бўлиб, 9 ҳолатни ташкил қиласи. Жиноят ишини тергов қилишда бошқа ҳолатлар юзасидан экспертиза тайинлаш масаласи тергов олиб бораётган шахснинг ихтиёри билан маҳсус билим қўллаш зарурати бўлишига қараб ҳал қилинади.

Экспертиза текширувани давлат муассасалари, ташкилотларида хизмат қилувчи фан, техника, ҳунар ўёки санъат соҳасида маҳсус билимга эга бўлган мутахассислар ўтказадилар.

Экспертиза обьектлари-иш юзасидан топилган ашёвий далиллар: турли излар, жиноят қуроли сифатида ишлатилган буюмлар, ўқотиш қуроллари, портловчи моддалар, совуқ қуроллар, ҳужжатлар, тирик

шахсларнинг бадани, руҳий ҳолати, жабрланувчининг мурдаси ва б.

Экспертиза текшируви учун зарур бўлган намуналарни экспертиза тайинлаган орган ходими томонидан таъминланади ва улар ҳам объекtlар қаторига киради.

Экспертизанинг тайинлаш тартибига кўра дастлабки ва такорий, асосий масалаларига қўшимча равишда тайинланадиган экспертиза турлари мавжуддир. Мураккаб ва кўп объекtlи текширувлар юзасидан бир неча мутахассис жалб этилиб комиссиявий экспертиза тайинланади.

Экспертиза текширувига юбориладиган объекtlар юзасидан бир неча турдаги билим соҳалари талаб қилинган тақдирда комплекс экспертиза тайинланади. Бу турдаги экспертизани ўтказишда, масалан, текширилувчи объекtgта криминалистика фанига оид билимни қўлаш билан бирга тиббиёт, кимё ёки биология соҳасидаги билим ҳам қўлланилиб зарур бўлган масала ҳал қилинади.

Экспертиза текшируvida қандай билим ёки касб соҳаси талаб қилинишига қараб қуйидаги текширувлар ўтказилади:

Суд тиббиёт ва психиатрия экспертизаси — Соғлиқни Сақлаш вазирлиги қошидаги бюорода криминалистик экспертизалар, автотехник, суд-бухгалтерия ва бошқа турдаги текширувлар Адлия вазирлиги қошидаги экспертиза илмий текшириш марказида ўтказилади.

Республика Ички Ишлар, Мудофаа вазирликларининг маҳсус бўлимларида криминалистика экспертизаларнинг айрим турлари ўтказилади. Жиноят ишига оид бўлган масалалар баъзи ҳолда Давлат экспертизаси муассасидан ташқари бўлган мутахassislar томонидан ҳам ҳал этилиши мумкин. Санъат, адабиёт соҳасида тасвирий ва ижодий асарларнинг муалифини аниқлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ёки тайёрланган жойини аниқлашда касб-хунарга эга бўлган мутахassislar жалб этилади.

Экспертизанинг бу турини тайинлаш ва ўтказиш ЖПКнинг 183-моддаси билан тартибга солинган.

2-§ Экспертиза тайинлаш учун тайёргарлик кўриш

Экспертиза тайинлашнинг асосий масаласи қандай объекtlарни қайси турдаги текширувга юбориш, текширув-тадқиқотнинг вазифаси ва ҳажмини белгилаб олишдир.

Терговчи, суриштирувчи экспертиза тайинлаш ҳақида қарор тузади, суд муҳокамаси босқичида тайинланадиган бўлса ажрим чиқарилади.

Қарор (ажрим)да экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар, текширувга юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа турли обьектлар, уларнинг тури, хусусияти алоҳида қайд қилинади. Текширилувчи обьектларнинг қачон, қаерда ва қай ҳолатда топилганлиги ва кўчириб олинганлиги, текширувга таъсир этувчи ёки алоқаси бўлган маълумотлар кўрсатилиши шарт.

Экспертиза ўтказиш қарорида текширув ўтказиш мақсади, ҳал қилинадиган саволлар аниқ-равон кўрсатилмоги ва улар экспертизинг маҳсус билимлари доирасидан ташқари чиқмаслиги лозим.

Экспертизага кўйилган саволларни ҳал этиш учун текширилувчи обьектларнинг келиб чиқиши, қайси гуруҳга алоқадор эканлиги, уларнинг бўлаклари ёки қолдиқлари қайси модда гуруҳига мансублигини аниқлашда солишлириб текшириш учун турли намуналар зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 188-моддасида экспертиза текширувига зарур бўлган намуналарнинг турлари кўрсатилган. Булар тибиёт ва биологик текшируви учун инсоннинг организмидан ажралиб чиқадиган моддалар: қон, соч толалари, тиш қолиплари, овоз хусусиятлари, криминалистик экспертиза учун кўлёзма(дастхат) ва бошқа касб малакасини акс эттирувчи намуналар, кўл бармоқ ва оёқ кафтининг тери тузилиш хусусиятини излар ҳосил қилиш усули билан олинган намуналар, ўқ отиши қуроли ва уларнинг патронлари (гильза, отилган ўқ) ни текширишда маҳсус тажриба асосида олинган намуналар, хом ашё, маҳсулот ва бошқа материаллардан модданинг турига оид, ёки ўзига хос бўлган физик, химик хоссаларини акс эттирувчи шу каби бошқа турли намуналардир.

Экспертиза учун тўплангандай намуналар эркин ва экспериментал бўлиши мумкин.

Эркин намуналарнинг ҳосил бўлиши жиноят ишига алоқаси бўлмаган ҳолатда тайёрланган ёки мавжуд бўлган обьектлардир. Масалан, қўлёзма матн имзолари жиноят иши қўзғатилмасдан аввал ёзилган бўлиб, эркин нормал шароитда ҳосил бўлганлигидир.

Хат (имзо) намуналари терговчининг маҳсус топшириғи асосида тегишли процессуал шахслардан ёздириш, чиздириш билан олинадиган намуналар экспериментал деб аталади.

Экспертиза ўтказилиши жараёнида баъзи солишлириб текширилувчи намуналар эксперт ходими томонидан маҳсус тажрибалар ўтказиш йўли билан ҳам тайёрланади. Ўқ отиши қуролини отилган ўқ ва гильзалар асо-

сида айнан шу қуролдан отилғанми деган масалани ҳал этиш учун эксперт текширилаётган қуролдан экспериментал отишма ўтказиб отилған ўқ ва гильзаларнинг намунасини ҳосил қиласи ва уларни текширилувчи (ҳодиса жойида топилған) ўқ-гильзалар билан солишириб текширади.

Жиноий ҳодиса юз берган жойда топилған пойафзал излари, транспорт воситаси фиддирагидан қолган моддий ўзгаришлар ва бузиш қуролидан қолган изларни кўчириб олишда пластилин, парафинга ўхаш юмшоқ эластик моддалар ишлатилади. Айниқса, ҳажмли ботиқ изларни фото-видео тасвирга тушиши мустаҳкамлагандан сўнг, юқорида кўрсатилған моддаларни изга қоплаш-контакт қилиш усулида нусхаси кўчириб олинади.

Тергов давомида шу изларни қолдиришда гумонланган объект (қурол) топилса унинг из қолдирувчи қисмидан экспериментал из ҳосил қилиниб, ундан ҳам нусха олинади ва текширилувчи из нусхаси билан солиширилади. Мазкур тажрибалар-экспериментал текширувлар эксперт-мутахассиснинг фаолият доирасига киравчи масаладир.

Турли модда: нефть маҳсулотлари (ёғ, ёқилғи, бензин-керосин ва ҳ. к.) фармацевтик дори-дармон ва гиёҳлар, наркотик моддаларни текширишда уларнинг тури, гуруҳи мансублигини аниқлашга тўғри келади. Бу масалани ҳал этиш учун, шу текширилаётган модданинг турига оид ёки ўзига хос бўлган физикавий, химиявий хусусиятларни акс эттирувчи моддаларнинг намуналари олинниб, солишириб текширишга юборилади.

Экспертизага юбориладиган намуналарнинг сони ва сифати эксперт хulosасининг илмий асосланган ва объектив бўлишига кафолат бўлади.

Экспертиза тайинлашда унинг вазифасини аниқлаш, саволлар тузиш, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга ошириш учун терговчи (суд) тегишли мутахассисни таклиф этиши ва унинг маслаҳатидан фойдаланиш мумкин.

Баъзи ҳолларда экспертизага зарур бўлган намуналарни терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёки бошқа тегишли мутахассислар томонидан олинади. Бу масала ЖПК нинг 194-моддаси билан тартибга солингандир.

Экспертиза текширувига олинган намуналар; кимдан, қаердан, қандай намуна-нусхалар ва қандай турдаги ҳажмдаги моддалар олинганлиги ҳақида процессуал қонун назарда тутган қоидаларга мувофиқ баённома тузилади, суд муҳокамаси босқичида ўтказилған экспертиза бўйича келган намуналар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

3-§ Эксперт текшируви ва унинг хуносаси

Экспертизани ўтказишда эксперт-мутахассис уч босқичдан иборат бўлган текширувни амалга оширади:

1. Топширилувчи ва намуна сифатида юборилган обьектларнинг ҳар бирини алоҳида таҳдил қилиб уларнинг гуруҳ мансублигини белгиловчи сифатларини ўрганиб чиқади. Гуруҳ мансублигини белгиловчи аломатлар умумий бўлиб, обьектларнинг битта турга киравчи умум сифат белгиларини ташкил қиласди. Текширилувчи ва намуна бўлган обьектларнинг дастлаб умумий бўлган сифат-белгилари аниқланади, шу асосда уларнинг тури ёки гуруҳ мансублиги белгиланади.

Текширувнинг иккинчи босқичида текширилувчи обьектнинг сифат-белгилари, умумий ва алоҳида хусусий белгилари, намуна (нусха) бўлиб хизмат қилувчи обьектларнинг сифат ва белгилари билан солишириб текширилади.

Ашёвий далилнинг из қолдирган ташқи қисмидан микро-тузилиш аломатлари маҳсус тайёрланган шу гуруҳдаги буюмдан ҳосил қилинган издаги белгилар билан солиширилади. Бунинг натижасида ўхшашлик (гуруҳ мансублигини белгиловчи) ёки айнан шу предметдан қолганлигини билдирувчи натижা келиб чиқади.

Солишириб текшириш жараёнида гуруҳ мансублигини ёки айнан шу обьектнинг ўзи деган тушунчанинг ташкил бўлиши умумий ва хусусий белгилар асосида юз беради. Бу белгилар идентификацион белгилар деб аталади. Идентификация атамаси лотин тилига мансуб бўлиб, лугавий маъноси “аниқлаш”, обьектнинг айнанлиги ёки гуруҳ мансублигини белгилаш демакadir.

3. Солишириб текшириш натижасида текширулувчи обьектларнинг гуруҳ мансублиги ёки айнанлиги аниқланади, яъни тасдиқловчи хуносаси келиб чиқади. Текширилувчи обьектлар ҳар хил гуруҳга тегишли бўлиб, уларнинг тури ҳам айрим белгилари ҳам бир-бирига тўғри келмаса, инкор этувчи хуносаси, яъни “айнанлиги тасдиқланади” деган хуносаси келиб чиқади. Бу босқичдаги текширувнинг натижаси экспертизага қўйилган саволларга жавоб тариқасида эксперт фикрининг якунловчи қисмида ўз аксини топади.

Экспертнинг фикри-хуносаси жиноят (фуқаролик) ишлари юзасидан процессуал ҳужжат бўлиб далил манбаидир, ундаги берилган хуносалар иш ҳолатлари юзасидан далилий фактдир.

Экспертнинг хуносаси бошқа процессуал ҳужжатлар каби уч қисмдан иборат бўлади.

1. Кириш қисмидә экспертиза қандай жиноят иши юзасидан ва унинг қайси ҳолатларини ҳал қилишга маҳсус билим талаб қилингандиги, яъни экспертиза тайинлашга асослар кўрсатилади. Бу маълумотлар экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) дан олинади.

Экспертиза ўтказётган мутахассис ўзининг фамилияси, исми-шарифлари, маълумоти мазкур мутахассислиги бўйича иш тажрибаси, илмий дараҷа ва унвони, мазкур экспертиза муассасасида эгаллаб турган лавозими, хулоса беришдан бўйин товлаганлик ва қасддан ёлғон хулоса берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги ва бошқа эксперт текширувига оид бўлган маълумотлар хулосанинг кириш қисмida кўрсатилади.

2. Эксперт хулосасининг асосий марказий мазмунини текширув (баёнот) қисмida ташкил қиласди. Хулосанинг бу қисмida текширилувчи ва намуна сифатида юборилган обьектларнинг алоҳида-алоҳида кўздан кечирилиб, уларнинг сифат-белгилари (тузилиши, тури, ўхшашлиги ва бошқа хусусиятлари) таҳдил қилингандиги, кўлланилган замонавий услуг ва техник асбобларни, микро-макро фотография методларининг кўллангандиги, обьектдаги хусусиятларни бирма-бир солишириб текширилганлиги олдинма-кетин ёритилади.

Оптик асбоблар бошқа илмий техник воситалари ёрдамида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижаси фото суратларда, чизмаларда ва бошқа кўргазмали воситаларда ёритилиб хулосага илова қилинади.

Хулосанинг тасдиқловчи ёки инкор этувчи бўлишига асос бўлган ўхшашлик белгилари ёки уларнинг ҳар хил турга кўргазмали қилиб маҳсус чизмаларда кўрсатилади.

Эксперт хулосанинг бу қисмida жиноят иш материалининг қайси маълумотларидан фойдалангандиги, қайси ашёвий далиллар ва намуналарни текширувдан ўтказганлигини, қандай усувлардан, воситалардан фойдалангандигини ва уларнинг илмий асосланганлик дараҷасини кўрсатиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 184-моддасида экспертизинг ташаббуси кўрсатилгандир. Экспертиза материалларини текшириш жараёнида шу текширув натижасида жиноят иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни эксперт ўз ташаббуси билан аниқлаши ва хулосада кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолатларга жиноят сабаблари, унинг содир қилинишига имкон берган шарт-шароитлар, жиноятни бартараф қилишга доир ташкилий, техникавий тавсиялар кириши мумкин.

3. Эксперт хулосасининг яқунловчи қисмida экспертиза ҳал қилишлиги учун қўйилган саволларга жавоблари берилади. Жавоблар хулоса тариқасида аниқ, равон тушунарли қилиб тузилмоғи лозим. Шунинг-

дек, хulosса қилиб қатъий тахминий бўлмасдан аниқ тасдиқловчи ёки инкор этувчи бўлмоги лозим. Экспертнинг хulosаси текширув ўтказган мутахассис томонидан имзоланади ва бу ҳолат унинг хulosса юзасидан шахсий жавобгарлигини белгилайди.

Эксперт ихтиёрига тақдим этилган намуна объектлар экспертиза текшируви учун етарли бўлмаса, эксперт бу ҳақда терговчи (суд) дан қўшимча материал — намуналар талаб қилиши мумкин.

Текширилувчи объект экспертиза ўтказиш учун яроқсиз бўлса, ундаги белгилар (излар) ҳажми, сифати жиҳатдан аниқ хulosса беришга етарли бўлмаса, шунингдек, эксперт олдига қўйилган саволларни унинг маҳсус билимлари асосида ҳал қилиш имкони бўлмаса, хulosса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида эксперт асослантирилган ҳужжат тузади ва уни экспертиза муассасасининг раҳбарига топширади.

Бу масала ўтказилган экспертизанинг бир қисмiga тегишли бўлса ҳал бўлмаган саволлар ва унинг сабаби умумий хulosанинг ўзида кўрсатилиши ҳам мумкин.

Эксперт хulosаси далил манбаи сифатида тергов ва суд томонидан умум процессуал принциплар асосида иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланиши лозим. Баҳолаш масаласига хulosанинг илмий асосланганлиги, текширув услубиётини тўғри танланган, процессуал қонун-қоидага риоя этилганлиги киради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187-моддасида «Экспертнинг хulosаси суриштирувчи, терговчи ёки суд учун муқаррар далилий кучга эга эмас» -дейилган. Бу дегани эксперт хulosасини баҳолашда уни иш юзасидан тўпланган бошқа далилларга тўғри келмай қарама-қарши бўлишилиги ёки экспертиза тайинлаган асосли эмаслигини, тўла ва ҳар томонлама текширув ўтказилмаган деган фикрга келишилигидир. Бу масала яъни хulosага қўшилмаслик сабаби терговчининг қарорида, суднинг эса ажримида асосланниб кўрсатилиши лозим.

Комиссион ва комплекс экспертизалар ўтказган эксперталарнинг хulosалари ҳар хил бўлган тақдирда, терговчи ёки суд баъзи эксперталарнинг фикрига қўшилиши ва бошқаларининг хulosаларига қўшилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда терговчи (суд) хulosалар юзасидан ўз фикрини асослаб беришлари лозим.

МУНДАРИЖА

I БОБ. КРИМИНАЛИСТИК (ТЕРГОВ) ТАКТИКАСИ	3
1-§ Тергов тактикаси тушунчаси ва соҳаси	3
2-§. Криминалистика тактикасининг умумий ҳолатлари	5
II-БОБ. ТЕРГОВ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ВЕРСИЯ ЮРИТИШ	8
III-БОБ. ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТАКТИКАСИ	13
1-§. Кўздан кечиришнинг умумий ҳолатлари	13
2-§. Кўздан кечиришни ўтказишга тайёргарлик кўриш	15
3-§ Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси	17
4-§. Гувоҳлантиришни ўтказиш тартиби	24
5-§ Ҳодиса жойини кўздан кечириш натижаларини қайд этиш тартиби	26
IV-БОБ. ТЕРГОВ ЭКСПЕРИМЕНТИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ .	28
1-§ Тергов экспериментининг тушунчаси ва вазифалари	28
2-§ Тергов экспериментини ўтказиш тартиби	34
3-§. Тергов эксперименти натижаларини процессуал расмийлаштириш	35
4-§ Тергов эксперименти натижаларини баҳолаш	37
V-БОБ. ТИНТУВ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ	38
1-§. Тинтуб тушунчаси ва вазифаси	38
2-§. Тинтуб ўтказишга тайёргарлик кўриш	40
3-§. Тинтуб ўтказиш тактикаси	42
4-§. Олиб қўйишни ўтказиш тартиби	48
5-§. Тинтуб ва олиб қўйиш натижаларини қайд этиш	49
VI-БОБ. ТЕЛЕФОН ВА БОШҚА ҚУРИЛМАЛАР ОРҚАЛИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН СЎЗЛАШУВЛАРНИ ЭШИТИБ ТУРИШ ТАРТИБИ ВА ТАКТИКАСИ	51
1-§. Сўзлашувларни эшишиб туришнинг процессуал тартиби	51
2-§. Телефон ва бошқа сўзлашув воситаларидан олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш тактикаси	53
3-§. Телефон ва бошқа сўзлашув воситалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш баённомаси	56
VII-БОБ. СЎРОҚ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ	57
1-§ Сўроқнинг тактик ва психологик асослари	57
2-§ Сўроққа тайёргарлик кўриш	62

3-§ Жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш тартиби	64
4-§ Гумонланувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш тактикаси	67
5-§ Юзлаштириб сўроқ қилишнинг тартиби	73
6-§. Вояга етмаган шахсларни сўроқ қилиш	74
7-§. Сўроқ натижаларини процессуал расмийлаштириш	77
VIII-БОБ. КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА ЖОЙИДА ҚАЙТА ТЕКШИРИШ	80
1-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида қайта текшириш тушунчаси ва вазифаси	80
2-§. Кўрсатувни ҳодиса жойида текширишга тайёргарлик кўриш ..	83
3-§. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текширишнинг тартиби	85
4-§. Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш натижаларини расмийлаштириш	87
IX-БОБ. ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТАКТИКАСИ	90
1-§. Таниб олишга кўрсатиш тушунчаси ва турлари	90
2-§. Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш	93
3-§. Таниб олишни ўтказиш тартиби ва тактикаси	97
4-§. Таниб олиш натижаларини қайд қилиш ва баҳолаш	102
Х-БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИ	104
1-§ Экспертиза тушунчаси ва турлари	104
2-§ Экспертиза тайинлаш учун тайёргарлик кўриш	106
3-§ Эксперт текшируви ва унинг холосаси	109

КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ

ЎҚУВ ҚҰЛДАНМА

Мусаввир:

М.Одилов

Оригинал макетни

Ж.Абдуллаев тайёрланаған

Мусаҳҳихлар:

И.Акбарова

Г.Акбарова

ИБ № 34 90

Босишига 22.11.2000 йилда рухсат этилди. Босмахонага 23.11.2000 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16, босма тобоги 7. адади - 500 нұсха, буюртма №308

Ўзбекистон Ёшлари “Камолот” жамғармаси «Янги аср авлоди» нашриёт матбаа маркази 700113, Тошкент, Чилонзор, 8-мавзе, Қатортол күчаси, 60.

**“Ёғду-Нигоҳ” корхонаси, Тошкент, 700015.
Афросиёб күчаси, 39-15.**

**ДИТАФ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Олмазор күчаси 171-үй.**

